

Нозима ҚОЗОҚОВА

**БАДИЙ МАТН ПРАГМАТИКАСИ
(ҒАФУР ҒУЛОМ НАСРИЙ
АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)**

Монография

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Нозима ҚОЗОҚОВА

**БАДИЙ МАТН ПРАГМАТИКАСИ
(ҒАФУР ҒУЛОМ НАСРИЙ АСАРЛАРИ
МИСОЛИДА)**

Монография

Наманган – 2022

UO`K: 811.512.133-70

КВК: 81.633.1

Q -23

Ушбу монографияда прагматиканинг долзарб назарий масалалари, шахс, нутқий вазият, пресуппозиция, тағмаъно, нутқий акт каби асосий прагматик категориялар мазмун-моҳияти, ифодаланиши, бадий матннинг фонопрагматик, лексопрагматик, морфопрагматик, прагмасинтактик хусусиятлари Ғафур Ғулом насрий асарлари мисолида ёритилган.

Монография тилшунос олимлар, мазкур соҳа бўйича изланиш олиб бораётган мутахассислар, ўзбек тили ва адабиёти йўналиши талабаларига талабаларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Ҳуринисо Усмонова,

филология фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

Муҳаммадхон Ҳакимов

филология фанлари доктори, профессор

Усмонжон Раҳимов,

филология фанлари номзоди, доцент

ISBN: 978-9943-7937-7-4

Қозоқова, Нозима

Бадий матн прагматикаси (Ғафур Ғулом насрий асарлари мисолида) /
Нозима Қозоқова; масъул муҳаррир: Ҳ.Усмонова. – Наманган, 2022. – 136 б.

Монография Наманган давлат университети илмий-техник
Кенгашининг 2022 йил 30 сентябрда бўлиб ўтган йиғилишида нашрга
тавсия этилган (Баённома № 2)

© “ARJUMAND MEDIA”

КИРИШ

Жаҳон тилшунослигида XX асрнинг 70-йилларидан прагмалингвистика алоҳида соҳа сифатида ривожлана бошлади. Семантика таркибидан прагматиканинг ажралиб чиқиши тил бирликларининг нутқий мулоқот жараёнидаги таъсир ва самарадорлиги, матн семантикасига қўшимча равишда ифодаланадиган маъно қирраларини ўрганишга илмий эҳтиёж борлигини кўрсатди. Бунинг натижасида матннинг коммуникатив хусусиятларини таҳлил қилиш, тилнинг бойлиги, ифода имкониятларининг кенглигини ўзида мужассам этувчи бадиий матн ва уни идрок этиш жараёнига прагмалингвистик ёндашиш долзарб масалага айланди.

Дунё тилшунослигида бугунги кунда антропоцентрик тилшунослик йўналишларидан бири деб эътироф этилаётган прагмалингвистика кенг қамровли соҳа сифатида ривожланмоқда. Мулоқот жараёни ва унинг нутқий вазият, шахс омиллари билан боғлиқлиги, нутқий акт назариясига оид тадқиқотлар майдонга келди. Матн имплицатураси, пресуппозия ва тағмаъно масалалари, модаллик, баҳо категорияларига оид изланишларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Прагмалингвистикада мулоқот жараёни ва матнга тизимли тарзда ёндашилиб, унинг фонопрагматика, лексопрагматика, прагмасинтаксис, прагмасемантика каби қатор тармоқлари ривожланмоқда.

Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида прагмалингвистика масалаларига оид бир қатор тадқиқотлар мавжуд. Европа тилшунослигида Т.Ван Дейк, Ж.Серль, Ж.Остин, А.Вежбицкая, рус тилшунослигида И.Сусов, Э.Азнаурова, Н.Арутюнова, А.Маслова, Г.Почепцов каби бир қатор тилшунослар томонидан прагмалингвистиканинг назарий масалалари ёритилган бўлса¹, ўзбек тилшунослигида бу соҳа тараққиётида А.Нурмонов,

¹ Каранг: Ван Дейк Т. Язык. Познание. Коммуникация. – БГК им. И.А. Бодуэн де Куртенэ, 2000. – 308 с. Ван Дейк Т. Вопросы прагматики текста / Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск VIII. Лингвистика текста. – Москва: Прогресс, 1978. – С. 259-334. Серль Дж. Что такое речевой акт? / Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XVII. Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1986. – С. 151-170. Серль Дж. Косвенные речевые акты / Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XVII. Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1986. – С. 195-222. Серль Дж. Классификация иллокутивных актов / Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XVII. Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1986. – С. 170-195. Остин Дж. Слово как действие / Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XVII. Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1986. – С. 131-150. Вежбицкая А. Речевые акты / Новое в зарубежной лингвистике. Лингвистическая прагматика. – Москва, 1985. Вып. XIV. – С. 251-275. Сусов И. Семантика и прагматика предложения. Калинин: КГУ, 1980. – 51 с. Арутюнова Н. Предложение и его смысл. Логико-семантические проблемы. – Москва: Наука, 1976. – 382 с.

Н.Маҳмудов, Ш.Сафаров, М.Ҳакимов, С.Мўминов, Ш.Искандарова, С.Боймирзаева, М.Қурбонова, М.Эрназарова, А.Пардаев, Д.Лутфуллаева, Л.Раупова, У.Раҳимов, З.Бурҳонов, З.Тоиров, Э.Ибрагимова, М.Мамадалиева, Ш.Абдурахмонов, Ғ.Қамбаров, М.Ғозиева кабиларнинг изланишлари алоҳида аҳамиятга молик.² Лекин тилшунослигимизда бадиий матннинг прагмалингвистик тадқиқи борасидаги илмий изланишларни етарли деб бўлмайди. Шунингдек, Ғафур Ғулом насрий асарлари прагмалингвистик нуқтаи назардан ўрганилмаган. Адиб ижоди адабиётшунослик нуқтаи назаридан Ҳ.Ёқубов, С.Тўрабекова, Н.Шукуров, Б.Назаров, Й.Солижонов, Н.Каримов, С.Мели каби қатор олимлар томонидан тадқиқ этилган бўлса,³ тилшунослик нуқтаи назаридан асосий эътибор адибнинг шеърий асарлари таҳлилига қаратилган. Жумладан, Ш.Эгамбердиева, Б.Чориев кабилар Ғафур Ғулом поэзияси тил хусусиятларини лексик, лингвопоэтик ва услубий

Азнаурова Э. С. Прагматика художественного слова. – Ташкент: Фан, 1988. –124 с. Маслова А. Введение в прагмалингвистику. – Москва: Флинта, 2010. –152 с. Почепцов Г. Прагматика текста. – Калинин, 1980. – 240 с.

² Қаранг: Нурмонов А. Кўмакчилик конструкциялар пресуппозицияси / -дан ташқари конструкцияси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. №6. – Б. 42-46. Нурмонов А. Синтактик бирликларнинг прагматик томони. Танланган асарлар. III жилд. - Тошкент, Академнашр, 2012. – Б. 246. Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. №6. – Б. 29-33. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. Ҳакимов М. Ўзбек илмий матннинг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Фарғона, 1996. – 165 б. Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фанлари д-ри ... дисс. -Тошкент, 2001. – 265 б. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент, Академнашр: 2013. – 176 б. Мўминов С. Ўзбек мулоқот ҳулкининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри...дисс. – Тошкент, 2000. – 235 б. Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари. Филол. фанлари номзоди... дисс. – Самарқанд, 1993. – 140 б. Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол. фанлари д-ри... дисс. автореферати. – Тошкент, 2010. – 49 б. Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: Филол. фанлари доктори ... дисс. – Тошкент, 2018. – 238 б. Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фанлари номзоди...дисс. – Андижон, 1994. – 120 б. Лутфуллаева Д., Бобоханов Л. Ўзбек тилининг айрим морфопрагматик воситалари таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. 2010. – №3. –Б. 63-66. Раупова Л. Диалогик дискурдаги полипредикатив бирликларнинг соопрагматик тадқиқи: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. –Тошкент, 2012. – 48 б. Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматик таҳлили. – Тошкент: Фан, 2013. – 262 б. Ибрагимова Э. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодаланишининг усул ҳамда воситалари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Фарғона, 2001. – 120 б. Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 1998. – 29 б. Абдурахмонов Ш. Ўзбек бадиий нутқида кулги кўзгатувчи лисоний воситалар: Филол. фан. номзоди ... дисс. – Тошкент, 1997. – 147 б. Қамбаров Ғ. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши (шахслараро муносабат асосида): Филол.фанлари номз... дисс. – Тошкент, 2008. – 125 б. Ғозиева М. Просодика. – Тошкент: Академнашр, 2018. – 176 б. Ғазиева М. Мулоқот жараёнида просодик воситаларнинг лингвопрагматик хусусиятлари: Филол. фанлари бўйича фалсафа д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 50 б.

³ Қаранг: Тўрабекова С. Ғафур Ғулом поэзиясининг тасвирий воситалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1960. – №6. – Б.32-38. Тўрабекова С. Тил ва услуб. – Тошкент:Ўзадабийнашр, 1963. – 100 б. Шукуров Н. Ғафур Ғуломнинг тилдан фойдаланиш маҳоратига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1959. – №4. – Б. 17-23. Назаров Б. Ғафур Ғулом олами. – Тошкент: Фан, 2004. – 178 б. Каримов Н. Ғафур Ғулом сабоқлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2013. № 3. – Б. 3-7. Солижонов Й. Бадиий сўз устаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983. – №4. – Б. 11-15. Мели С. Комик катарсис // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. – №2. – Б. 19-26. Муҳиддинов М., Каримов С. Ғафур Ғуломнинг поэтик маҳорати. – Самарқанд, 2003. – 126 б.

томондан тадқиқ этганлар⁴. М.Муҳиддинов ва С.Каримовлар адиб асарларига ҳам тилшунослик, ҳам адабиётшунослик нуқтаи назаридан ёндашиб, поэтик маҳорат юзасидан қўлланма нашр эттирганлар⁵. Ғафур Ғуломнинг ўзбек адабий тили тараққиётига қўшган ҳиссаси масаласи проф. А.Нурмонов томонидан таҳлил қилинган⁶. Адиб насрий асарларининг лексик хусусиятлари бўйича З.Ҳамидов тадқиқот ишларини амалга оширган⁷. Проф. Н.Улуқов томонидан “Шум бола” қиссасига ономастика нуқтаи назаридан ёндашилиб, қиссадаги антропоним ва библионимлар таҳлилга тортилган⁸.

Бугунги кунда дунёда инновацион ғоясиз, илм-фан ютуқларисиз биронта соҳанинг ривожланиши мумкин эмас⁹. Ўзбек тилшунослигида ҳам жаҳон тилшунослиги ютуқ ва тажрибаларига асосланган ҳолда психолингвистика, лингвомаданиятшунослик, когнитив тилшунослик, компьютер лингвистикаси, автоматик таржима, лингвоперсонология, прагматингвистика каби замонавий соҳаларга оид тадқиқотлар миқёси кенгайиб бормоқда. Айниқса, бадиий матнни прагматингвистик нуқтаи назардан таҳлил қилиш, унинг таъсир механизми ҳамда самарадорлик омилларини аниқлаш, шахс, нутқий вазият, коммуникатив стратегия ва тактика, баҳо категорияси, дискурс кабиларнинг муаллиф интенцияси билан алоқадорлигини таҳлил қилиш тилнинг прагматик захирасини очиб бериш имконини беради. Айниқса, XX аср ўзбек адабиётининг атоқли намояндаси, мохир сўз устаси Ғафур Ғулом насрий асарларида прагматик маъно ифодаловчи лисоний воситалар, коммуникатив-прагматик категориялар масалаларини ўрганиш бадиий матнга хос прагматик хусусиятларини тўлақонли очиб беришга хизмат қилади.

⁴ Эгамбердиева Ш. Ғафур Ғуломнинг шеърӣ асарлари тилини ўрганиш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 64 б.
Чориев Б. Ғафур Ғулом поэзиясининг лексик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972. -№1. – Б. 3-7.

⁵ Муҳиддинов М., Каримов С. Ғафур Ғуломнинг поэтик маҳорати. – Самарқанд, 2003. – 126 б.

⁶ Нурмонов А. Ғафур Ғуломнинг ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланишидаги хизматлари (насрий асарлари асосида) // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. – №5. – Б. 32-35.

⁷ Ҳамидов З. Ғафур Ғулом прозаси лексикаси. – Тошкент, 2003. – Б. 48.

⁸ Улуқов Н. “Шум бола” қиссасидаги библионим ва антропонимлар хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2017. –№ 3. – Б. 67-69.

⁹ Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 85.

Ў БОБ. БАДИЙ МАТН ПРАГМАТИКАСИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1. Матн прагматик таҳлилининг назарий манбалари

Матн – мазмунан боғланган белги бирликлари (знаковых единиц) нинг кетма-кетлиги бўлиб, унинг асосий хусусиятлари мантикий ва мазмуний алоқадорлик, тўлиқлик, яқунланганлик, интонацион яхлитликдан иборатдир. Фанда матнни тушунишга доир турлича қарашлар мавжуд. Улар, энг аввало, бу тушунчанинг семиотик ва тилшунослик ёндашувлари орқали талқин этилиши билан боғлиқ бўлади. Семиотика нуқтаи назаридан матн бу мазмуний кетма-кетликдаги ҳар қандай белгилардир (бу сўзларда ифода этилган асар ҳам, мусикий асар ҳам, рассомчилик намунаси ҳам, меъморий обида ҳам бўлиши ҳам мумкин); тилшуносликда эса матн бу вербал белгилар кетма-кетлиги ¹⁰ саналади ва соҳанинг марказий тушунчаларидан сифатида ушбу фаннинг ҳар қандай аспектида лисоний бирликларнинг турли қирраларини ёритишда, муайян тилнинг ифода имкониятларини юзага чиқаришда, алоқа-аралашув жараёнида энг муҳим манбадир.

Лингвистик адабиётлардан маълумки, XX асрнинг 80-йилларидан тилшуносларнинг асосий эътибори гапдан катта бирликлар масаласига қаратила бошланди. Жаҳон тилшунослигида И.Гальперин¹¹, И.Купина¹², Н.Шанский¹³, О.Москальская¹⁴, Л.Новиков¹⁵ларнинг, ўзбек тилшунослигида Ғ.Абдурахмонов¹⁶, А.Ғуломов, М.Асқарова¹⁷ларнинг илмий тадқиқотлари бу борада амалий аҳамиятга эга бўлди ва матн тилшунослигининг шаклланиши ҳамда ривожланишига замин яратди. А.Мамажонов¹⁸, Б.Ўринбоев¹⁹,

¹⁰ Маслова А. Введение в прагмалингвистику. – Москва: Флинта. – С. 25.

¹¹ Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – Москва: Наука, 1981. – 140 с.

¹² Купина И.А. Лингвистический анализ художественного текста. – Москва, 1980. – 78 с.

¹³ Шанский Н.М. Лингвистический анализ художественного текста. – Ленинград, 1990. – 415 с.

¹⁴ Москальская О.И. Грамматика текста. – Москва, 1981. – 183 с.

¹⁵ Новиков Л.А. Художественный текст и его анализ. – Москва: ЛКИ, 2007. – 304 с.

¹⁶ Абдурахмонов Ғ. Теория текста. (Доклад на III Всесоюзной тюркологической конференции.) // Советская тюркология, 1981. – №1. – С. 93.

¹⁷ Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – Б. 77.

¹⁸ Мамажонов А. Текст лингвистикаси. – Тошкент: Низомий номли педагогика институти нашриёти, 1989. – 66 б.

Ж.Лапасов²⁰, Э.Қиличев²¹, М.Йўлдошев²² ва шу каби қатор тилшунослар томонидан матннинг турли қирралари таҳлиliga бағишланган самарали тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, А.Мамажоновнинг “Текст лингвистикаси” қўлланмасида ўзбек тилшунослигида илк марта матн назарияси бўйича маълумотлар берилди. Олим мазкур қўлланмада матнга бир неча хил системалар комплексида иборат бўлган синтактик ҳодиса сифатида ёндашади. Уни ўзаро алоқадор бўлган морфологик бирликлар йиғиндисидан иборат бўлган мураккаб структура деб ҳам аташ мумкинлигини таъкидлаган ҳолда морфологик система сифатида тушунилишини, ўзида бир неча лексик бирликларни мужассамлаштирган энг йирик нутқ бирлиги сифатида эса бир бутун лексик системани шакллантиришини, шунингдек, матн бир вақтнинг ўзида синтактик система, семантик система ҳамда стилистик усуллар системаси ҳисобланиши ҳам мумкинлигини, шу жиҳатдан олганда матн систем тилшуносликнинг энг мураккаб, кўп қиррали текширув объекти ҳисобланишини айтади²³. Проф. А.Мамажонов матн тилшунослиги борасидаги изланишларини ривожлантириб, М.Абдупаттоев билан ҳамкорликда “Матн назарияси” қўлланмасини ҳам нашр эттирди. Мазкур қўлланмада ўзбек матн тилшунослигида қўлга киритилган ютуқлар, бу соҳада ёш тадқиқотчилар олдида қўйилаётган долзарб вазифалар, матн бирликлари ва уларнинг синтактик, семантик ва услубий жиҳатлари илмий асосда ёритиб берилган²⁴. Ж.Лапасов эса матнга вазифаси жиҳатидан тугал нутқий бутунлик, мураккаб тузилиш ва мазмун мундарижасига эга бўлган оғзаки ва ёзма ижод намунаси сифатида қараб, унинг тузилиши, турлари, ўзига хос белгилари масаласини ёритади²⁵.

¹⁹ Ўринбоев Б., Қўнгулов Р., Лапасов Ж. Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 215.

²⁰ Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 87 б.

²¹ Қиличев Э. Матннинг лингвистик таҳлили. – Бухоро, Бухоро университети, 2000. – 36 б.

²² Йўлдошев М., Исаков З., Ҳайдаров Ш. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. – 112 б.

²³ Мамажонов А. Текст лингвистикаси. – Тошкент, 1989. – Б. 8.

²⁴ Қаранг: Мамажонов А., Абдупаттоев М. Матн назарияси. – Фарғона, 2016. – 112 б.

²⁵ Қаранг: Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 88 б.

Мулоқот тизимини жараён сифатида антропоцентрик нуқтаи назардан таҳлил этиш долзарб саналаётган ҳозирги тилшуносликда матннинг лингвистик мақоми қандай?

Сўнгги йиллардаги тилшуносликка оид илмий изланишларни кузатиш шуни кўрсатмоқдаки, замонавий дунё тилшунослигида коммуникатив фаолият назарияси ва унинг бирликлари тадқиқига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Замонавий тилшунослик соҳаларидан саналувчи прагмалингвистика матн ва унинг турларига, ички мазмуний тузилишига қайси методлар асосида ёндашади? Албатта, матн тилшунос учун асосий тадқиқ объектидир. Прагматик лингвистика бўйича йирик мутахассис А.Маслова тилшуносликдаги мавжуд матн ҳақидаги фикр ва қарашларни умумлаштириб, матн – бу вербал белгиларнинг кетма-кетлиги, у маълум бир тил турига оид услубий меъёрларга асосан тил ижодкорлиги жараёнида аниқ бир асар шаклида қайд этилган ҳодиса; ўз сарлавҳасига эга, шу сарлавҳа маъноси билан узвий боғланган, ўзаро боғлиқ қисмлардан иборат бўлган, шунингдек, бир мақсадга йўналтирилган ҳамда прагматик қурилмага эга асарлар эканлигини кўрсатиб ўтади. Шунингдек, тилшуносликда энг кўп тарқалган уч ёндашувни қайд этади. Унга кўра матн бу тил тизимининг энг юқори даражаси саналади; матн бу нутқ бирлиги, нутқ фаолияти натижаси ҳисобланади; матн бу мулоқот бирлиги сифатида нисбий маъновий тугалликка эга бўлади.²⁶ Бу таърифларга қўшимча равишда айтиш мумкинки, матнда нафақат вербал воситалар, балки новербал воситалар ифодаси ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки нутқий фаолиятда новербал воситалар фикрни тўлдириш, сўзловчига хос миллий ва гендер белгиларни акс эттириш каби бир қатор вазифаларни бажаради.

Профессор Ш.Сафаров ҳам матн мавзусига тўхталиб, уни дискурсив фаолият маҳсули сифатида изоҳлайди²⁷. Демак, матн термини бугунги кунда когнитив-дискурсив фаолият натижаси бўлган, оғзаки ёки ёзма тарзда

²⁶ Маслова А. Введение в прагмалингвистику. – Москва: Флинта. – С. 25.

²⁷ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б. 279.

воқеланадиган, тугалланган, шаклий ва мазмуний яхлитликка эга бўлган, ўзида грамматик, семантик, стилистик, прагматик, коммуникатив, социал, маданий хусусиятларни жамлаган йирик нутқий бирликни ифода этмоқда.

Инсон фаолиятининг асосий катта қисми коммуникатив муносабатлардан иборат экан ва инсонларнинг яшаш тарзини белгилаб берар экан, алоқа-аралашувни шакллантирувчи восита вазифасини бажарувчи асосий қурол матн саналади. Коммуникация ва матн ўзаро боғланган, уларнинг бири иккинчисини тақозо этади. Қолаверса, матн нафақат нутқий алоқа бирлиги, балки, умуман, коммуникатив муносабатларнинг ҳам бирлигидир. Агар биз маълум шахснинг нутқий матнини таҳлил этсак, у энг аввало, адресант томонидан оғзаки ёки ёзма шаклда яратилгани, ҳамда адресатга етказилганини эътироф этамиз. Узатилаётган ахборот тилнинг муайян қонун-қоидалари асосида шакллангани (интралингвистика) унинг матн талабларига жавоб беришини билдиради, ахборотнинг адресант томонидан адресатга узатилишида коммуникантларнинг ўзаро муносабатлари (экстралингвистика) катта аҳамиятга молик бўлади²⁸.

Матн мураккаб, кўп аспектли тизим бўлганлиги учун матн яратиш жараёни ва унинг таҳлили билан бир қатор соҳа вакиллари: тилшунослар, мантиқшунослар, психоллингвистлар, кибернетиклар, педагоглар шуғулланади. Бадиий матнни таҳлил қилишнинг ўзига хос методологик тамойиллари мавжуд. Бу жараёнда шакл ва мазмун бирлиги, тарихийлик, умумийлик ва хусусийликнинг уйғунлиги, воқеликни эстетик ўзлаштириш шакли эканлиги, шарҳловчининг фаоллиги тамойилларини ҳисобга олиш лозим²⁹. Ҳозирги кунда матн тилшуносликда анъанавий грамматик, семантик, услубий таҳлилларга қўшимча тарзда лингвопоэтик, психоллингвистик, социоллингвистик, когнитив, лингвокультурологик, дискурсив, прагматлингвистик нуқтаи назардан таҳлил қилинмоқда.

²⁸ Саидхонов М. Паралингвизмларнинг бадиий матндаги интерпретацияси // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. – Тошкент, 2008. – Б. 55-56.

²⁹ Ўринбоев Б., Қўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б.14.

Компьютер лингвистикаси, автоматик таржима йўналишларида ҳам матн асосий объект саналмоқда. Бу албатта, фанлар интеграциясининг натижаси, шу билан бирга, шуни айтиш мумкинки, матн таҳлилига тилшуносликнинг замонавий йўналишлари ва тамойиллари асосида ёндашув лингвистик тадқиқотлар ҳудудини ҳар томонлама кенгайтириб, тил бирликларининг нутқий имкониятларини, ижтимоий, маданий моҳиятини, интеллектуал-когнитив, руҳий, этник хусусиятларини ёритишга хизмат қилмоқда.

Замонавий тилшунослик тармоғи сифатида прагмалингвистика инсон нутқий фаолияти, ўзаро мулоқотга киришув жараёни, бу жараёнда амал қилувчи лисоний ва нолисоний омиллар уйғунлиги масаласига алоҳида аҳамият қаратади. “Прагматика” (юнонча *pragma* – иш, ҳаракат) аслида фалсафий тушунча бўлиб, уни Ж.Локк, Э.Кант каби файласуфлар Аристотелдан ўзлаштирганлар. Шу тариқа фалсафада прагматизм оқими юзага келган. Бу оқимнинг асосий тараққиёт даври XIX-XX асрларни қамраб олади. Айниқса, XX асрнинг 20-30 йилларида прагматизм ғояларининг тарғиби кучаяди. Америка ва Европада бу тарғиботнинг кенг ёйилишида Ч.Пирс, Р.Карнап, Ч.Моррис, Л.Витгенштейн, Г.Фреге кабиларнинг хизматларини катта бўлган.

Прагмалингвистикада бир томондан, тил бирликларининг прагматик имкониятлари таҳлил қилинса, иккинчи томондан, нутқий жараёнда прагматик компетентликка эришиш масаласига эътибор қаратилади, учинчи томондан, нутқий актларнинг семантик ва прагматик хусусиятлари, тағмаънонинг ифодаланиши, нутқнинг таъсир механизми таҳлил қилинади, тўртинчидан, миллий менталитет билан боғлиқ бўлган нутқий одобга хос тил бирликлари ўрганилади, бешинчидан, ифоданинг модал аспектига хос баҳо категориясининг лингвистик реаллашуви масаласи ҳам прагмалингвистик тадқиқотлар сирасига киритилади.

Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида прагмалингвистиканинг назарий асослари баён этилган бир қатор тадқиқотлар мавжуд. Жумладан, нутқий фаолиятнинг прагматик хусусиятлари, асосий прагматик категориялар,

дискурс, нутқий стратегия, прагматик контекст, нутқий акт тузилиши бўйича Т.А.Ван Дейкнинг изланишлари алоҳида ўринга эга. Олим “Язык. Познание. Коммуникация” (“Тил. Билим. Мулоқот”) асарида прагматик контекст ва унинг интерпретацияси, дискурсниги когнитив ва прагматик томонларини батафсил илмий таҳлил қилади.³⁰ У ўз тадқиқотлари давомида матн фақат гапларнинг ўзаро боғланишидан эмас, балки нутқий актларнинг ҳам ўзаро муносабатидан ташкил топади, деган хулосага келади, матннинг прагматик хусусиятлари, нутқий акт, пресуппозиция масалаларига чуқур ёндашади.³¹ Мазкур масалалар тилшуносликда бугунги кунда ҳам долзарб саналади. Матн ва ундаги прагматик жиҳатлар тадқиқи кўплаб тилшунослар диққат марказида бўлиб келмоқда.

Прагмалингвистик назариялар тараққиётида америкалик файласуф ва тилшунос Ж.Серль изланишлари катта аҳамиятга эга. Олим нутқий акт назарияси ва таснифи, нутқий акт иллокутив ва пропозиционал мазмуни ўртасидаги фарқли жиҳатлар масаласида асосли фикрларни илгари суради.³² Ж.Серлнинг тадқиқотлари бугунги кунда ҳам ифоданинг семантик ва прагматик тузилиши, нутқий актлар таснифи борасида муҳим назарий манба сифатида хизмат қилмоқда.

Маълумки, лексик бирликлар матнни семантик ташкил қилувчи, унинг таъсир хусусиятларини реаллаштирувчи муҳим таркибий қисмдир. Лексик бирликларнинг прагматик хусусиятлари бир қатор изланувчилар эътиборини жалб қилган. Жумладан, рус олимларидан Э.Азнаурова прагматик маънони сўз семантик структурасининг бир узви сифатида тадқиқ этиб, унинг лингвистик мақоми, прагматик мазмунни таҳлил қилиш тамойил ва

³⁰ Қаранг: Ван Дейк Т. Язык. Познание. Коммуникация. – Москва: БГК им. И.А. Бодуэн де Куртенэ 2000. – 308 с.

³¹ Ван Дейк. Т. Вопросы прагматики текста // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск VIII. Лингвистика текста. – Москва: Прогресс, 1978. – С. 259-334.

³² Серль Дж. Что такое речевой акт? // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XVII. Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1986. – С. 151-170. Серль Дж. Косвенные речевые акты / Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XVII. Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1986. – С. 195-222. Серль Дж. Классификация иллокутивных актов // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XVII. Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1986. – С. 170-195.

тенденцияларини атрофлича таҳлил қилади³³. Олима бадий сўз прагматикасига бағишланган монографиясида прагмалингвистиканинг асосий тушунчалари саналувчи нутқий мулоқот тушунчасига оид фикрларини ҳам баён қилади. Матн ва нутқнинг услубий ва лингвопрагматик таҳлили ўртасидаги фарқли томонлар, ёндашувларнинг ўзига хос жиҳатларини илмий асослайди. Монографияда лингвопрагматик таҳлил объекти икки томонлама коммуникатив акт эканлиги ҳақидаги фикрлар аҳамиятлидир. Чунки фойдаланилаётган сўзнинг таъсир этувчи жиҳатлари, ушбу таъсирнинг турлари ҳамда адресатнинг жавоб реакциялари прагмалингвистиканинг асосий масалаларидан саналади. Сўзловчи билан бир қаторда тингловчи ва унинг жавоб реакцияси, нутқий актнинг перлокутив эффекти масаласи бугунги кунда ҳам долзарбдир.

Замонавий рус тилшунослигида А.Маслова антропоцентрик парадигмага хос йўналишлар: лингвомаданиятшунослик, когнитив тилшунослик, маданиятлараро алоқа, нутқий таъсир назариясига оид изланишлари билан машхур. Тадқиқотимизга назарий жиҳатдан асос вазифасини бажараётган манбалардан бири олиманинг “Введение в прагмалингвистику” (“Прагмалингвистикага кириш”) ўқув қўлланмасида мазкур соҳанинг асосий тамойил ва тушунчалари чуқур ёритиб берилган.³⁴ Олима прагмалингвистиканинг антропоцентрик парадигмада тутган ўрни, бу парадигманинг тилшуносликнинг бугунги тараққиётидаги аҳамияти, нутқий акт назарияси, тузилиши ва таснифи, билвосита нутқий акт, прагмалингвистик таҳлилнинг ўзига хос жиҳатлари, нутқий вазият, коммуникатив стратегия ва коммуникатив тактика, мулоқот турлари, тамойиллари ва қоидалари, коммуникатив муваффақиятсизлик каби прагмалингвистиканинг ўзак масалаларини ёритади, бадий матнлардан олинган мисоллар воситасида далиллайди, прагмалингвистиканинг туб моҳияти ва фанлар тизимидаги ўрнини илмий асослаб беради.

³³ Азнаурова Э. С. Прагматика художественного слова. – Ташкент: Фан, 1988. – С. 20.

³⁴ Маслова А. Введение в прагмалингвистику. – Москва: Флинта. – С. 38.

Ўзбек тилшунослигида прагмалингвистикага оид дастлабки кузатишлар пресуппозиция ходисасини ўрганишга қаратилган бўлиб, Н.Маҳмудов, А.Нурмоновлар бу борада дастлабки илмий мақолаларни эълон қилганлар³⁵. У.Раҳимов эса юкламалар пресуппозициясини монографик планда ўрганиб, бу соҳада кенг кўламли изланишларни бошлаб берди³⁶. Атоқли тилшунос, профессор А.Нурмонов прагмалингвистика соҳасига оид қарашларини давом эттириб, соҳанинг тадқиқот объекти сифатида жумла таркибидаги дескриптив бўлмаган сўзлар, жумла мазмунини сўзловчи билан боғлаб турувчи сўзлар, бевосита модусни ифодаловчи киришлар, баҳо билдирувчи сўз ва воситалар, инсоннинг субъектив руҳиятини акс эттирувчи дискурс, нуткий одат (этикет), хурмат ифодаловчи воситалар, пресуппозиция масалаларини қайд этади³⁷.

XX асрнинг 90-йилларидан ўзбек тилшунослигида лисоний бирликларнинг нуткий воқеланишидаги прагматик жиҳатлар таҳлиliga бағишланган илмий тадқиқотлар салмоғи орта бошлади. Жумладан, прагмалингвистиканинг муҳим масалаларидан саналувчи тил бирликларининг коннотатив функцияси М.Мамадалиева³⁸, матннинг таъсир вазифаси, кулги кўзғатувчи воситаларнинг мақсадли тағмаёноли матн ҳосил қилишдаги аҳамияти Ш.Абдурахмонов томонидан монографик планда ўрганилди³⁹. Э.Ибрагимованинг номзодлик диссертациясида эса прагматиканинг “лингвистиканинг янги бир соҳаси сифатида нутқ жараёнида шу жараён иштирокчиларининг асосий коммуникатив ниятини амалга оширишда хизмат қилувчи нуткий вазият контекст масаласи билан алоқадор” эканлиги ҳамда тағмаёно услубий-лингвопрагматика объекти эканлиги

³⁵ Қаранг: Маҳмудов Н.Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. – №6. – Б. 29. Нурмонов А. Қўмакчилик конструкциялар пресуппозицияси / –дан ташқари конструкцияси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. – №6. – Б. 42.

³⁶ Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номзоди... дисс. – Андижон, 1994. – 120 б.

³⁷ Қаранг: Нурмонов А. Синтактик бирликларнинг прагматик томони. Танланган асарлар. III жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 246.

³⁸ Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспект: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 1998. – 29 б.

³⁹ Абдурахмонов Ш. Ўзбек бадиий нутқида кулги кўзғатувчи лисоний воситалар: Филол. фан. номзоди ... дисс. – Тошкент, 1997. – 147 б.

кўрсатиб ўтилади⁴⁰. Мазкур тадқиқотлар тил бирликларининг нутқий жараёндаги қўшимча маъно қирралари, нутқ идрок этилишининг нутқий вазият билан боғлиқлиги борасидаги назарий фикрлар ва амалий таҳлиллар умумлашгани билан аҳамиятлидир.

Прагмалингвистика мулоқот жараёнини, бу жараёндаги лисоний ва нолисоний омиллар уйғунлигини, мулоқот бирликларининг муносабат ифодаланиши, таъсир этиши, матнда шахсга ва мулоқотга оид баҳолаш категориясининг ифодаланиши, бу борада тил бирликларининг самарадорлиги масалаларини ўрганади. Тил бирликларининг прагматик функциялари, айниқса, жонли мулоқот жараёнида турли нутқий вазиятлар ва мулоқот хулқи турлари қуршовида тўлиқ акс топади. Айнан шунинг учун ҳам нутқий мулоқот ва унинг босқичлари, мулоқот хулқи, нутқий ахлоқ типлари каби масалалар прагмалингвистиканинг муҳим масалаларидан саналади. Профессор С.Мўминовнинг докторлик диссертациясида мазкур масалаларга оид чуқур кузатишлар, таҳлиллар мавжуд. Жумладан, диссертациянинг биринчи бобидаги мулоқот узвлари, турлари, мулоқот хулқи, мулоқотнинг композицион босқичлари бўйича келтирилган маълумотлар прагмалингвистик таҳлил учун ҳам назарий асос вазифасини бажара олади. Айниқса, адресант фаолияти босқичлари тўғрисидаги мулоҳазалар мулоқот жараёнини тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эга. Мулоқот хулқи муаммосини миллий характер – миллат аҳолисининг ўзига хос урф-одатлари, қадрият ва анъаналарини ҳисобга олмасдан туриб ўрганиш мутлақо мумкин эмас. Чунки мулоқот хулқи миллат характерининг узвий қисми бўлиб, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Прагматика учун муҳим аҳамиятга эга бўлган коммуникатив вазият, коммуникатив стратегия, прагматик контекст масалалари мазкур диссертацияда илмий таҳлил қилинади⁴¹. Дарҳақиқат, миллий ўзига хослик, муайян халқда турғунлашган

⁴⁰ Ибрагимова Э. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодаланишининг усул ҳамда воситалар: Филол. фан. номзоди ... дисс. – Фарғона, 2001. – Б. 20.

⁴¹ Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри...дисс. – Тошкент, 2000. – 235 б.

урф-одат ва анъаналар ҳам нутққа таъсир қилувчи прагматик омиллардан бўлиб, бадиий матнда миллийлик ифодаси бевосита муаллиф ва қаҳрамонлар нутқида қўлланувчи миллий колоритга эга нутқий birlikлар қўлланиши билан боғлиқ.

Профессор Ш.Искандарованинг номзодлик диссертациясида ҳам ўзбек нутқий одати birlikлари, коммуникатив ҳаракат компонентлари, муомала вазияти каби тушунчаларга хос кузатишлар мавжуд бўлиб, “Саломлашиш”, “Миннатдорчилик билдириш”, “Илтимос”, “Эркалаш”, “Хайрлашиш” каби нутқий вазиятлар ва уларда қўлланувчи нутқий одат birlikлари таҳлил қилинади. Тилнинг амалий фаолиятини аниқлашда тилшуносликнинг йўналишларидан бири прагматиканинг аҳамияти катта эканлиги, суҳбатдошларнинг билими, қизиқиши, мақсади, маълум ифоданинг юзага келиши, шу билан бир қаторда, уларнинг натижаси кабилар прагматика билан боғланишини таъкидланади ⁴².

Бугунги кунда тилшунослигимизда прагмалингвистика алоҳида соҳа сифатида шаклланиб улгурди. Бу жараёнда профессор Ш.Сафаровнинг изланишлари, айниқса, диққатга сазовор. Олим “Прагмалингвистика” номли монографиясида мазкур соҳанинг шаклланиши, тараққиёти ва истиқболи ҳақида фикр юритади, лисоний фаолиятнинг прагматик хусусиятлари, бу хусусиятларни юзага келтирувчи омилларни ўрганиш тилнинг ижтимоий моҳиятини аниқлаш учун муҳим эканлигини таъкидлайди. ⁴³ Мазкур ўқув қўлланмада коммуникатив-прагматик йўналишнинг шаклланиши, прагматиканинг лисоний-семиотик тизимдаги устуворлиги, прагмалингвистиканинг предмети, нутқий акт назарияси, семантика ва прагматика муносабати, прагматик мазмунни шакллантирувчи ҳодисалар, самарали мулоқот тамойил ва қоидалари, дейксис ва нутқий мулоқот матни, дискурснинг тузилиши ва унинг таҳлили масалалари жаҳон прагмалингвистикасига оид қатор манбаларни қиёслаган ҳолда назарий

⁴² Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан. номзоди... дисс. – Самарқанд, 1993. – Б. 28.

⁴³ Қаранг: Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б. 6.

жиҳатдан асослаб берилади. Прагматик таҳлил тамойилларини белгиловчи асосий методологик ғоя бу фаолият назарияси эканлиги кўрсатиб ўтилади.

Ўзбек тилшунослигида матннинг прагматик хусусиятлари том маънода монографик планда профессор М. Ҳакимов томонидан тадқиқ этилган. Олим томонидан номзодлик диссертациясида ўзбек илмий матннинг синтагматик ва прагматик хусусиятлари таҳлил қилинади ⁴⁴. Диссертацияда лингвистик тадқиқотнинг прагматик аспекти нутқ субъекти билан боғланиши, шахс ва унинг руҳий ҳолати билан боғлиқ бўлган барча нутқий ифодалар, нутқ муаллифининг индивидуал услуби, яъни фикрни қандай ифодалаш нияти кабилар прагматик тадқиқот объекти саналиши қайд этилади. Лингвопрагматик таҳлил ўзига хурсандлик, аччиқланиш, ҳайратланиш, ажабланиш, эътироз, буйруқ, илтимос, мақтанчоқлик, менсимаслик, киноя, кесатик каби маъноларни қамраб олиши кўрсатиб ўтилди. Тилшуноснинг докторлик диссертациясида эса лингвистик прагматиканинг шаклланиш босқичлари, фонопрагматика, лексопрагматика, морфопрагматика, прагматик синтаксис терминлари ўзбек тилшунослигида илк бора қўлланди. Матн лингвистик прагматика, нутқий акт назарияси тамойиллари асосида ўрганилиб, очик ва яширин (эксплицит ва имплицит) шаклда ифодаланадиган мазмунларнинг ўзига хос қонуниятлари кўрсатиб берилди, уларнинг семантик, синтактик, пресуппозицион ва прагматик хусусиятларига доир қоидаларга аниқликлар киритилди. Мазкур тадқиқотда матн тилшунослиги муаммоларига назарий жиҳатдан ёндашиш натижасида тамоман янги фикр-мулоҳазалар баён этилган ⁴⁵. Кейинчалик олим прагмалингвистикага оид тадқиқотларини умумлаштириб, “Ўзбек прагмалингвистикаси асослари” номли монографиясини эълон қилди ⁴⁶. Мазкур монографияда лингвистик прагматиканинг шаклланиши, умумий ва хусусий масалалари, фонопрагматика, лексопрагматика, морфопрагматика, олмошлар ва атоқли

⁴⁴ Ҳакимов М. Ўзбек илмий матннинг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. номзоди ... дисс. – Фарғона, 1996. – 165 б.

⁴⁵ Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2001. – 265 б.

⁴⁶ Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 176 б.

отларнинг прагматик белгилари, лингвистик прагматиканинг семантика, стилистика ва социолингвистика билан муносабати, матннинг прагмасемантик табиати, тағмаъно ва пресуппозициянинг умумий ҳамда дифференциал белгилари, лингвистик прагматика бирликлари масалалари мисоллар асосида атрофлича таҳлил этилган. Олим лингвистик прагматиканинг умумназарий масалалари қаторига жумланинг контекст билан алоқадор аспекти, кишилар ўртасидаги муносабатни ифодаловчи нутқий этикет кўринишлари, нутқнинг социал хосланиши, ифоданинг субъектив модал аспекти билан алоқадор кириш, баҳо билдирувчи сўз ва воситалар, инсоннинг ички субъектив руҳиятини ифодаловчи дискурс назарияси, пресуппозицияни киритса, хусусий масалалари қаторига сўзловчи билан боғлиқ равишда нутқ субъекти коммуникатив ниятининг ифодаланиш даражасига кўра ифоданинг ошкора ва яширин шакллари, коммуникатив ниятни ифодалаш стратегияси, тағмаъно, сўзловчининг объектив оламни ҳис қилиш даражаси ва фикрнинг ифода плани, нутқ адресати билан боғлиқ равишда нутқ интерпретацияси, перлокутив акт тушунчаси, коммуникация иштирокчилари ўртасидаги муносабат билан боғлиқ равишда нутқий аралашув шакллари, нутқнинг ижтимоий этикет шакллари, нутқий акт кўринишлари, аралашув вазияти билан боғлиқ равишда нутқ интерпретацияси масалаларини киритади. Мазкур монография бугунги кунда прагмалингвистика йўналишидаги тадқиқотлар учун назарий асос вазифасини бажармоқда.

Сўнгги йилларда жаҳон тилшунослигида бўлгани каби ўзбек тилшунослигида ҳам тил бирликларининг прагматик хусусиятлари талқинига оид изланишлар сони янада ортди. Жумладан, матн прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар масаласи проф. С.Боймирзаева томонидан монографик планда ўрганилди ⁴⁷. Олима мазкур докторлик диссертациясида матн – ахборот алмашишнинг бирлиги ва у асосан шу вазифани бажариш

⁴⁷ Қаранг: Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол. фанлари д-ри... дисс. автореферати. – Тошкент, 2010. – 49 б.

учун хизмат қилиши, шундай экан, унинг мазмуни ҳам мулоқот ва ахборот алмашинуви каби вазифаларнинг уйғунлашувини тақозо қилиши, матн мазмунида денотатив қисмнинг коммуникатив мақсад ва прагматик мўлжал билан мослашуви масаласига алоҳида эътибор қаратади. Матнни тушуниш, унинг коммуникатив-прагматик мазмунида модаллик категориясининг ўрни ва турлари масалалари ўзбек бадиий матнларидан олинган мисоллар асосида ёритиб беради.

Ўзбек тилшунослигида болалар мулоқотида нутқий акт турларининг воқеланиши, дейксис ва пресуппозициянинг лексик, морфологик ва синтактик воситалар орқали ифодаланиши, коннотациянинг юзага чиқиши масалалари М.Қурбонованинг докторлик диссертациясида тадқиқ этилди⁴⁸. Албатта, мулоқот жараёнида тил бирликлари ва паралингвистик воситаларнинг танланиши шахснинг ёш хусусиятлари билан ҳам боғлиқ бўлади. Жумладан, болалар нутқи ўзига хос фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларга эга бўлиб, бу ўзига хослик прагматик омилларга таянади.

Фонетик бирликларнинг прагматик хусусиятлари М.Ғозиева томонидан монографик планда таҳлил қилинди. Интонациянинг мелодика, урғу, пауза, темп, тембр каби компонентлари экспериментал усулда ўрганилиб, прагматик жиҳатлари ҳам аниқланди⁴⁹.

З.Бурҳонов, А.Пардаев, М.Эрназарова кабиларнинг илмий тадқиқотларида ҳам бадиий матн прагматик таҳлили учун назарий асос вазифасини бажара олувчи фикрлар илгари сурилган⁵⁰. Мазкур диссертациялар морфопрагматика учун қимматли маълумотларни бера олади.

⁴⁸ Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: Филол. фан. ф-ри... дисс. – Тошкент, 2018. – 238 б.

⁴⁹ Ғозиева М. Просодика. – Тошкент: Академнашр, 2018. – 176 б.

⁵⁰ Қаранг: Бурҳонов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишлар прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол. фан. номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 27 б. Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматик таҳлили. – Тошкент: Фан, 2013. – 262 б. Эрназарова М. Грамматик маъно лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – 70 б.

Матнга прагмалингвистик ёндашув бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида бу соҳанинг турли масалаларига илмий мақолалар, қўлланмалар яратилди ва бу жараён давом этмоқда. Айниқса, таржимашунослик, компьютер лингвистикаси, матнни автоматик таржима қилиш, тил таълими соҳаларида прагмалингвистиканинг аҳамияти катта бўлиб, бу мазкур соҳанинг истиқболли эканлиги ва амалий жиҳатларини кўрсатади.

1.2. Бадий матнга прагматик ёндашув мезонлари

Тил фалсафий жиҳатдан гносеологик ва онтологик табиатга эга бўлган мураккаб феномендир ⁵¹. Нутқ эса тилнинг реаллашув жараёни, матн ана шу нутқий фаолиятнинг маҳсули, шаклий ва мазмуний яхлитликка, тугалликка эга бўлган коммуникатив ҳодиса саналади. Матн турлари орасида бадий матн ўзига хос хусусиятларга эга. Бадий матн тилшуносликнинг энг мураккаб, кўп қиррали текширув объектидир. Чунки у бир неча лексик, грамматик ва стилистик системалар йиғиндиси – системалар системасидан иборатдир. Бадий матн билиш ва яратиш, акс эттириш ва ижоднинг диалектик бирлиги асосида вужудга келади ⁵². Бадий матн – инсон борлигининг тил орқали реаллашуви, инсон менининг рўёбга чиқиш шакли ⁵³ ҳисобланади. Дарҳақиқат, бадий матн воқеликни бадий идрок этиш ва ифодалаш маҳсули бўлиб, муаллифнинг муайян мақсади, ғояси, ижодий фикрлари тизими асосида шаклланади ва тилнинг тасвирий воситалари, луғат бойлиги, прагматик имкониятларини тўла намоён қила олади. Айнан шунинг учун ҳам бадий матнни прагматик система сифатида қайд этишимиз мумкин. Шакл ва мазмун уйғунлигига эга бундай матнда таъсирлилик биринчи даражали масалага айланади. Бадий матннинг вазифаси тасвирлаш, китобхонга эстетик ва руҳий таъсир кўрсатиш асосида муайян воқеликка, воқелик иштирокчиларига нисбатан муносабатни шакллантириш

⁵¹ Нурмонов А. Лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б. 5.

⁵² Қиличев Э. Матннинг лингвистик таҳлили. – Бухоро: Бухоро университети, 2000. – Б. 9.

⁵³ Ёкубов И. Бадий матн ва эстетик талқин. – Тошкент: Фан ва технология нашриёти, 2013. – Б. 4.

ҳисобланади. Мукаммал яратилган бадиий матннинг энг муҳим, бошқа матн турларидан фарқли хусусиятлари сифатида ифода усулининг бетакрорлиги, муайян мақсад ва ғояни ифодалаш учун яратилгани, руҳий, эстетик, дидактик таъсир кўрсатишнинг кучлилигини кўрсатиш мумкин. Муаллиф бадиий матн яратиш жараёнида барча ижодий, ақлий, интеллектуал, лисоний имкониятларини сафарбар этади ва унинг ўзига хос индивидуал услуби ҳам бадиий матн тузилишида алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳар бир ижодкор оламни ўз билими ва дунёқараши, тафаккури, кечинмаларидан келиб чиқиб субъектив тарзда англайди ва муайян мавзудаги воқеа-ҳодисага бадиий-эстетик муносабат билдиради. Бу муносабатни ўз индивидуал услубига хос тарзда тил воситалари орқали акс эттиради ва ўқувчининг дунёқарашига, руҳиятига таъсир кўрсатади.

Шеърӣ ва насрий бадиий матнларнинг лингвистик тадқиқи тил сатҳлари бирликлари таҳлили бўйича амалга оширилади. Бадиий матннинг лингвистик таҳлилида, асосан, тил ифода воситаларининг матн тузилишидаги аҳамияти, бадиий нутқ турлари, услубий воситалар, маъно кўчиш усуллари, бадиий асар лексикаси каби масалаларга алоҳида эътибор берилади. Масалан, Ғафур Ғуломнинг “Вақт” шеърини лисоний таҳлил қилар эканмиз, шоир *вақт* сўзининг 10 та синоними: *фурсат, соат, он, лаҳза, бир зум, йил, пайт, секунд, муддат, бир нафас* сўзларини қўллаганини, бу сўзлар синонимик тизма ҳосил қилганини, синонимик қатордаги ҳар бир сўз ўзига хос маъновий хусусиятларга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Шоир ижодида поэтик, жонли халқ тилига оид, диалектал, архаик, қардош тилларга оид, неологик синонимлар мавжуд.⁵⁴ Бадиий асарга лингвопоэтик, услубий ва лексик-семантик нуқтаи назардан ёндашиш кўпроқ тасвир воситаларининг тил хусусиятлари ва образли ифода ҳосил қилишдаги аҳамияти, адибнинг сўз қўллаш маҳоратини очиб бериш, лексик ва грамматик воситаларнинг синонимияси, услубий қўлланиш доирасини таҳлил этиш, лексик-семантик

⁵⁴ Эгамбердиева Ш. Ғафур Ғуломнинг шеърӣ асарлари тилини ўрганиш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 20.

таснифлашга имкон беради. Бадий матннинг прагматик таҳлилида ҳам шу билан айрим муштарак жихатлар мавжуд. Айниқса, услубият ва прагмалингвистика ўртасида алоқадорлик кучли. Лекин прагмалингвистикада тадқиқот объекти нафақат тил сатҳлари бирликлари бўйича, балки нутқий мулоқот тамойил ва асосларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинади. Зеро, прагматика тилшуносликнинг алоҳида соҳаси бўлиб, унинг тадқиқот доирасига мулоқот жараёнида лисоний бирликларни танлаб олиш, уларни қўллаш ҳамда ушбу қўлланишдаги бирликларнинг мулоқот иштирокчиларига таъсири масалалари ўрганилади ⁵⁵. Прагматик таҳлил қаҳрамонлар руҳияти ва мулоқот хулқи, тилнинг прагматик имкониятлари, тасвирланаётган замон ва макон, воқеликка муаллиф муносабатининг тил воситалари орқали юзага чиқиши, ифодадаги бирламчи ва иккиламчи маънолар, нутқий қўлланишларнинг шахс, нутқий вазият, прагматик контекст каби омиллар билан боғлиқлиги масалаларини ёритишга ёрдам беради. Бунда ҳар бир нутқий ифода нима учун, қандай мақсадда реаллашганини аниқлаш муҳим. Шунга мувофиқ, бадий матн прагматикаси термини остида муаллиф ва асар қаҳрамонлари нутқидаги турли тил воситалари ёрдамида ифода этиладиган, ўқувчига таъсир кўрсатишга қаратилган ва ўқувчи томонидан бу тил воситаларининг кенг талқин этилишига мўлжалланган муаллиф мақсадларининг жамланмаси тушунилади ⁵⁶. Бадий матн прагматик таҳлилида муаллиф ва қаҳрамонлар нутқига оид ошкора ва яширин мақсад (интенция), нутқий тактика, прагматик маънонинг ифодаланиш усул ва воситалари, прагматик пресуппозиция, фикрга қўшимча тарзда ифодаланган модал муносабатлар каби масалалар диққат марказида бўлади. Айнан шундан келиб чиққан ҳолда бадий матн прагматик таҳлилида қуйидаги мезонларни қайд этишимиз мумкин:

⁵⁵ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б. 75.

⁵⁶ Почепцов Г. Прагматика текста. – Калинин, 1980. – С. 8.

Биринчидан, бадий матнда қўлланган турли сатҳга оид тил бирликларининг муаллиф мақсади (интенцияси)га мослиги аниқланади. Тилнинг барча сатҳларига оид бирлик ва воситалар муаллифнинг ички мақсадига мувофиқ тарзда қўллansa, бадий асарнинг шаклий ва мазмуний яхлитлиги таъминланади. Нутқ мураккаб ва серқирра жараён бўлиб, бунда тилнинг барча сатҳларига оид бирликлар уйғун тарзда муаллиф мақсадини юзага чиқаришга хизмат қилади. Масалан: *Худди шу орага Йўлдош шилқим суқилдию, ишнинг пачавасини чиқарди* (“Шум бола”). Жумладаги барча лисоний воситалар салбий муносабат ифодалашга йўналтирилган. *Суқилмоқ сўзи безбетлик, хиралик билан бирор жамоага кириб олмоқ* маъносини коннотатив тарзда ифодаламоқда. Лақаб сифатида қўлланган *шилқим* сўзи ва *ишнинг пачавасини чиқармоқ* фразеологизми билан бирга *худди шу орага* бирикмаси орқали тавсифланган *кутилмаганлик* нутқий вазиятига ҳамда вазият иштирокчисига қаҳрамоннинг салбий субъектив баҳосини бўрттириб ифодаламоқда.

Иккинчидан, бадий матннинг прагматик потенциали (таъсир кучи), эмоционал-экспрессивлиги ва уни юзага чиқарувчи воситалар таҳлил қилинади. Бадий матннинг бошқа матн турларидан фарқли жиҳати ҳам эмоционал-экспрессивликнинг кучли ифодаланиши, тасвирланаётган воқеликнинг китобхон ҳис-туйғуларига таъсир этиши, тўлқинлантириши, муайян объектга нисбатан ижобий ёки салбий позицияни шакллантириши билан характерланади. Бадий матннинг таъсир кучи информативликнинг эмоционалликка йўғрилганида кўринади. Шеърый матн юқори даражадаги эмоционаллик маҳсули ва ифодаси саналса, насрий матнда ҳам ҳис-туйғу ифодаси ва таъсири яққол кўзга ташланади. Бу эса матннинг прагматик таъсир кучини ташкил этади. Масалан, ундов сўзлар ҳис-туйғуни бўрттириб кўрсатиш учун қўлланади: *Э, тавба-е, этим жимирлашиб кетди-я...Э, тавбае, ота-онанг гозмиди, ҳароми?* (“Шум бола”)

Насрий матнда қаҳрамонлар қиёфасини тасвирлашда эмоционаллик кучли ифодаланади. Айниқса, аёллар тимсолларини тасвирлашда

эмоционаллик юқори даражага кўтарилади. Ғафур Ғуломнинг “Ёдгор” қиссасида Меҳрихон, Саодат, “Қизалоқ”, “Чўтир хотиннинг толеи” ҳикояларида асосий қаҳрамонлар тасвирида нутқий вазият билан боғлиқ тарзда ижобий эмоционал баҳо ва муносабат билдирувчи тил бирликлари, ўхшатишлар фаол қўлланади. Масалан, “Ёдгор” қиссасида Жўра тилидан Меҳрихонга нисбатан бир қатор ўхшатишлар ишлатилади. *Бахт йўлларидай оқ ва кенг манглайда марварид доналаридай тер. Унинг овози чертилган жонон косадай жаранглари эди...Қиз бориб айвон даҳанасига ўтирди. Мен унинг рўбарўсида – ариқ лабида чўнқайдим...Қиз мрамардай билакларига шимариб қўйилган қўйлак енглари орасидан кичик рўмолчасини олиб, бурун учлари, дудоқ устларига қўнган шабнамдай тоза терларни арта бошлади* (“Ёдгор”).

Учинчидан, муаллифнинг ўзига хос услуби, мулоқот стратегияси ва тил бирликларини прагматик омилларга мутаносиб қўлланиши билан боғлиқ хусусиятларни ўрганилади. Масалан, Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссаси тил нуқтаи назаридан мукаммал ишланган мумтоз бадиият намуналари қаторида тура олувчи асарлардан бўлиб, умумхалқ тилидан фойдаланиш маҳоратининг бетакрор намунаси саналади. Шум бола нутқида қўлланган ўнлаб исм ва лақаблар, характер ифодаловчи сўзлар асардаги асосий қиррани – юмористик руҳни ифодалаш воситаси бўлган ⁵⁷. Масалан, *Асра кал, Ит Обид, Бит Обид, Холпаранг жинни, Йўлдош шилқим, Пўлатхўжа муғомбир, Абдулла дўлвор, Салмон пок, Илёс бўрдоқи* каби. Адибнинг бошқа насрий асарларида ҳам қаҳрамонлар исмига лақаб тиркаб қўллаш ҳолати кўп кузатилади. Масалан, *Миржалоли қуруқ, Сатторқул саркор, Ориф сассиқ, Ҳасан Кайфий, Толиб сўфи, Ҳусни баққол, Саъди халфа, Мастон бўзагар, Бадал новча, Мирёқуб қовоқ, Сойибназар қўйчи* каби лақаб тиркаб қўлланган исмлар қиссада анчагина бўлиб, ҳар бир лақабнинг қўлланишида лингвистик ва экстралингвистик омиллар уйғунлиги кузатилади. Экстралингвистик

⁵⁷ Улуков Н. “Шум бола” қиссасидаги библионим ва антропонимлар хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2017. – № 3. – Б. 67.

омиллар сирасига тасвирланаётган қаҳрамоннинг жисмоний, ижтимоий ҳолати, сажияси, бошқалардан ажратиб турувчи хусусияти кирса, лингвистик омилар қаторига ана шу хусусиятларни бўрттириб кўрсатувчи тил бирликлари, маъно кўчиш усуллари, қиёслаш кабиларни киритишимиз мумкин.

Тўртинчидан, нутқий актларнинг прагматик мазмуни: маънонинг ошкора ёки яширинлиги, яширин маънонинг ифодаланиш усуллари таҳлил қилинади. Масалан:

– *Шунақа денг, – деди подшо ўсмоқчилаб. – Хўш, бу мамлакатнинг подшоси ким, адолатли подшоларданми?*

– *Тўғри, тўғри, бир хотинининг исми Адолат деб эшитганим бор* (“Ҳасан Кайфий”). Контекстда Ҳасан Кайфий нутқида подшонинг адолатсизлигига яширин ишора ва киноя мавжуд.

Бешинчидан, бадий матнда нутқий одоб, нутқий одат, нутқий аралашув бирликларининг қўлланиши масаласи ўрганилади. Масалан:

Ичкаридан:

– *Марҳамат, кираверинг, бу эшикнинг қулфу занжири йўқ, марҳамат, – деган овоз келди.*

...Подшонинг савлати уни довдиратиб қўйди шекилли, қандай илтифот қилишни ҳам билмай эловсираб:

– *Хизмат, тақсир, хизмат? – дер эди...*

– *Қани, марҳамат, ўз уйларидек бемалол ўтирсинлар...* (“Ҳасан Кайфий”) Ҳасан Кайфий нутқида ўзбекона меҳмондўстликни ифодаловчи нутқий одоб воситалари, нутқий одат бирликлари қўлланган ва илтифот нутқий актини юзага келтирган.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, матнни прагматик аспектда ўрганиш тил воситаларидан самарали ва ўринли, унумли фойдаланиш асосларини белгилашда алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун прагмалингвистик таҳлилда тил воситалари нима учун айнан шундай қўлланганлиги, нутқий қўлланишнинг самарадорлиги ва натижавийлиги

қандай амалга ошганлиги масалаларига асосий эътиборни қаратиш лозим. Шунингдек, бадий матн прагматикасида тил бирликлари, нутқий воситалар, усулларнинг эмоционаллик ва экспрессивликни ифодалаш, қўшимча, яширин, аммо муҳим таъсирга эга ахборот ва маъноларни аниқлаш асосий масалалардан саналади.

1.3. Бадий матн ва прагматик категориялар

Прагмалингвистикада *сўзловчи ва тингловчи шахс, мулоқот хулқи, мулоқот стратегияси ва тактикаси, нутқий вазият, нутқий акт, субъектив баҳо, модаллик, дискурс, прагматик контекст, эксплицит ифода, имплицит ифода* терминлари марказий тушунчалар саналади ва прагматик категориялар майдонини ташкил этади. Улар ўзаро алоқадор бўлиб, нутқий мулоқот жараёни ва нутқий мулоқот матнида бир-бирини тақозо этади, тўлдиради:

1-жадвал

Нутқий мулоқот жараёни					
Шахс (мулоқот иштирокчилари)		шахслараро муносабат	нутқий вазият	Нутқий акт мазмуни	
Сўзловчи	Тингловчи			Вербал воситалар	Новербал воситалар
Ижтимоий, маданий, миллий, жинсий, жисмоний, ёш, гендер хусусиятлар				Эксплицит ифода	Имплицит ифода
Мулоқот хулқи				Ижобий,салбий ёки нейтрал баҳо ифодаси	
Мулоқот стратегияси					
Мулоқот тактикаси					

Категория тушунчаси фалсафада фалсафий тафаккур учун ниҳоятда муҳим, оламдаги ўзгариш, ривожланиш, алоқадорлик ва узвий боғлиқликка хос умумий жиҳатларнинг инъикоси; нарс ва ҳодисаларнинг ўзига хослиги, ўхшашлиги ва фарқларини, барқарорлиги ва ўзгаришини англатувчи,

билишнинг асосини ташкил этувчи энг умумий тушунчалар⁵⁸ сифатида изоҳланади. Тилшуносликда эса категория термини асосан грамматик сатҳ ҳодисаларига нисбатан қўлланади. “Муайян маъно умумийлиги остида бирлашган ва ўзаро зидланувчи шакллар системаси грамматик категория саналади”⁵⁹. Замон категорияси, кўплик категорияси каби. Ҳар бир категорияни ташкил этувчи аъзолар ўртасида эса парадигматик муносабат кузатилади. Тилшуносликда фалсафа фани таъсирида пайдо бўлган ва умумлисоний характерга эга модаллик категорияси, баҳо категорияси каби категориялар ҳам мавжуд. Категория терминига кенгроқ ёндашган ҳолда прагматиклигидаги асосий тушунчаларни категориялар сифатида юритишимиз мумкин. Шахс, нутқий вазият, мулоқот стратегияси, мулоқот тактикаси, мулоқот хулқи, модаллик, баҳо каби. Ўз навбатида ҳар бир категория ички бўлинишга эга бўлади. Прагматик категориялар майдонида шахс категорияси марказий ўринни эгаллайди. Бу эса шахс тушунчасига изоҳни талаб қилади.

Шахс категорияси. Маълумки, ҳозирги кунда замонавий тилшуносликда шахс омили марказий тушунчалардан бирига айланди. Шахс билан боғлиқ лисоний муаммоларни таҳлил қилувчи антропоцентрик парадигмага мансуб қатор йўналишлар майдонга келди. Аслида тил ва шахс муносабати, нутқий жараёнда шахс омилининг етакчилиги тилшунослик тарихида ўтган асрларда ҳам таъкидланган. Тилшунослик назарияси асосчиларидан саналувчи В.фон Гумбольдт ҳам: “Тилни якка шахснинг ўзи яратиши мумкин эмас, тил бутун халққа тегишлидир. Тилни ҳамиша кейинги авлодлар олдинги авлодлардан оладилар. Ҳар ёшни, ҳар бир жинсни, синфни, уларнинг табиатини ва маълум бир қабиланинг руҳий фарқини намоён қилишнинг йўллари ўзгариб бораётганлиги туфайли одамлар тил ва нутқни алмаштирмоқдалар. Тил мавҳум, ҳамиша чекланган, тафаккурнинг инъикоси

⁵⁸ Фалсафа (қомусий луғат). – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари Миллий жамияти нашриёти, 2004. – Б. 193.

⁵⁹ Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш. Грамматик категория муакммосига доир айрим мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1998. – №6. – Б. 21-26.

бўлган бирликдир. Фақатгина шахснинг нутқида тил аниқликка эришади”⁶⁰, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам сўз контекстда ва муаллиф идроки туфайлигина қайта тирилади.

Бугунги кунда муҳим саналаётган антропоцентрик парадигмада инсон марказий объект сифатида қаралиши ҳақида проф. Н.Маҳмудов шундай ёзади: “Тилнинг ана шундай объектив хусусиятига мувофиқ равишда антропоцентрик парадигмада инсон асосий ўринга чиқарилади, тил эса инсон шахсини таркиб топтирувчи бош унсур ҳисобланади ⁶¹. Дарҳақиқат, инсон онгини, шахсиятини, барча соҳалардаги фаолиятини тилдан ажратилган ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас.

Кейинги пайтларда амалга оширилган тадқиқотлар давомида шу нарсая маълум бўлдики, баён қилинган ҳар бир ифода таркибидаги пропозицияда сўзловчи шахси билан узвий алоқадор мазмуний структуралар ҳам акс этаётганлиги, буларнинг асосий белги ва хусусиятлари, моҳиятига оид тафсилотлар фанда ҳамон очиқ қолаётганлиги лингвистик прагматикага бўлган эҳтиёжни кучайтирди ⁶².

Тилшуносликда шахс бир қатор омиллар қуршовида таҳлил қилинади. Чунки инсон ва унинг тили тадқиқ этиш учун энг мураккаб, энг долзарб объект бўлиб, унинг нутқи ҳам қатор хусусиятлар таъсирида шаклланади. Машҳур тилшунос олим В.В.Богданов инсон билан боғлиқ омиллар сирасига тил малакаси, яъни маълум бир тил кодини билиш орқали коммуникантларнинг ўзаро маълумот алмашиши; миллий келиб чиқиш; ижтимоий-маданий мавқе (ижтимоий келиб чиқиш, касб, эгаллаб турган лавозим, маданий меъёрлар ва одатлар, таълим даражаси, яшаш жойи, оилавий ҳолати); биологик-физиологик маълумотлар (жинс, ёш, саломатлик ҳолати, жисмоний камчиликларнинг бор ёки йўқлиги); психологик тип (темперамент, интроверт, ёки экстровертлик, касаллик унсурлари); жорий

⁶⁰ Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию: Пер. с нем. / Под ред. Г.В. Рамишвили. Москва: Прогресс, 1984. – С. 66.

⁶¹ Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. – Б. 56.

⁶² Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол.фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2001. – Б. 30.

психологик ҳолат (кайфият, жорий билимлар, мақсад ва манфаатлар); коммуникантларнинг танишлик даражаси; барқарор дид, қизиқишлар ва одатлар; ташқи кўриниш (кийим, ўзини тутиш ва бошқалар)ни киритади ⁶³. Мазкур хусусиятларнинг барчаси шахс мулоқот хулқининг шаклланиши, нутқининг таркиб топишида муайян даражада аҳамиятли бўлади.

Бадий матнда тасвирланган қаҳрамонлар ва уларнинг нутқий мулоқоти, ўзаро муносабатининг лисоний ифодаси, ижтимоий-маданий ва ахлоқий, руҳий жиҳатларининг нутқ тузилмасига таъсири масалалари прагмалингвистик таҳлилда алоҳида ўринга эга бўлади. Биргина шахснинг нутқий ҳолати жинсий тафовут, феъл, савия, ижтимоий мавқе, ёш, маълумот, мутахассислик, соғлик, кайфият каби кўринишлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири лисоний бирликлар, хусусан грамматик шаклларнинг нутқий воқеланишига маълум даражада таъсир кўрсатади. Масалан: *Эндигина сал овунган чақалоқ яна йиғи бошлади. Кампир тоғора бошида туриб, чақалоқни овутмоқчи бўлди:*

– *Нинни, ниннигина неврагинамдан ўргулай, йиғламасин, йиғламасин, мана ҳозир бувингиз қўлини артади, дўндиққинам, ўзим бағригинамга босаман!* (“Ёдгор”). Мазкур контекстдаги нутқий актда қаҳрамоннинг катта ёшли аёл, буви, уй бекаси сифатидаги хусусиятларидан келиб чиқиб лексик ва грамматик бирликлар қўлланганини кузатамиз. Эркалаш қўшимчаси – -гина аёл нутқида бир жумланинг ўзида тўрт марта ишлатилган. Аёллар нутқида фаол қўлланувчи *ўргулай* сўзи эркалашни кучайтирган. Шу биргина *меҳрибонлик* нутқий актида онанинг руҳий, ёш, гендер белгилари акс этмоқда.

Прагмалингвистик таҳлилда шахс масаласи марказий ўринни эгаллар экан, нутқ жараёнида иштирок этувчи сўзловчи ҳамда тингловчи шахс прагматик компонентлар қаторига киради. Ҳақиқатан ҳам, мулоқотнинг икки

⁶³ Богданов В.В. Речевое общение: прагматические и семантические аспекты. – Ленинград: Изд-во ЛГУ, 1990. – С. 29.

томонлама эканлиги камида икки коммуникантнинг мавжудлигини талаб қилади: адресант, адресат ва баъзи ҳолларда кузатувчи.

Бадий асар алоқа канали бўлиб хизмат қилган коммуникатив акт бадий матннинг кўп қатламли композицион структурали тузилиши билан боғлиқ бир қатор ўзига хосликларга эга бўлади. Бу ўринда адресант сифатида нафақат муаллифнинг ўзи, балки асар қаҳрамонлари ҳам иштирок этиши мумкин. Бундан келиб чиққан ҳолда макро ва микро коммуникатив актлар ажратилади: 1) муаллиф – оммавий ўқувчи; 2) персонаж – персонаж, персонаж – оммавий ўқувчи⁶⁴. Бадий матннинг прагматингвистик таҳлилида муаллиф, қаҳрамон ва китобхон шахс категорияси остида бирлашади.

Бадий матнда муаллиф образи етакчи прагматик категорияга саналади. Чунки муаллиф коммуникатив таъсирни мўлжаллаб, шунга мувофиқ равишда зарурий тил воситалари танловини амалга оширади. Матнда акс эттирилган дунё тасвири муаллифнинг индивидуал онги орқали қайта ишланиб, ҳар бир нутқий тузилмада нутқ субъектининг имплицит ёки эксплицит тарзда ҳозир бўлишини белгилаб беради.

Муаллиф нутқининг прагматик аспекти муаллифнинг воқеа ва қаҳрамонга ижтимоий баҳолаш муносабатининг етказилишида мужассам бўлади. Муаллиф нутқи прагматикаси информатив, эмоционал-баҳоловчи ва образли-услубий жиҳатлардан ташкил топади⁶⁵. Муаллиф муайян давр, объект, воқеа, қаҳрамонни бадий асар композициясининг барча қисмларида: экспозиция, воқеа ривож, кульминация, пейзаж, портрет кабиларда тасвирлар экан, ахборот бериш, эмоционал баҳолаш орқали ўқувчига ҳам ўз ҳис-туйғуларини етказиш, образли фикрлаш ва бадий тасвир ёрдамида китобхонга эстетик ва маънавий завқ бериш мақсадларини амалга оширади. Масалан: *Катта ҳовуз ўртасида бир палла ёнгоқ пўчоқдай турган бу лой томли кулба, тўрт томондан тирговучлар билан тиралиб қари байталдай*

⁶⁴ Азнаурова Э. Прагматика художественного слова. – Ташкент: Фан, 1988. – С. 52.

⁶⁵ Соболева Е. Проблемы прагматики англоязычного художественного текста // Известия ПГПУ. 2008. – №6. – С. 55-56.

аранг турар, эски эшиги юзига ётиқ, ойна ўрнига ёлланган қогоз ёпиштирилган дарчасига ичкарида ёқилган сўник шамнинг қизғич, беадор шуъласи тушиб турарди. Кулба ичидан кимнингдир ранда емаган, дўриллаган овози ҳиргойи қилар эди (“Ҳасан Кайфий”). Муаллиф сарлавҳадан кейин “халқимизнинг юмористик эртакларидан”, деб эслатма бериб ўтади. Юқоридаги парчада ҳам муаллифнинг асосий мақсади ҳикоя қаҳрамонининг маиший турмуши, ижтимоий аҳволи ҳақида маълумот бериш, шу билан бирга кулба ҳолатини аввал *бир палла пўчоққа*, кейин *тўрт томондан тиралиб турган қари байталга ўхшатиб*, бадий, образли ва айти дамда, юмористик тасвир яратади. Асосийси, сўнгги жумлада кулбанинг аҳволи қаҳрамон ҳолатига салбий таъсир кўрсатмаслигига ишора қилувчи *ҳиргойи қилиш* ҳаракати унга нисбатан хайрихоҳлик ва завқ уйғотади. Айти шу *ҳиргойи қилиш* кўшма феъли муаллиф интенцияси – ички мақсадини ойдинлаштиради. Асар қаҳрамони учун моддий дунё иккинчи даражали эканлигини ифодалайди.

Муаллиф нутқининг асосий прагматик қиймати кўзда тутилган ғоянинг таъсирли усулда ифодаланиши, индивидуал услуб қирраларининг намоён бўлишида кўринади. Жумладан, Ғафур Ғулом насрининг индивидуал қирралари халқона нутқий ифодалар, енгил ҳазилнинг етакчилиги, кўтаринки позицияда кўзга ташланади.

Шахс категорияси атрофида *мулоқот хулқи*, *мулоқот стратегияси*, *мулоқот тактикаси* категориялари бирлашади.

Мулоқот хулқи категорияси кундалик турмуш, ижтимоий ҳаёт жараёнида инсонда пайдо бўлган нутқий кўникмалар, одатга айланган нутқий бирликларни ифода этади. Хулқ сўзи инсоннинг жамоада, оилада ўзини тутиши, яхши ёки ёмон тарбиявий хусусиятларга эга бўлишини англатади. Мулоқот хулқи, проф. С.Мўминовнинг таъкидлашича, муомала тарзи, усули маъносида қўлланади⁶⁶. Бадий асар матнида муаллиф ҳар бир

⁶⁶ Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2000. – Б. 28.

қахрамоннинг ўзига хос муомала тарзини, усулини ўзига хос йўсинда шакллантиради ва тасвирлайди. Ҳар бир қахрамон нутқида умумтил одатий нутқий одат бирликларидан ташқари унинг ижтимоий келиб чиқиши ва мақоми, ёши ва жинси, ҳаёт тарзига мос равишда шаклланган муомала тарзи ва усулини акс эттирадиган бирликлар ҳам қўлланади. Масалан, Шум болага нисбатан Ҳожи бобо нутқида турли мурожаат бирликлари кузатилади: *отанг айлансин, болам, баччагар, ҳароми, ҳей, етим тайлогим, ўғлим, бола* каби. Маълумки, бадиий асарда қахрамонлар нутқининг тузилиши ва мазмуни мазкур қахрамоннинг муаллиф томонидан яратилган мулоқот хулқи (мулоқот тарзи), муайян воқеликка нисбатан қараши, ижтимоий-маданий хусусиятлари, қахрамонларнинг ўзаро муносабати, руҳияти каби омилларга асосан шакллантирилади. Масалан, “Шум бола” қиссасида Сарибой образининг нутқида ўзига хос одатий сўз сифатида қўлланувчи *“Иннайкейин?”* саволи қахрамоннинг беписандлик, калондимоғлик, ноинсофлик хусусиятларини бўрттириб ифода этади. Бу сўзнинг “таъсир кучи” асарда шундай тасвирланади: *Унинг олдида бир иш билан борсангиз бўлар-бўлмас ерда “Иннайкейин?” деб сўрайдиган одати бор эди. Ана шу иннайкейинга жавоб топиб бера олмасангиз, онангизни Учқўрғондан кўрасиз... “Хизматкорлар оч, лекин бойнинг олдида боришга ҳеч кимнинг юраги дов бермайди. Ҳар гандан кейин бериладиган “Иннайкейин?” саволидан ҳамма қўрқади*” (“Шум бола”).

Мулоқот стратегияси категорияси прагматлингвистикадаги асосий тушунчалардан биридир. Стратегия сўзи (юн. Strategia<stratos – қўшин + ago бошлаб бораман) кўчма маънода ижтимоий-сиёсий курашга раҳбарлик қилиш санъати, шунингдек, умуман, бошқарувни тўғри ва истиқболли режалаштириш санъати⁶⁷ ни англатади. Мулоқот стратегияси эса бу коммуникатив хулқ ёки коммуникатив ҳамкорликнинг бир қисми бўлиб, унда вербал ва невербал воситалар маълум бир коммуникатив мақсадга эришиш учун ишлатилади. Коммуникатив стратегия турлари сифатида ҳамкорликка

⁶⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – zyouz. com kutubxonasi.

(кооперация) хоҳиш бор ёки йўқлигига қараб: кооператив (тасдиқлаш, таскин бериш, кўндириш ва бошқа стратегиялар); ниятнинг аҳамиятига қараб: умумий ёки хусусий стратегиялар (таққослаймиз: умумий – жанжал стратегияси, айблаш, ҳақорат қилиш, устидан кулиш каби хусусий стратегиялар); мулоқот жараёнида ишлатилиш хусусиятига қараб: асосий (адресатга бевосита таъсир ўтказиш билан боғлиқ) ва ёрдамчи стратегиялар; ёрдамчи стратегиялар коммуникатив вазият компонентлари аҳамияти билан боғлиқ прагматик (ўз-ўзини тақдим қилиш, мавқени ушлаб туриш, ҳиссий созланма бериш ва бошқа стратегиялар); суҳбатни назорат қилиб туришга қаратилган диалогик; адресатга таъсир кўрсатиш билан боғлиқ риторик техникалардан фойдаланишга қаратилган риторик стратегиялар ажратилади⁶⁸. Мазкур таснифда кўрсатиб ўтилган мулоқот стратегияси кўринишлари сўзлашув муҳотида, ва албатта, бадиий асар матнида муаллиф ва қаҳрамонлар нутқида муайян даражада амалга ошади. Чунки мулоқот жараёни ҳам ўзига хос механизм сифатида таъсир кўрсатиш ва таъсирланиш босқичларининг алмашилиб туришида ўзига хос тамойил ҳамда қоидаларга асосланади.

Сўзни персонажлар руҳияти, вазият ва эпик баён тақозосига кўра бадиий мақсад ифодасига бўйсундирган ҳолда қўллаш ёзувчидан индивидуал маҳоратни талаб қилади. Айниқса, аянчли, фожиавий воқеаларни кулгига ўраб ифода этиш мураккаб жараёндир. Кулгининг икки тури, яъни сатирик ва юмористик кулги бадиий матнда тасвирланаётган воқеликка нисбатан муаллиф муносабатини кўрсатувчи воситалардан эканлиги маълум. Айниқса, юмористик кулги ёзувчининг воқелик иштирокчиларига бўлган ижобий позициясини билдиради. Айнан шу юмористик, соф ва самимий кулги Ғафур Ғулом насрий асарларининг аксариятида, айниқса, “Шум бола” қиссасида, “Ҳасан Кайфий”, “Тўрт хангама”, “Ҳаром қатра”, “Афанди ўлмайдиган бўлди”, “Мулла Насриддин Афанди ва Шайтон алайҳилаъна”,

⁶⁸ Маслова А. Введение в прагмалингвистику. – Москва: Флинта, 2010. – С. 107.

“Шошилинч телеграмма” каби ҳикояларида, латифаларда муаллиф ва қаҳрамонлар нутқининг мулоқот стратегиясини белгилайди.

Мулоқот тактикаси тушунчаси. Тактика сўзи (юн. – қўшин тузиш, сафлаш маҳорати) кўзланган мақсадга эришиш учун олиб бориладиган курашнинг муайян шароитга мос йўл ва воситалари, шакл ва усуллари⁶⁹ ни англатади. Мулоқот тактикасини эса прагматлингвистика нуқтаи назаридан сўзловчи томонидан тингловчига ўз мақсадини етказиш учун муайян стратегияга ва вазиятга мос тарзда қўлланадиган фикр ифодалаш усул ҳамда воситаларини тушунишимиз мумкин. Ҳамкорликка асосланган стратегияда юмористик усулда, самимий, дўстона оҳангда фикр ифодалаш тактикаси, зиддиятли нутқий вазиятда танкидий фикрлаш, танбех, тергаш каби тактикага хос лисоний усул ва воситалардан фойдаланиш мумкин.

Муносабат тушунчаси тилшуносликда лингвистик бирликларнинг лексик-семантик, грамматик моҳияти, тил ва нутқ тизимидаги ўрни ва аҳамиятини белгилашдаги муҳим ҳодисалардандир. Жумладан, лингвистик бирликлар ўртасида лексик-семантик, парадигматик, синтактик, синтагматик, иерархик муносабатлар кузатилади. Шунингдек, тил бирликлари орқали воқеликка, субъектнинг ўз фикрига, тингловчига нисбатан модал ва баҳолаш муносабатлари ҳам ифодаланади. Лингвопрагматика учун кейинги турдаги муносабатлар аҳамиятли саналади. Муносабат тушунчаси кенг маънода муаллиф ёки қаҳрамон нутқи орқали тасвирланаётган воқелик, давр, мавзуга нисбатан вербал ёки новербал воситалар орқали ошкора ёки яширин тарзда ифодаланган шахсий ёндашув, дунёқараш, ижобий ёки салбий позицияни, тор маънода қаҳрамонларнинг ўзаро муомаласи тасвирида ифодаланадиган аксиологик хусусиятларни билдиради. Лексема мазмуний мундарижасидаги прагматик маъно ҳам айнан муносабат семасидан ташкил топади.

Муҳим прагматик категория саналувчи баҳо мазмуни ҳам муносабат тушунчасидан келиб чиқади. Бир қатор асарларда ҳикоячи нутқи мавжуд бўлиб, муаллифнинг муайян ғоявий мақсади, қарашлари, давр ва

⁶⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – ziyouz. com kutubxonasi.

тасвирланаётган воқеликка, тасвир объектига ижобий ёки салбий баҳолаш муносабати ҳам шу ҳикоячи нутқида сингиб кетади. Жумладан, “Шум бола” ва “Ёдгор” қиссаларида, “Менинг ўғригина болам”, “Чорбозорчи” , “Йигит” ҳикояларида асар воқеалари қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинади. Шум бола нутқида 14 ёшли бола нутқида хос жумла ва иборалар, шулар замирида эса муаллифнинг ҳам дунёқараши акс этган ўринларни кузатамиз. Масалан: *Бозорда санқиб юрган биз, дайди болалар учун қувончли эрмаклардан бири бозор, маҳалла, кўча-кўй жиннилари эди. Ўша йилларда Тошкентда шунақа ҳам жинни кўп эдики, санаб саногига етолмайсиз: Малла жинни, Майрамхон, Холпаранг жинни, Тоғжихон, Жуфт каптар, Олим жинни, Эшон ойи, Аваз жинни ва бошқалар... Ҳар бир жиннининг ўзига хослиги, тантиқлиги, “ширинлиги” бор эди (“Шум бола”)*. Шундан сўнг ҳар бир жиннининг қилиқлари кулгили тарзда тасвирланади ва уларнинг бу ҳолга тушиш сабаблари ҳам йўл-йўлакай айтиб ўтилади. Айнан шу ўринларда муаллифнинг тасвирланаётган воқеликка муносабатини ҳам кузатамиз. Чунки жинни сўзи, одатда, *ақлдан озган, телба, руҳий касалликка йўлиққан, савдойи* маъноларида қўлланиб, салбий муносабатни ифода этади. Юқоридаги контекстда эса мазкур сўз кулгили тасвирни яратишдан кўра муаллифнинг тасвирланаётган воқеалар, шахсларга нисбатан ачиниш муносабатини ҳам яширин тарзда акс эттиради. Профессор Д.Қуронов таъбири билан айтганда, “...шу ўринда ўқувчи қисса воқелигига иккита нигоҳ орқали қараш имконига эга бўлади: кулгили тафсилотлар ўспирин ҳикоячига, шўрликларнинг фоже тақдири ҳақиқатлар адибга тегишлидек таассурот туғилади. Бошқача айтсак, қаҳрамон нигоҳи билан ўсмирлик даврини кузатаркан адиб унга таҳлилий назар ташлайди, фожиалар илдизини очиб беришга интилади”.⁷⁰ Салбий баҳони акс эттирувчи, баъзан аччиқ кулгини ифодаловчи жумлаларнинг қўлланиши ана шу муносабат натижаси, албатта.

⁷⁰ Қуронов Д. Кулги зимнидаги жиддият / Мутолаа ва идрок машқлари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 41.

Баҳо категорияси умумлисоний категория бўлиб, тилнинг турли сатҳ бирликлари ва воситалари орқали ифодаланадиган баҳо мазмунини билдиради. Баҳолаш жараёни умумфалсафий ва мантикий ҳодиса ҳам саналиб, тил ва тафаккур муносабатига асосланади. Мантиқ ва тилшуносликда баҳонинг мутлақ ва қиёсий баҳо, объектив ва субъектив баҳо турлари кузатилади. Ўзбек тилшунослигида аксиология, тил бирликларида баҳо мазмунининг ифодаланиши масаласи Ғ.Қамбаров, Э.Ибрагимовалар томонидан таҳлил қилинган. Ғ.Қамбаровнинг диссертациясида баҳо мантикий ва семантик категория сифатида қаралиб, унинг тил ва нутққа муносабати, фонетик, лексик, морфологик ва синтактик сатҳда баҳо мазмунининг ифода этилиши, вербал ва новербал воситаларнинг баҳо мазмунини акс эттиришдаги аҳамияти масалалари тадқиқ этилса,⁷¹ Э.Ибрагимова предмет, белги, ҳаракат ва ҳолат ифодаловчи лексемаларда баҳо мазмунининг юзага чиқиши, баҳонинг эстетик функцияси масалаларига эътибор қаратади.⁷² Бизнинг монографиямизда ҳам баҳо категорияси ва унинг нутқда юзага чиқиши масаласига алоҳида аҳамият берилади. Тил бирликларидаги ижобий ва салбий баҳо муносабатининг акс этиши кейинги бобларда таҳлилга тортилади.

Дискурс термини ҳам прагматлингвистикада асосий тушунчалардандир. Проф. А.Нурмонов дискурсни инсоннинг субъектив руҳиятини акс эттирувчи ҳодиса сифатида баҳолаб, прагматиканинг ўрганиш доирасига киритса,⁷³ проф. Ш.Сафаров нутқ сатҳининг максимал бирлиги, бажараётган коммуникатив вазифаси жиҳатдан тизимлашган ва мулоқот вазиятига мослашган нутқий қурилма, инсон онгли фаолиятининг маълум бир тури, туркуми, матнни эса унинг бир кўриниши сифатида таърифлайди. Матн ва дискурс ҳодисаларини қиёслаб, икки ҳодисани “гипероним” – “типоним”

⁷¹ Қамбаров Ғ. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши (шахслараро муносабат асосида): филол.фанлари номз... дис. – Тошкент, 2008. – 125 б.

⁷² Ибрагимова Э. Ўзбек тили лексикасининг аксиологик тадқиқи. – Фарғона, 2018. – 115 б.

⁷³ Нурмонов А. Танланган асарлар. – Тошкент: Академнашр, 2012. 3-жилд. – Б.197.

муносабатида ўрганишни таклиф қилади.⁷⁴ Нутқни жараён сифатида ўрганиш фақат мулоқот – сўзловчи ва тингловчи орасидаги ўзаро дискурс (фикр алмаштириш), саволга жавоб бериш ҳолларидагина тадқиқ этилиши мумкин, деб ҳисоблайди⁷⁵. Аслида матн ҳам, дискурс ҳам нутқ бирлиги саналади. Дискурсни “жонли”, лисоний ва нолисоний воситалар уйғунлашган матн сифатида изоҳлашимиз мумкин. Диалогик дискурснинг социопрагматик хусусиятларини таҳлил қилган профессор Л.Раупова ҳам дискурсга “нолисоний ҳодисалар қуршовидаги матн” сифатида қарайди⁷⁶. Демак, *дискурс* ижтимоий, маданий, этник, психологик, эмоционал-экспрессив қимматга эга бўлган ва лисоний ҳамда нолисоний бирликлар уйғунлиги воситасида таркиб топадиган, сўзловчи ва тингловчи муносабати, нутқий вазият, сўзловчининг коммуникатив стратегиясини акс эттирувчи мулоқот жараёни, коммуникатив-прагматик-лингвистик ҳодисадир. Мазкур хусусиятлар бадиий матн нуқтаи назаридан қараганда диалогик дискурсларда тўлиқ реаллашади. Чунки диалог шунчаки суҳбат, қаҳрамонларнинг фикр алмашинуви жараёни эмас, бадиий асар сюжети ва композициясида муҳим таркибий аҳамиятга эга бўлган ҳодиса, қаҳрамонлар позицияси ва дунёқарашини акс эттирувчи ҳамда уларга нисбатан китобхонда ижобий ёки салбий баҳолашни юзага келтирувчи матн қисмидир. Диалог ўзининг мустақил қурилиш тизими ва қатъий тартиб-қоидаларига эга бўлади. У сюжетни ривожлантириш, характерларни такомиллаштириш, қаҳрамонлар ўртасидаги зиддиятларни кескинлаштириш, уларнинг ички дунёсини чуқурроқ очишга хизмат қилади. Диалогик дискурс бадиий ижодкор учун ижод техникасининг энг қийин бўлакларидан бири сифатида қаралса, тилшунос учун унинг синтактик ўзига хосликлари, прагматик ва дискурсив мазмуни ҳамда тузилиши муҳим аҳамият касб этади⁷⁷. Моҳир сўз

⁷⁴ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б. 221-253.

⁷⁵ Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. – Самарқанд, 2007. – Б. 15.

⁷⁶ Раупова Л. Диалогик дискурсдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – Б. 13.

⁷⁷ Раупова Л. Диалогик дискурсдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – Б. 13.

санъаткорлари баёнчиликка йўл қўймай, айнан диалогик дискурсда қаҳрамонларни ҳаётӣй, жонли одам сифатида тасвирлаб, уларнинг инсоний хусусиятларини қаҳрамонларнинг ўз нутқи орқали очиб берадилар.

Прагматика нуқтаи назаридан коммуникация жараёнининг иккинчи қатнашчиси, ушбу нутқ намунаси мўлжалланган тингловчи ёки ўқувчини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Маълум бир нутқ намунаси контекстини тушуниш, унинг умумий ҳикоядаги коммуникатив ролини англаш учун сўзлаётган ва эшитаётган, ёзаётган ва ўқиётган шахслар нафақат умумий тил билимига, балки тарихий, маданий, ижтимоий мазмундаги маълумотларга эга бўлиши талаб этилади. Ўқувчининг савияси бадиий матнни қабул қилишда катта аҳамиятга эга. Бадиий матнни англашда эса бу ҳал қилувчи омилдир.

Қаҳрамонлар руҳияти, ўзаро муносабати, тасвирланаётган воқеаларга муносабати шу жараёнда очилади, турли нутқий вазиятлар намоён бўлади. Қаҳрамонларнинг диалогик нутқини эмоционал-баҳоловчи лексика (мурожаат, зоометафоралар, кучайтирма сифатлар, иборалар; просодик элементлар (пунктуация матн мазмунини ўқувчига тез ва тўғри англашга ёрдам беради); нутқнинг услубий ўзига хослиги, тавсифи (қаҳрамон нутқининг ўзига хосликлари); информативлик; ижтимоий-маданий омилларнинг таъсири (жамиятдаги табақаланиш, ижтимоий келиб чиқиш, жинс ва ёш, мулоқот типи ва бошқалар); диалогнинг психологик асоси каби таркибий қисмларга ажратиш мумкин.⁷⁸ Дарҳақиқат, диалогик дискурсда мулоқот иштирокчилари нутқида информативликка қўшимча тарзда ижтимоий муносабатлар, руҳий таъсирланишлар доирасида ўзаро фикр ва туйғулар алмашинуви юз беради. Масалан: *Хизр бугун қаерда намоз ўқиганини айтди. Ҳасан Кайфийдан аҳвол сўради.*

– *Овора бўласиз, айтилмайди, тақсир. Нафасингизни шамол учирсин, бўлди-е!*

⁷⁸ Соболева Е. Проблемы прагматики англоязычного художественного текста // Известия ПГПУ. 2008. — №6. — С. 55-56.

– *Худойи таолонинг бирлиги ҳурмати, подшомизнинг шафқат ва меҳрибонликлари ҳурмати, чурқ этган нафас қилмайман. Фақат менга мана бу қозикларда осиглик қалқон, қилич, дубулгаларнинг эгаси кимлигини айтсангиз, бас.*

– *Қасам ичинг, ҳазрати Хизр!*

– *Нафас қилсам, каломулло урсин! (Ҳасан Кайфий)*

Мазкур диалогик дискурсни қуйидаги таркибий қисмларга ажратишимиз мумкин:

Дискурс иштирокчилари	Информатив қисм	Прагматик қисм		
		Рухий омиллар таъсири	Ижтимоий-маданий омиллар таъсири	Мулоқот хулқи
Муаллиф нутқи	<i>Хизр бугун қаерда намоз ўқиганини айтди. Ҳасан Кайфийдан аҳвол сўради.</i>	-	-	-
Ҳасан Кайфий нутқи	<i>Айтилмайди, Қасам ичинг</i>	<i>Овора бўласиз; нафасингизни и шамол учирсин, бўлди-е!</i>	<i>Тақсир, ҳазрати Хизр</i>	<i>Нафасингизни шамол учирсин</i>
Хизр нутқи	<i>чурқ этган нафас қилмайман. Фақат менга мана бу қозикларда осиглик қалқон, қилич, дубулгаларнинг эгаси кимлигини айтсангиз, бас; Нафас қилсам, каломулло урсин!</i>	-	<i>каломулло урсин!</i>	<i>Худойи таолонинг бирлиги ҳурмати, подшомизнинг шафқат ва меҳрибонликлари ҳурмати</i>

Прагматик контекст категорияси ҳам прагмалингвистикада муҳим аҳамиятга эга. Контекст тушунчаси ўзининг ифода моҳиятига кўра фонологик, лексик ҳамда грамматик оттенка ёки тушунчани ойдинлаштириш учун тузилган нутқ ёки матн парчасидир. Лекин бу таъриф контекстни ўта тор даражада тушуниш экани илмий адабиётларда таъкидланади.⁷⁹ Э.Азнаурова фикрича, лингвопрагматик контекст бу нутқ занжирининг бир бўлагидир. У ўзида ўрганилаётган birlikнинг прагматик мазмунини аниқлаш учун вербал сигналларга эга бўлиши лозим. Коммуникатив-прагматик вазият параметрлари сўзнинг мазмуний моҳияти прагматик компонентини амалга ошириш ва окказионал прагматик маънони шакллантириш учун (уларнинг эксплицит тарзда ифодаланиш ҳолатида) вербал сигналлари сифатида ишлатилиши мумкин. Прагматик ахборотнинг сигналлари уларнинг вербал тақдими доирасидан ташқарида бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда прагматик контекст экстралингвистик омилларни ўз ичига олади⁸⁰.

Юқоридагилардан ташқари пресуппозиция, тағмаёно матн прагматик мазмунини шакллантиришда аҳамиятли саналади. Мулоқот кетма-кетлиги ва тизимлилигини таъминловчи нутқий акт, сўзловчи ички интенциясини ифодаловчи иллокутив акт, тингловчи таъсирланиши ва жавоб реакциясини қамраб оловчи перлокутив акт ва эффект тушунчалари ҳам матн прагматикасида эътибор марказида бўлади. Мазкур тушунчалар ва уларнинг бадий матндаги ифодасини Ғафур Ғулом насрий асарлари мисолида навбатдаги бобларда кўриб чиқамиз.

Боб бўйича хулоса

1. Матн тилшунослик фанидаги марказий тушунчалардан бири сифатида лингвистик таҳлилнинг барча аспектлари учун бирдай аҳамиятли маълумотлар бера оловчи объектдир. Матн мураккаб когнитив-психологик

⁷⁹ Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 78.

⁸⁰ Азнаурова Э. Прагматика художественного слова. –Ташкент, 1988. – С. 58.

жараёнлар маҳсули, лексик-семантик, морфологик, синтактик, услубий, лингвомаданий, коммуникатив-прагматик хусусиятларни ўзида жамловчи тузилмадир.

2. Тилшуносликда матн таҳлиliga турлича ёндашувлар мавжуд. Матннинг прагмалингвистик таҳлили унинг мулоқот бирлиги эканлиги, лисоний ва нолисоний омиллар уйғунлигини акс эттиришига асосланади.

3. Прагмалингвистикада шахс омили марказий категория сифатида қайд этилади. Бадий матнда муаллиф – сўзловчи, қаҳрамон – сўзловчи ёки тингловчи, китобхон – тингловчи сифатида шахс категорияси остида бирлашади. нутқий актни шакллантирувчи прагматик омиллар саналади.

4. Муаллиф ва қаҳрамон нутқидаги таъсирлилиқ ва муносабат, баҳо мазмунининг ифодаланиши прагмалингвистикада муҳим аҳамиятга эга.

5. Нутқий вазият, мулоқот стратегияси, тактикаси, шахсга оид ижтимоий, маданий, гендер, ёш, дунёқараш, миллий ўзига хослиқ хусусиятлари нутқий мулоқот таркибини белгиловчи прагматик омиллардандир.

II БОБ. ПРАГМАТИК МАЪНО ИФОДАЛОВЧИ ЛИСОНИЙ ВОСИТАЛАР

Мулоқот жараёнида барча сатҳ бирликлари ўзаро мувофиқлик, уйғунлик асосида муайян мақсад сари ҳаракатлантирилса, нутқнинг натижавийлиги ортади. Юқори сатҳ бирликларини шакллантириш вазифасини бажарувчи фонетик бирликлар, ўзаро грамматик алоқаларни таъминловчи морфологик воситалар, аташ вазифасига хосланган лексемалар, тилда тайёр ҳолда муомалага олиб кирилувчи фразеологизмлар, фикрни акс эттирувчи жумла каби лисоний бирликлар қўлланиш жараёнида информативликдан ташқари прагматик вазифани ҳам бажариши сир эмас.

Турли сатҳга оид тил бирликларининг прагматик хусусиятлари улар орқали жумлага юкланган қўшимча, ноодатий, яширин мазмун, сўзловчи ички мақсади билан алоқадорлик, нутқий вазият, прагматик контекст билан алоқадорлик, мулоқот иштирокчилари ўртасидаги ўзаро шартномавий муносабат, умумий билиш фонди, баҳолаш муносабатининг акс этиши кабилар билан белгиланади.

Биз мазкур бобда Гафур Гулом насрий асарлари мисолида фонетик, лексик, морфологик ва синтактик бирликларнинг прагматик маъно ифодалаши масаласини таҳлил қиламиз. Бунда фонетик бирликлар прагматик хусусиятлари таҳлилида интонациянинг нутқий акт мазмунини шакллантиришдаги аҳамияти, фонетик ҳодисаларнинг муаллиф интенцияси билан боғлиқ тарзда ижтимоий-прагматик мазмун ифодалаши масаласига; лексик бирликлар прагматикаси ҳақида сўз борганда, улардаги баҳо ва муносабат семасининг ифодаланиши масаласига; морфологик воситалар прагматикаси хусусида сўз юритилганда, уларнинг пресуппозицияга ишора қилиши ва жумлага қўшимча мазмун бериши масаласига; синтактик бирликлар прагматикаси таҳлил қилинганда гапнинг актуал бўлиниши, гап бўлаклари позицияси каби омилларнинг сўзловчи интенциясига мувофиқ

равишда жумлага қўшимча мазмун юклаши масаласига асосий эътиборни қаратдик.

2.1. Фонетик бирликларнинг прагматик хусусиятлари

Юксак маҳорат билан яратилган бадиий матнда нафақат жумла ва сўзлар, балки ҳар бир товуш ўз ўрнига эга. Улар муаллифнинг бадиий мақсади учун хизмат қилади ва унинг прагматик маҳоратини кўрсатади. Биз монографиянинг мазкур фаслида Ғафур Ғулом насрий асарларида ҳам шакл элементлари саналувчи фонетик ва просодик воситаларнинг экспрессив мазмунни таркиб топтиришдаги амалий аҳамиятини кузатдик ва таҳлил қилдик. Жумладан, фонетик бирликлар номинатив функция бажармаса-да, лексик ва грамматик бирликларни шакллантириш, уларга прагматик маъно юклаш хусусиятига эга бўлади.

Сўзловчи ёши, савияси ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда нутқнинг фонетик қурилишини ташкил этиш бадиий матнда диалоглар жонлилигини таъминлаш, қаҳрамонлар характерини ёрқин тасвирлаш, юмористик руҳни ҳосил қилиш каби вазифаларни бажариши мумкин. Масалан: – *Ҳаптовуз келаётган бўлса, четга чиқиб тургин, тагин босиб кетмасин, болам* (“Ёдгор”). *“Худоё шукур, – деяр эмиш, – шу тентаккина ўғлимга ҳам ақл кириб, ҳукуматнинг саллотбоииси бўлиб кетган,” – деяр эмиш* (“Ёдгор”). Мазкур контекстда муаллиф асар қаҳрамонига хос катта ёшлилик ва соддалик хусусиятларидан келиб чиқиб ўзлашма сўзларни фонетик ҳодиса асосида қўллайди ва аёл нутқига ижтимоий-прагматик мазмун юклайди.

Тасвирланаётган воқеликка нисбатан юмористик муносабатни кучайтириш мақсадида ҳам фонетик ҳодисалар ҳамда қаҳрамонлар нутқининг артикуляцион жиҳатдан ўзига хос тарзда шакллантириш усулидан фойдаланилади. Масалан: *Шадағалайи бўлай, шаҳай туйиб қўллайига шув қуяман...*

Келин тушмагур “р” ўрнига “й”, “с” ўрнига “ш”, “ш” ўрнига ҳуштак чалиб куёв билан суҳбат қураётди (“Элатияда бир ов”).

Суперсегмент бирликлардан интонация нутқ занжирида иллокутив мақсадни, синтактик бирликлар семантик ва прагматик мазмунини юзага чиқариш воситаларидан бири саналади. Турли нутқий вазиятларда сўзловчи руҳияти, таъсирланиши, мулоқот иштирокчиларининг ўзаро муносабатидан келиб чиқиб жумлалар интонацияси шаклланади ва турлича прагматик мазмунни ифодалашга хизмат қилади.

Мулоқот жараёнида интонация компонентлари нутқий актларни фарқловчи асосий восита бўлиб, иллокутив актнинг юзага келишини таъминлайди. Бу актларнинг фарқланиши жонли нутқнинг муҳим белгиси саналиб, интонация нутқда таъсирчанлик, ифодавийлик ва образлиликни юзага чиқариш учун хизмат қилади⁸¹. Интонация нутқий акт мазмунини тўлдиради, аниқлаштиради. Муайян сўз, жумла нутқда турлича оҳанг билан турлича мазмунни ифодалаш мумкин. Интонация таркибий қисмлари сирасига нутқ оҳанги, унда қўлланувчи товуш кучи, нутқ темпи ва пауза киради.

Нутқ оҳанги интонациянинг таркибий қисми сифатида нутқий акт турларининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Овознинг баланд ёки пастлиги асосида юзага келади. Оҳанг ёзма нутқда нутқ феълларининг турли кўринишлари орқали ифодалаб берилади. Масалан:

Аҳён-аҳёнда бир келиб қолса:

*– Кишига ухлашга эрк бермайсан. Болангнинг овозини ўчир! Эмиз! – деб Зулфияни жеркийди (“Пуч умидлар”). Жеркимоқ феъли фикрнинг норози оҳангда, салбий эмоция билан айтилишини акс эттиради. Ёки: – *Ҳа-ҳа!* – дебди ўшқириб, – биласанларми, мен Шайтон бўламан! Данак отганда кўзларингга қараб отсаларинг бўлмайдими! (“Мулла Насриддин Афанди ва Шайтон алайҳилаъна”) Ўшқирмоқ феъли, одатда, оҳангнинг салбий ҳис-туйғу ва муносабат оқибатида кўтарилганини ифодалаб келади.*

⁸¹ Ғозиева М. Просодика. – Тошкент: Академнашр, 2019. – Б. 110.

Сўзловчи руҳиятидаги ижобий ёки салбий ҳолатлар оҳанг орқали реаллашади: *Зулфия жиддий, фақат асабийлашган оҳанг билан:*

– *Пўлатжон! – деди. Биз илгариги ваъдаларга кўра бирга ўқирмиз. Бизни бир-биримиздан ҳеч ким ажратолмас (“Пуч умидлар”).* Мазкур нутқий актда асабийлашган оҳанг таъна мазмунини кучайтирган. Ёки: *Ярим ўксик оҳанг билан:* “*Бир неча кундан бери пойлаб юриб, эримнинг паспортини ўғирлаб чиқдим. Мана шуни олиб бирор соатга менинг эрим бўлиб турасиз,*” – деди (“Ёдгор”). Мазкур жумла талаффузидаги ярим ўксик оҳанг нутқий актдаги буйруқ мазмунини юмшатиб, тингловчига таъсир қилиш кучини оширган. Ёки: – *Қарз қурсин, – деди Бўта шикоятли оҳанг билан* (“Жўрабўза”). Ушбу нутқий актда норозилик, шикоят мазмунини оҳанг орқали реаллашмоқда.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, фонетик бирликлар нутқий жараёнда прагматик маъно ифодалашда, қаҳрамонлар руҳияти ва ижтимоий хусусиятларини очиб беришда, бадиий матнда ифода равллиги ва таъсирчанлигини оширишда фаол воситалардандир. Нутқий акт мазмунининг шаклланишида эса интонация етакчи компонент саналади.

2.2. Луғавий бирликларда прагматик маъно ифодаси

2.2.1. Лексик бирликлар мазмуний мундарижасида прагматик узв

Сўз семантик жиҳатдан мураккаб структур бирлик саналади. Тилшуносликда сўз мазмуний мундарижасини ўрганишга оид бир неча методлар мавжуд бўлиб, компонент таҳлил, дифференциал-семантик метод, мазмуний майдон назарияси методи, лингвопоэтик усул, услубий ва прагматик таҳлил методлари орқали соҳага хос хусусиятлар аниқланади. Сўз семантик структурасини ўрганишга доир адабиётларда денотатив маънога қўшимча равишда ифодаланадиган маъноларга нисбатан *коннотатив маъно*, *кўчма маъно*, *услубий маъно*, *оказионал маъно*, *прагматик маъно*, *ифода семаси*, *эмоционал-экспрессив маъно* каби қатор терминлар кузатилади. Терминологик адабиётлар да коннотатив маъно денотатив маънога қўшимча

равишда экспрессив, услубий муносабат кабиларни ифодаловчи маъно (оттенка); денотатив маъно ажратилгандан кейин ҳосил бўладиган айирмага тенг маъно⁸² сифатида изоҳланади, прагматик маъно термини эса луғатга киритилмаган. Профессор М.Миртожиевнинг фикрича, *коннотатив сема* сўзнинг қўшимча маъно (ёки ифода) си бўлиб, асосий маънога бўйсунувчи, ёндош семантик ёки услубий оттенкалар экани ҳолда, турли хил экспрессив-эмоционал-баҳоловчи тонларни ифодалаш учун хизмат қилади ва тантанаворлик, ўйноқилик, бамайлихотирлик, бетакаллуфлик ва ҳоказо маъноларни ифодалаб бера олади, яъни денотатив маънодан ташқари барча қўшимча маъноларни қамраб олади. Шунингдек, олим прагматик маъно масаласига ҳам тўхталиб, прагматик сема семеманинг фақат денотатга бўлган муносабатини билдирувчи узви эканлигини таъкидлайди, прагматик сема таркибида ҳам эмоционал, ҳам экспрессив семалар борлигини, эмоционал сема субъектнинг объектга бўлган ижобий ёки салбий муносабатини билдирувчи сема, экспрессив сема бирор сўз семемасидаги ифодани кучайтириб таъкидловчи сема эканлигини кўрсатиб ўтади. Ҳосила маъно таркибидаги эмосема, интенсив сема ва услубий семаларни прагматик сема таркибига киритади. Эмосема ижобий ёки салбий муносабатни билдириши, интенсив сема кучайтириши, услубий сема бирор услубга хослик маъносини ифодалашини айтиб ўтади⁸³. Бошқа энциклопедик луғатда эса “коннотация – тил бирликлари семантикасига узул ёки окказионал тарзда кирувчи семантик мавжудлик бўлиб, у нутқ субъектининг борлиққа эмотив-баҳолаш ва услубий белгиланган муносабатини ифода этади”⁸⁴, дея таъриф берилади. Айнан коннотатив маъно билан боғлиқ тадқиқотлар ҳам мавжуд⁸⁵. Шунингдек, юқоридаги маънолар контекстуал маъно атамаси билан ҳам изоҳланади.

⁸² Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2002. – Б. 51.

⁸³ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – Б. 68.

⁸⁴ Лингвистический энциклопедический словарь. – Москва: СЭ. 1990. – С. 236.

⁸⁵ Қаранг: Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 29 б. Кўчибоев А. Матн прагматикаси. – Самарқанд, 2015. – Б.12.

Сўз контекстда ўзининг функционал қўлланиш ўрнини ўзгартириши билан аташ семаси ўрнида сўзловчининг конкрет муносабатини баён қилувчи ифода маъноси биринчи даражали мавқени эгаллайди, натижада прагматик таҳлилга эҳтиёж сезилади⁸⁶. Демак, прагматик таҳлил объекти сифатида сўзнинг муносабат семаси аҳамиятли ҳисобланади. Коннотатив маъно ўхшатиш, лексемани кўчма маънода ишлатиш асосида юзага келади. Коннотатив маъно лексик маъно устида турувчи нутқий маъно бўлиб, турли нутқий вазиятлар билан боғлиқ тарзда англашилади. Коннотатив маъно акс этган матн мураккаб бўлади. Унда бирдан ортиқ пропозиция ифодаланиб, бир гапнинг муайян бўлаклари орқали очик ифода этилса, иккинчи коннотатив маънонинг ишораси воситасида прагматик жиҳатдан яширин англастилади⁸⁷. Бу таърифда ҳам коннотатив маъно ва прагматик маъно тенглаштирилади. Профессор А.Нурмонов сўзнинг мазмуний мундарижасига бағишланган мақоласида коннотатив ва прагматик семани алоҳида тушунчалар сифатида қайд этади. Сўзловчининг белгига бўлган муносабати, тўғрироғи, сўзловчининг белги орқали ифодаланаётган объектга бўлган муносабати прагматик сема саналади, деб айтиб ўтади олим. Мазкур мақолада прагматик семанинг кўпинча лексема мазмуний мундарижасидаги баҳо семаси орқали намоён бўлиши таъкидланади. Аслида, бизнинг фикримизча, коннотатив ва прагматик маъно тушунчалари жинс-тур муносабатига эга бўлиб, коннотация бирмунча кенгроқ қамровга эга. Коннотатив маъно лексемадаги денотатив (объектив борлиқдаги нарсалар предметлар билан тўғридан-тўғри алоқадор) маънога қўшимча тарзда мавжуд бўлган ёки шу маъно асосида юзага келган барча маънолар: услубий чегараланганлик, хосланганлик ва прагматик семаларни ҳам ўзида мужассамлаштиради. Прагматик маъно эса коннотатив маънонинг бир тури — прагматик қийматга, яъни субъектив муносабат, баҳо, нутқий вазият, мулоқот ҳулки билан боғлиқлик, таъсир этиш самарадорлигига оид маъно

⁸⁶ Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. — Тошкент: Академнашр, 2013. — Б. 40.

⁸⁷ Мамаражабова З. Ўзбек тилида сифатларнинг коннотатив маънолари: Филол. фан. номзоди ...диссертация. — Тошкент, 2004. — Б. 9.

қирраларини ўзида жамлайди. Масалан: *Кун иссиғидан анор юзлари бўртиниб кетган* (“Ёдгор”). *Анор* сўзининг денотатив маъноси “бута”, “мева”, “юмалоқ”, “қаттиқ”, “қизил”, “мазали” семалари жамланмасидан таркиб топган. Юқоридаги ифодада эса “юмалоқ” ва “қизил” семалари асосида қиёслаш натижасида қизилликни бўрттириш ва ижобий муносабат натижасида ижобий баҳо юзага келган ва прагматик маъно сифатида ифодаланган. Сўздаги денотатив маъно билан тўғридан-тўғри боғланиш коннотатив маънони юзага келтирган.

Нуткий мулоқот жараёнида тингловчи ёки китобхоннинг диққат-эътиборини жалб қилиш, уларга коммуникатив таъсир қилиш, қизиқтириб қўйиш, фикрини тортиш ёки аксинча, чалғитиш, ҳаяжонга солиш, тўлқинлантириш, ишонтириш ёки алдашга уринишида экспрессив-эмоционал-баҳоловчи прагматик маънога эга сўз ёки бирикмадан фойдаланишга эҳтиёж пайдо бўлади. Бу жараёнда бўёқдор сўзлар муҳим восита саналади. Масалан: *Жуда шалвираб тушган эдим...* *Ўша кун* узун, кенг, серқатнов шаҳар кўчасида бола кўтариб, тентираб юрганимни кўп киши кўрган эди (“Ёдгор”). Контекстдаги *шалвираб тушмоқ* кўмакчи феълли бирикмаси *бўшашмоқ*, *хафсаласи пир бўлмоқ*, *аҳволи танг бўлмоқ* маъноларини ифодалаш билан бирга, салбий бўёққа ҳам эга. *Тентираб юрмоқ* бирикмаси *бекор*, *бемақсад айланиб юрмоқ* бирикмасига синоним бўлиб, салбий бўёқ асосида қаҳрамоннинг муайян нуткий вазиятда ўз ҳолатига салбий муносабати ва баҳосини ифодалайди.

Муаллиф ёки сўзловчи лексемани адресатга (тингловчи ёки китобхонга) таъсир қилиш учун қўшимча, кўпинча ностандарт (ноодатий) маънода қўллаб, кўзда тутилган мақсадга эришувни назарда тутди. Бу жараён сўзнинг семантик маъноси имкониятларидан прагматик мақсадда фойдаланиш туфайли юзага келади. Масалан, *йўгон* лексемаси хусусият билдирувчи лексема сифатида нарс-буюм (ёғоч, арқон, ичак)ларга нисбатан “қўндаланг кесими кенг” маъносида қўлланади. Дўриллаган овозга нисбатан ҳам ҳосила маънода ишлатилади. “Салмоқли”, “бақувват” маънолари ҳам

мавжуд. Контекстда турли коннотатив маъноларга эга бўлиб, прагматик қийматга эга бўлади. Масалан: *Маълум бўлишига қараганда, бу дуога бошқа жойларда битта от берар экан, шундай йўғон дуо экан* (“Шум бола”). Бу ўринда “таъсирли”, “ижобат бўладиган”, “аҳамиятли” окказионал семалари реаллашиб, объектга нисбатан ижобий, лекин юмористик муносабатни уйғотишга хизмат қилмоқда.

Тил тараққиёти жараёнида бош маъно асосида юзага келган ҳосила маънолар турғунлашиши, доимий маънога айланиши, шунингдек, яна янги маънолар пайдо бўлиши табиий ҳол, албатта. Сўзнинг ҳосила маъноси юзага келар экан, ...у прагматик семага ҳам эга бўлиши мумкин.⁸⁸ Семантик структурасида прагматик сема мавжуд бўлган лексемалар нуткий мулоқотда муайян объектга нисбатан субъектив баҳолаш муносабатини ёрқинроқ ифодалаш имконини беради. Масалан, *қаттиқ сўзининг денотатив маъноси жисмларга нисбатан одатдаги шароитда ўз шакли ва ҳажмини сақлайдиган; умуман шакл ўзгаришларига яхши қаршилиқ кўрсатадиган, синдириш, ушатиш қийин бўлган; маҳкам; баданга, қўлга юмшоқ уннамайдиган, салга эзилмайдиган, баданга ботадиган (қаттиқ ўрин)*⁸⁹ белгиларини ифодалайди. Шу сўзнинг коннотатив маънолари *кўп куч, ғайрат, меҳнат, билим ва шу кабиларни талаб этадиган, оғир, машаққатли (қаттиқ меҳнат); қулоққа оғир ботадиган, баралла эшитиладиган, кучли, баланд (қаттиқ овоз); шиддатли (қаттиқ шамол); мустаҳкам, маҳкам, пишиқ (қаттиқ тугун); чекидан ортиқ, ҳаддан зиёда, кучли (қаттиқ севги); юз-хотирлик, андиша ва шу кабилардан холи бўлган; жиддий, шафқатсиз (қаттиқ танқид);бузиш ёки чекинишга йўл қўймайдиган, қатъий (қаттиқ интизом); матонатли, чидамли, бардошли (жони қаттиқ одам); кишига оғир ботадиган, уни ранжитадиган, хафа қиладиган (қаттиқ ҳақорат); ҳаёт учун хавфли, оғир, жиддий (қаттиқ касаллик); сарф-харажат, чиқим ва шу кабиларни ёқтирмайдиган, зиқна (қаттиқ одам), ўта пишиқ, товарини қимматга*

⁸⁸ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – Б. 109.

⁸⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент: ЎзМЭ, 2005. 5 жилдлик. 5-жилд. – Б. 363.

пулловчи (сўзл. сотувчиларга нисбатан (оғзи қаттиқ)) каби белгиларни хусусиятларни қамраб олади. Коннотатив маъноларининг аксариятида прагматик сема мавжуд. “Менинг ўғригина болам” ҳикоясида қаттиқ лексемасининг яна бир коннотатив маъноси воқеланади: *Қизлари қўрғур қачон бир ерга элашиб кетади-ю. Ўзи ўраб, ўзи чирмаб оладиган жой чиқмаса, буларга кимнинг ҳам кўзи учиб турибди дейсан. Замон қаттиқ, ўғригина болам, замон қаттиқ!* (“Менинг ўғригина болам”). Контекстда қаттиқ лексемасининг *шафқатсиз, аёвсиз* окказионал семалари юзага келади ва прагматик жиҳатдан лексема воситасида муаллиф ва қаҳрамоннинг тасвирланаётган воқелик акс этган даврнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий, ижтимоий ҳолатига нисбатан салбий баҳосини ифодалайди.

Белги билдирувчи лексемаларда баҳолаш муносабатининг ифодаланиши нутқий мулоқотда кенг кузатилади. *Шум* лексемаси сифат+от қолипидаги нутқий қўршовларда белги, хусусият, салбий муносабат семаларига эга бўлиб, араб тилидан ўзлашган, *бахтсизлик, мусибат; бало, офат* денотатив семаси бош маъно ҳисобланади. *Шум* лексемасини икки семемага бўлиб, уларни:

а) “кишиларнинг маккорлик ва ёмон ниятлилик хусусиятини”;

б) “нарсаларнинг бахтсизлик келтирувчилик хусусияти белгисини ифодаловчи сифат” тарзида таърифлаш мумкин ⁹⁰.

Мазкур сўз ёмон *фикрдаги, нияти бузуқ; бахтсизлик ёки ҳалокат келтирувчи, бахтсизликка дучор қилувчи; кишини ўта хафа қиладиган, қайғули (шум хабар); қўлидан ҳар қандай ёмонлик келадиган; айёр, маккор, қув, қилвир; ярамас қилиқлар қиладиган, ўта шўх, тўполончи* нутқий маъноларига эга. Шумтака қўшма сўзи, шум бола бирикмаларида *айёр, маккор, қув, қилвир; ярамас қилиқлар қиладиган, ўта шўх, тўполончи* маънолари юзага чиқади, нутқий вазият асосида сўзловчининг норозилик туйғусини ифодалаши мумкин. Масалан: *Уста баримдан ушлаб:*

⁹⁰ Бобожонов Ш. Семема, унинг нутқий воқеланиши ва изоҳли луғатдаги талқини: Филол. фанлари номзоди ... диссертация. – Қарши, 2003. – Б. 110.

– Пулимни бериб кет, бу ер Салмон покнинг дастгоҳлари, ...кал бўлиш, бошга мойхўрак тошиш, темирўтки – ҳаммаси у кишининг ҳақларини егандан бўлади, – деди.

– Устара, қайроқ. Лунгининг кирлигидан эмасми? – дедим.

– Тил тегизма, шум бола! (“Шум бола”)

Белги билдирувчи лексемалар ичида шахс ва ҳодисаларга хос салбий хусусиятни ва салбий муносабатни билдирувчи лексемаларни алоҳида лексик-семантик гуруҳга бирлаштириш мумкин. Ғафур Ғулом насрий асарларида сўлти, шилқим, баёв, кемиш, саёқ, аблаҳ, зумраша, лакалов, гўл, чақчайма (кўз), сатанг, пачава, қўсқи, аччиқ (тўқнашув) каби лексемалар салбий баҳо муносабатини, сўлимгина, сулув, нуқрадай, бийрон, навқирон, баркамол, бурро, озода, нафис, барваста каби лексемалар эса ижобий баҳо муносабатини таъсирли ифодалашда алоҳида аҳамиятга эга.

Лексик системада ҳаракат ва ҳолат ифодаловчи лексемалар семантик мураккаблиги, серкирралиги, бирикувчанлиги жиҳатидан марказий ўринда туради. Тилда шу мазмуний майдондаги кўплаб лексемалар прагматик семага ҳам эга. Масалан: *Бу чойхонага бозор-ўчарга сангиб тушиб қолган деҳқон, камбағал косиб ва бошқа оддий фуқаро киролмас эди* (“Шум бола”). *Сангимоқ* сўзи бекордан-бекор дайдиб юрмоқ маъносини ифодалайди, салбий прагматик семага эга ҳисобланади ва, одатда, салбий маънога эга агенс билан синтактик алоқага киришиб, унга нисбатан салбий муносабатни бўрттириб ифодалайди. Бу ўринда салбий характерга эга бўлмаган *деҳқон, косиб* лексемалари билан синтактик муносабатга киришиб, *бозор-ўчарга сангиб тушиб қолган* бирикмаси тасвирланаётган давр ижтимоий ҳаётининг бир қиррасини – иқтисодий танқислик, деҳқон, косиб кабиларнинг бозор-ўчарга савдо-сотик, нарса-буюм харид қилиш учун эмас, *сангиб тушиб* бирикмаси билан тасвирланишида Ғафур Ғуломнинг ва асар қаҳрамонининг тасвирланаётган ижтимоий-иқтисодий ҳаётга салбий муносабати акс этган. *Тушиб қолмоқ* кўмакчи феълли сўз қўшилмасидаги *қолмоқ* кўмакчи феъли

тасодифийлик, кутилмаганлик маъносини асосий феълга юклаш вазифасини бажаради.

Ўзбек тилида *кўриш* семаси билан бевосита алоқадор *кўрмоқ*, *қарамоқ*, *боқмоқ*, *тикилмоқ*, *термилмоқ*, *бақраймоқ*, *ўқраймоқ* лексемалари мавжуд. Булардан *бақраймоқ* ва *ўқраймоқ* салбий прагматик семага эга. “*Ҳайрон бўлиб кўзларига тикилдим. Эшон дарғазаб бўлиб: – Нимага бақраясан, эшак топиб кел!...*” – деди (“Шум бола”).

Нуткий фаолиятга оид *гапирмоқ*, *айтмоқ*, *демоқ*, *сўзламоқ* каби нейтрал муносабат ифодаловчи, *сайрамоқ*, *чайнамоқ*, *қичқирмоқ*, *гўлдирамоқ*, *мингилламоқ*, *шангилламоқ*, *вайсамоқ*, *бидилламоқ*, *жаврамоқ*, *саннамоқ* каби салбий прагматик семага эга лексемалар мавжуд. Масалан: *Ҳеч бўлмаса, бу ерда тонг азонда авродчи сўфиларнинг қичқириб, гўлдирайдиган ҳар хил дуолари кишини уйқудан безовта қилмас эди.* (“Шум бола”). *Уруш қилиб, халойиқни қириб, кесакка ҳоким бўладими? – деб чол ўз-ўзича жавраб, саннаб борар эди* (“Шум бола”).

Ҳолатга тақлидни ифодаловчи *ярқ* сўзидан ясалган *ярқирамоқ*, ҳолат билдирувчи *товланмоқ* лексемалари ижобий прагматик семага эга: *Патларнинг ранг-баранглиги Ойша чеварнинг иш қутисидаги ипаклардай товланар эди* (“Шум бола”).

Зингилламоқ сўзи услубий жиҳатдан сўзлашув нутқига хослик бўёғига эга. Прагматик жиҳатдан эса юриш ҳаракатининг тезлик даражасини кучайтириб ижобий муносабат ифодалайди. Масалан: *Зингиллаб кўчага чиқиб кета бошладим* (“Шум бола”).

Илашмоқ лексемасида полисемантик хусусият мавжуд бўлиб, денотатив маъноси *ёпишмоқ* (хас-чўп, лой ва шу кабиларга нисбатан), коннотатив ва прагматик маънолари шахсга нисбатан салбий муносабатни ифодалаш учун қўлланганда реаллашади. Масалан: – *Ёнимда мана шу йигит илашиб юрган эди, гумоним шундан* (“Шум бола”).

Юқоридагилардан ташқари Ғафур Ғулом насрий асарларида яна ўнлаб лексемалар прагматик сема билан қўлланган. Монография ҳажми талаби

билан бу лексемаларнинг бир қисмини таҳлил қилиб ўтдик. Мазкур таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, сўз семантикасидаги муносабат ва баҳо семалари прагматик қийматга эга бўлади. Айнан шу семалар эмосема сифатида сўзнинг таъсир кучини таъминлайди. Тингловчида ҳам таъсирланиш реакциясини, тасвирланаётган воқеликка муносабатни уйғотади.

2.2.2. Фразеологизмларнинг прагматик белгилари

Фразеологизмлар номинатив маъно ва қўшимча оттенкаларнинг ажралмас бирлигидан иборат бўлган махсус нуткий фигуралардир.⁹¹ Фразеологик бирликлар экспрессивликни, образлиликни оширишда муҳим воситалардан саналади. Ҳис-туйғу семантикаси ва баҳо муносабатининг нутқда акс этиши масалалари прагмалингвистиканинг тадқиқ манбаларидан бири экан, фразеологизмлар ҳам бевосита прагматик таҳлил доирасига тортиладиган объектлардандир.

Бадиий нутқда фразеологизмлар умумтилдаги шакл билан бир хил ёки ўзгарган ҳолатда қўлланиши мумкин. Фразеологизм сўз билан маънодошлик ҳосил қила олади. Лекин барча фразеологизмларнинг маъносини бир сўз билан айнан ифодалаб бўлмайди. Умуман, фразеологик маънонинг ҳажми лексик маънонинг ҳажмига нисбатан кенг, мураккаб бўлади. Кўпгина фразеологизмлар маъносида сўзнинг маъносида йўқ компонент мавжуд бўлади.⁹² Масалан, *эпчиллик билан, елиб-югуриб* сўзларига хос мазмун қўллари қўлларига тегмай иборасида кучайтириб ифода этилади: *Йигит-ялангларнинг қўллари қўлларига тегмай хизмат қилиб юрмоқдалар* (“Ҳажи қабул бўлди”). *Яхши ўрганиб олмоқ* маъноси *мағзига етмоқ* фразеологизмида, *фаровон ҳаётга эришмоқ* маъноси *оғзи ошга етмоқ*, *кўкрагига шамол тегмоқ* фразеологизмларида таъсирчанроқ ифодаланади:

⁹¹ Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 39.

⁹² Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекситон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – Б. 166.

– *Эндигина табиблик ҳунарининг мағзига етиб, оғзимиз ошга етганда ўлимдан гапирманг!* (“Афанди ўлмайдиган бўлди”) *Ахир, ёз бўйи ишлади, қишда сал қўкрагига шамол тегсин* (“Жўрабўза”).

Фразеологизмлар баҳо муносабатини ифодалаши, фикрни, тасвирни бўрттириши, таъсирчанликни ошириши, эмоционал ҳолатни акс эттириши, бадий матнга жонли нутқ оттенкасини бериши билан прагматик қийматга эга бўлади. Фразеологик бирликлар сўзлардан фарқли ҳолда объектив реалликдаги муайян воқеа-ҳодисани номлаш учун эмас, балки унга нисбатан модал муносабатни ифодалаш мақсадида юзага келади. Тилдаги фразеологик бирликларнинг асосий қисми маъно жиҳатидан инсонга қаратилган: улар кишининг бирор физик, рухий, ахлоқий, интеллектуал хусусиятини, хатти-ҳаракатини баҳолайди. Шу сабабли фразеологик бирликларнинг маъно таркибида кўпинча коннотатив элемент иштирок этади. Бу элемент фразеологик бирликнинг денотатив маъносига эмоционал-экспрессив бўёқдорлик юклайди.⁹³ Масалан: *Сиз-сизлашиб турган киши чучук оғзини чаккига бурди* (“Аниқ даромад”). Мазкур фразеологизм ёмон сўз айтмоқ, ҳақоратламоқ, сўкмоқ, уришмоқ маъноларига эга. Лекин мазкур сўзлар ибора ифодалаган коннотатив маънони беролмайди.

Турли нутқий вазиятларда инсонда юзага келадиган турлича рухий ҳолат, жисмоний ва эмоционал ўзгаришлар ибора орқали таъсирчан тасвирланади. Ўзбек тилида севиниш билан боғлиқ ҳаракат ва ҳолатларни акс эттирувчи *оғзининг таноби қочмоқ, оғзи қулоғида, дўпписини осмонга отмоқ, кўрқиш ҳолатини ифодаловчи капалаги учиб кетмоқ, ўтакаси ёрилмоқ, ғазабланишни ифодаловчи кўзи қинидан чиқмоқ, фигони фалакка чиқмоқ, зерикиш билан боғлиқ жонига тегмоқ* каби иборалар фаол қўлланади. Ғафур Ғулом насрий асарларида ҳам инсон физиологик ва рухий ҳолатларини таъсирчан ифодалаш мақсадида қўлланган иборалар талайгина. Масалан, *кўз билан боғлиқ фразеологизмлар* қуйидаги жумлаларда

⁹³ Ўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фанлари док. ...дис.автореф. – Тошкент, 1993. – Б. 12.

кузатилади: Кўзларим косасидан чиқиб кетгудай бўлди (“Ёдгор”). Шошқол домланинг кўзи қинидан чиқиб кета ёзди (“Фарзанди солих”).

Куйидаги жумлаларда қўлланган фразеологизмлар ташқи қиёфа ва рухиятга хос ҳолатни бўрттиришга хизмат қилиб, тасвирни кучайтиради: Жалил резаворфурушининг алангаси осмонга чиқди (“Аниқ даромад”).

– Айланай келин пошша, эрта биландан буён кўнглим алағда (“Ғазна”). – Кўрармиз-да, – деб Мамарайим ака босар-тусарини билмай чиқиб кетди (“Тўрт хангама”). Хотиним кирди, кампирнинг оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди (“Ғазна”).

Ижобий баҳо муносабати фразеологизм иштирокида ифодаланганда таъсирчанлик янада ортади. Масалан, Ғафур Ғулом ижодида кўзим устига ибораси бош устига, жоним билан иборалари ўрнида қўлланган ва ижобий баҳо муносабатини мазкур ибораларга қараганда бадиийроқ, кучлироқ акс эттиришга хизмат қилган: Агар хизматингизга муносиб бўлсам, кўзим устига (“Ёдгор”). Ёқтириш маъносини ифодалашда кўнгли сув ичмоқ, ўзида йўқ хурсанд маъносида дўпписи яримта, оғзи қулоғида иборалари фаол қўлланади. Масалан: Буларнинг ичида кўнглим сал сув ичиб, ичимда алланималар тўғрисида режа чизиб юрадиганим бригадиримизнинг қизи Қумри ҳам бор экан (“Тирилган мурда”). Менинг оғзим қулоғимда (“Тирилган мурда”). Иссиқ сўзи нутқий жараёнда бир қатор ибораларда ижобий маъно ва муносабатни шакллантиришга хизмат қилади. Иссиқ юз, истараси иссиқ, кўзига иссиқ кўринмоқ каби. Масалан: Энг олдинда турган одам кўзимга иссиққина кўринди (“Шошилинич телеграмма”).

Салбий баҳо муносабатини ифодалашда ҳам иборалар фаол қўлланади. Нутқий фаолият билан боғлиқ бир қатор ибораларда шулар жумласидандир. Масалан: Бошқалар ҳам ялқовлигимни юзимга солавердилар (“Тирилган мурда”). Юзига солмоқ ибораси айбини ошкора айтмоқ, таъна қилмоқ маъноларини ифодалайди.

Гўрига гишт қаламоқ ибораси қаттиқ ғазаб натижасида аямай ҳақорат қилиш маъносини ифодалайди: Бу гал дазмол босилмаган шим

баҳонаси билан етти отамнинг гўрига эшит қалаб ҳақорат қилди. Бу галгиси жуда ҳам жсонимдан ўтиб кетди (“Ёдгор”). Етти отамнинг бирикмаси ибора маъносини янада бўрттиришга хизмат қилмоқда. Куракда турмайдиган ибораси чидаб бўлмайдиган, ўринсиз айтилган сўзга нисбатан қўлланади: Ярим соатдан кейин бир-биримизни куракда турмайдиган ҳақоратлар билан сўкиб, ЗАГСнинг тор идорасини бошига кўтариб, шовқинлашмоқда эдик (“Ёдгор”). Бу хабарни Зулайҳо хола биринчи эшитганда. Аввалига айюҳаннос солиб йиғлади (“Қизалоқ”). Маҳалла-кўйдагилар бўлса, бу хабар эшитилганда ҳамма огизларидан гуллаб, Шокир акани бош кўтариб юра олмайдиган қилган эдилар (“Қизалоқ”). ...Укаларинг ўлганми, “шунини шундоқ қил”, деб бир огиз айтсанг, огзингнинг ели (“Жўрабўза”). Хотиндан бирнима сўрашга ҳам тили бормас эди (“Ким айбдор”).

Булардан ташқари, *пичинг отмоқ, гап-сўз бўлмоқ* каби иборалар салбий баҳо ифодалаб келади: – *Ўз гуноҳинг, ука, – деб пичинг отиб қўйди* (“Ёдгор”). Мен бу чақалоқ тўғрисида анча гап-сўз бўлиб қолдим (“Ёдгор”).

Белги билдирувчи фразеологизмлар баҳо муносабатини ифодалашда фаол қўлланади. Масалан: *Қандайдир бағри қаттиқ, мен танимаган, саёқ йигитнинг фарзанди эканингни билиб қолсанг...* (“Ёдгор”). Ҳали ҳам замон-замон ўша илиги тўқларники (“Менинг ўғринигина болам”). Ўйлаган чоғимда ҳам сендек ўзини тута олмаган саёқ йигитларга тегмайман (“Мен ўзимни отаман, вафосизлар яшасин дунёда!”).

Феъл асосли фразеологизмлар нутқий акт мазмунининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Масалан: – *Совчилар эшигимнинг турмини бузади* (“Ёдгор”). Мақтаниш нутқий акти ибора орқали ҳосил қилинган. Кампирга айтиб қўйинг, тўйдан олдин ногора чалиб юрмасин (“Ёдгор”). Огоҳлантириш нутқий акти ибора воситасида юзага келган. *Қишлоғимиз маҳалласининг чоллари менинг бошимга битган бало бўлишиди.* (“Тирилган мурда”) Нутқий актдаги норозилик мазмуни ибора орқали кучайтирилган. Ёки: *Хонпоиша мукамбаройга қўшилиб:*

– *Айта қолинг, шунча одамнинг сазасини бекорга ўлдирманг, – деди* (“Кўнгилсизнинг қилиғи”). Ундаш нутқий акти ибора орқали ифодаланган.

Худо урган, ўта кетган, учига чиққан, пичоқ учидай каби фразеологизмлар салбий маъно билдирувчи сўз ва бирикмалардан олдин салбий муносабатни бўрттириб ифодалаш, экспрессивликни ошириш мақсадида қўлланади: *Сарибой бўлис ҳалигача хўжайинларимнинг ичида энг Худо урган бадбахти, зикнаси эди* (“Шум бола”). *Шу замоннинг қизларида пичоқ учидай шарм-ҳаё қолмади* (“Шошилишча телеграмма”).

Белгининг белгисини бўрттириб ифодалашда ҳам фразеологизмлар қўлланади: *Танга ер ютгандай ном-нишонсиз эди* (“Афанди ўлмайдиган бўлди”). *Эрим ҳам ажралишимга тиш-тирноғи билан қариши* (“Ёдгор”).

Юмористик кайфиятни ҳосил қилишда ҳам фразеологизмларга мурожаат қилинади. Масалан: – *Шундай қилиб десангиз, бувихон, сиримнинг хашағи очилишига оз қолди* (“Менинг ўғригина болам”). *Эшикка чиқинг, тўрт атрофингиз қибла* (“Тирилган мурда”). *Мен лакалов, гўлгина банда, лаққа учдим* (“Ёдгор”).

Сўзлашувда *катталиқ қилма* ибораси танбеҳ, эътироз маъноларини англатади. Ғафур Ғулом насрий асарларида эса биринчи шахсга нисбатан ишлатилиб, мағрурланиш, ишонч маъноларини билдириши кузатилди:

У ҳамён топганлардай ҳовриқиши билан Аҳмадқулни бир туртди:

– *Ҳали, Аҳмадқул, хабаринг йўқ, устингдан катталиқ қилиб қўйдим.*

Фразеологизмлар сўзга нисбатан эмоционалликни кучли ифодалаш, ижобий ёки салбий муносабат ва баҳони бўрттириб акс эттириши билан прагматик қиймат касб этади. Улкан сўз санъаткори Ғафур Ғулом насрий асарларида ҳам иборалар эмоционал бўёқдорликни ошириш, воқеликка нисбатан муаллиф ва қаҳрамонлар муносабатини ёрқин тасвирлаш, нутқий актлар мазмунини шакллантириш учун хизмат қилган.

2.3. Морфологик воситаларнинг прагматик хусусиятлари

Муайян бир фикрни турли шаклларда ифодалаш мумкин ва бу ифодаланишнинг фарқли жиҳати нафақат шаклан, балки ана шу шакллар воситасида узатиладиган прагматик мазмун билан ҳам характерланади. Албатта, прагматик мазмун сўзловчининг коммуникатив стратегияни тўғри танлай билиши ва самарадорликка эришига ҳаракат қилиши билан мустаҳкам алоқадордир. Нутқий жараёнда тил бирликлари ва нолисоний бирликлар уйғунликда, бири иккинчисини тўлдирган ва тақозо этган ҳолда қўлланади. Сўзловчи таъсир функциясини кучайтириш учун барча сатҳ бирликларининг услубий-функционал ва прагматик жиҳатларидан фойдаланишга уринади. Албатта, услубий жиҳат тил бирликларининг муайян услубга хослиги, ўзаро синонимияси ва маъно фарқлари, маъно нозикликларини қамраб олса, прагматик жиҳат тил бирлигининг нутқий самарадорлиги ва таъсир функцияси, муайян нутқий вазиятга ва сўзловчи мақсадиги айнан мослиги кабиларни ўз ичига олади.

Бадий матнда муаллиф ва қаҳрамонлар нутқидаги коммуникатив интенцияни юзага чиқаришда морфологик воситаларнинг ҳам ўз ўрни бор. Бу воситалар морфопрагматик воситалар сирасига киритилади. Сўзловчининг мавжудликдаги воқеликка муносабатини ифода этувчи морфологик воситалар морфопрагматик йўналишни ташкил этади. Морфопрагматика сўзловчининг ички нияти билан алоқадор мақсадни тадқиқ этишга қаратилган тилшуносликнинг янги йўналиши ҳисобланади.⁹⁴ Сўзловчининг, бадий матнда муаллифнинг ички нияти билан алоқадор мақсадни ифодалашда морфологик воситалардан *субъектив баҳо шакллари, ёрдамчилар, ундов, тақлид ва модал сўзлар, дискурсив маркерлар, дейктик бирликлар* алоҳида аҳамиятга эга. Грамматик шакллар лексемалар каби

⁹⁴ Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 53.

фикрни моддийлаштириш вазифасини бажарар экан, уларнинг ҳар бирида интенцияга хизмат қилиш вазифаси мужассам бўлади⁹⁵.

Маҳоратли сўз санъаткорлари асарларида нафақат жумлалар, сўзлар, балки ҳар бир қўшимча ўринли ва асосли тарзда қўлланади. Ғафур Ғулом ҳам ҳар бир тил бирлигини мақсадли равишда қўллайди. Қуйида адиб насрий асарларидаги морфологик воситаларнинг прагматик белги-хусусиятларини таҳлил қилиб ўтамыз.

Субъектив баҳо шаклларининг прагматик хусусиятлари. Сўзловчининг ички нияти билан боғлиқ равишда турли нутқий маъноларни юзага чиқаришда субъектив баҳо шакллари фаол қўлланади. Субъектив баҳо шакллари сўзловчининг нутқ объектига, тингловчига бўлган ижобий ёки салбий муносабатини акс эттирувчи грамматик шакллардир. Тилшунослигимизда отларга хос кичрайтириш, эркалаш ва ҳурматлаш аффикслари субъектив баҳо шакллари сифатида юритилади.

Баъзан тилдаги айрим аффикслар бутун бошли матн ёки жумланинг маъносини ўзгартириб юборади. Масалан, *ўғри* сўзи мутлақо салбий маънога эга бўлиб, бировнинг мол-мулкини ўзига билдирмасдан, ноқонуний тарзда ўзлаштириб олувчи шахсларга нисбатан қўлланади. Сўзлашув нутқида бирор шахсга бу сўз билан мурожаат қилиш учун жиддий сабаблар талаб қилинади, чунки ўғри сўзи ўз маъносида қўлланганда жиддий айблов ва ўринсиз қўлланиб қолса, ҳақоратга тенг бўлади. Мазкур сўзга *-гина* субъектив баҳо аффиксининг қўшилиши контекстда бошқа маъно қирраларининг намоён бўлишига сабаб бўлади. Буни Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ва Ғафур Ғуломнинг “Менинг ўғригина болам” ҳикоялари сарлавҳаларини таққослаш орқали кузатамиз. “Ўғри” ҳикоясида сарлавҳа сифатида танланган сўз тасвирланаётган ижтимоий-маиший муҳит, салбий қаҳрамонлар, юқори табақанинг қуйи табақага муносабати каби масалаларга нисбатан муаллифнинг мутлақ салбий муносабатини ифода этади. “Менинг

⁹⁵ Эрназарова М. Грамматик маъно лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида: филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – Б. 6

ўғригина болам” ҳикоясида эса аксинча. Сарлавҳада асосий аташ мазмунига эга сўзлар *ўғри* ва *бола*. Ҳикоя қаҳрамони Роқиябиби таърифи билан айтганда, “*тириклик тошдан қаттиқ, туянинг кўзидай нон анқога шатиғ. Рўзгорга бўлса, кўз кўриб, қўл тутғудай арзигулик буюм*” қолмаган. Шундай оғир шароитда кишиларнинг ўз инсонийлигини йўқотмаганлиги, меҳроқибат, бир-бирининг тақдирига қайғуриш ҳисси сақланиб қолаётганлиги *ўғри* сўзига *-гина* аффиксининг қўшиб қўлланиши орқали ўз ифодасини топган. *-гина* субъектив баҳо шакли эркалаш оттенкасини ифодалашдаги энг маҳсулдор аффикс, чегара, таъкидлаш, ачиниш маъноларини ифодалайди. Айнан *ўғригина* тарзида сўзнинг қўлланиши ёзувчининг ўз персонажларига нисбатан ижобий муносабатини ҳам акс эттириб, бечора, иложсизликда қолган ҳикоя қаҳрамонига нисбатан ўқувчида ҳам ачиниш туйғусини уйғотади. *Ўғригина болам* мурожаат шаклида эгалик қўшимчасининг қарашлилиқ маъноси эмас, яқин олиш, хайрихоҳлик каби прагматик маънолари бу ўринда реаллашади: – *Бу гапинг ҳам тўғри, ўғригина болам. Аммо, лекин эҳтиёт бўл. Эл-юртнинг олдида тагин бадном бўлиб қолмагин, – деди бизнинг кампир* (“Менинг ўғригина болам”). Айнан субъектив баҳо шакли, эгалик қўшимчаси бир-бирига семантик жиҳатдан алоқадор бўлмаган, баҳолаш нуқтаи назаридан зид қутбларда жойлашган сўзларнинг муносабатга киришиб, муваффақиятли нутқий тузилма ҳосил қилишида ҳал қилувчи роль ўйнаган ҳамда оғзаки нутқда, бадий адабиётда бирор воқеа ёки ҳодисани тасвирлашда маъно томонидан бир-бирларига тамоман зид бўлган сўзлар бирлаштиришга асосланадиган оксюморон ҳодисасини юзага келтирган. Ҳикоя сарлавҳасида қаратқич келишиги шаклидаги биринчи шахс кишилиқ олмошининг қўлланиши *ўғригина болам* бирикмасидаги хайрихоҳлик мазмунини яна ҳам таъкидлаб, бўрттириб ифодалашга хизмат қилган.

-гина субъектив баҳо шакли Ғафур Ғулом насрий асарларида ўта фаол қўлланади.

Юкламаларнинг прагматик хусусиятлари. Юкламалар ёрдамчи сўз туркумлари орасида прагматик имкониятининг кенглиги билан алоҳида

ўринга эга. Бу юкламаларнинг мустақил сўз ва гапларга қўшимча маъно бериши ва пресуппозиция ифодалаш билан боғлиқ. Юкламалар сўзловчининг гап ёки унинг бирор бўлаги англатаётган маънога қўшимча муносабатини билдиради – модал маъно ифодаловчиси сифатида махсуслашади ⁹⁶. Айнан шу хусусияти билан юкламалар морфопрагматик восита ҳисобланади. Оддийгина битта боғловчи ёки юклама матннинг информатив ва ифодавий мақсадини, адресант адресатга етказишни кўзлаган маълумотни батамом ўзгартириши мумкин ⁹⁷. Масалан:

– *Тиниб-тинчимайсан-да, ўғлим, сенинг болажонлигинг тинкамни ҳам қурипти* (“Ёдгор”). Агар нутқий актда мавжуд юкламалар қўлланмаса, *хабар* нутқий акти юзага келади. Қўлланган юкламалар воситасида *тергаиш* нутқий акти шакллантирилган.

Маълумки, ёрдамчи сўз туркумлари пресуппозиция сигнали ҳисобланади. Пресуппозициянинг лисоний хусусиятлари тилшунослигимизда У.Раҳимов, А.Пардаев, М.Қурбонова кабилар томонидан таҳлил қилинган. Жумладан, У.Раҳимов Пресуппозицияга ишора қилувчи воситалар ичида юкламалар ва кўмакчилар алоҳида ўрин тутишини, улар гап ичида ўзига хос мантикий маънолар англатиб, ўзи иштирок этган гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиришини ҳамда турли маънодаги пресуппозицияларга ишора қилишини таъкидлайди. Чунки юкламаларнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқувчи мураккаблик уларнинг вазифасига ҳам таъсир этади, деб ҳисоблайди. Ўзбек тилидаги *ҳам, ҳатто, ҳаттоки, наҳот, наҳотки, фақат, ёлғиз, якка, биргина, ҳудди, нақ, на, холос, яна, тагин, тугул, -да, -оқ, -ёқ, -ки, -ким, -чи, -а, -я, -гина (-кина, -қина)* каби аффикс юкламалар алоҳида турли маънодаги пресуппозицияга ишора қила олиши билан ажралиб туришини қайд этади. ⁹⁸

⁹⁶ Турдибоев Т. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар конверсияси: Филол. фан. номз. дис. – Тошкент, 1996. – Б. 53.

⁹⁷ Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматик таҳлили. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 129.

⁹⁸ Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз... дисс. – Самарқанд, 1994. – Б. 32.

Ҳам юкламаси энг фаол юкламалардан бўлиб, муаллиф интенциясига кўра нутқий вазият омилига мос ҳолда қуйидаги ички мақсадларни ифода этишга хизмат қилади:

1. Ички матний алоқаларни таъминлаш мақсадида.

Зухро юлдузи ҳам саҳарни жуда севар эмиш (“Қизалоқ”). Ҳикояда бу жумладан аввал *шабода*, *хўроз* кабиларнинг тонгни севиши ҳақида сўз боради. Бу матнда юкламага хос ишора прагматик функцияси гап семантик структурасини кенгайтиришдан иборатдир. Ички матний алоқа пресуппозицияга кўра амалга ошмоқда. *Ҳам* юкламаси орқали *бошқалар ҳам* маъноси ифодаланмоқда. Аввалги ахборотга ишора қилиш қуйидаги жумлада ҳам мавжуд: *Ўлгунча юраксиз эканини ҳам биламан* (“Чорбозорчи”). Воситасиз тўлдирувчига бириккан *ҳам* юкламаси *бошқа нарсани ҳам биламан*, *бошқа иллатларини ҳам биламан* пресуппозициясига ишора қилмоқда.

2. Тўсиқсизлик маъносини ифодалаш мақсадида: *Бир умр тепкилаб кийганда ҳам, асл мол-да, тамом бўлмайди* (“Чорбозорчи”). Юклама бириккан феъл бўлишли шаклда бўлгани учун кейинги қисмдаги феъл бўлишсиз шаклда қўлланади ва ўзаро зид маъно ифодаланади. Биринчи феълдан англаingan иш-ҳаракат иккинчи феълда ифодаланган иш-ҳаракатнинг юзага келишига тўсиқ бўлолмайди.

3. Инкорни юмшатиш мақсадида. – *Ҳаммаларинг мулла бўлиб кетаверсаларинг, подани ким боқади? Мен билан Аҳмадқулнинг ўқимаганимиз ҳам маъқул* (“Жўра бўза”)

4. Кутилганлик маъносини ифодалаш учун: *Келиб-келиб мана энди қаҳратон қиш ҳам бошланди* (“Ғазна”).

5. Ижобий муносабат, ҳайрихоҳлик маъносини ифодалаш учун: *Не қилса ҳам она-да* (“Ғазна”).

6. Салбий муносабатни кучайтириш мақсадида: *Ҳайвонларнинг ичида яна ҳам ҳайвонроғи сигир бўлар экан* (“Тўрт хангама”).

7. Қиёсни ифодалаш учун: *Рост, унинг пули хазондан ҳам кўп, – деди Қовулназар* (“Тўрт хангама”).

8. Такрор ва тенгликни ифодалаш учун: *Пичоқчилар ҳам, бўзчилар ҳам, кўнчилар ҳам, борингки, мактаб домлалари ҳам, муллаваччаларнинг ҳам ранги пано* (“Менинг ўғригина болам”).

Фақат юкламаси ажратиб кўрсатишдан ташқари сўз ёки жумлага зидлик маъносини юклаш учун ҳам қўлланади: *Ярим соатлардан сўнг бемор ўзига келди. Фақат ўрнидан тура олмади...*(“Луқмон”) *Фақат* ва *-гина* юкламалари бир жумлада дистант ҳолда келиб, ажратиш ва таъкидлаш маъноларини янада кучайтиради: *Булар фақат бойнинг ўзигагина хизмат қиладиганлари бўлиб, қолган хизмат отлари алоҳида сайисларнинг қўлида бўлар эди* (“Сабаб”). *Фақат, -гина, атиги* юкламалари пресуппозицияга ишора қилиши билан прагматик мазмун касб этади. Қуйидаги жумлаларда ҳам мазкур юкламалар ўзи бирикиб келган сўз билан биргаликда қўшимча пропозиция ифодалайди: *Фақат менинг қачон кириб боришимини Саодатгина* *билади* (“Ёдгор”). Саодат билади – ошқора пропозиция, бошқалар билмайди – яширин пропозиция. *Менинг гўзаллигим атиги қора сочларимдир* (“Чўтир хотиннинг толеи”). Қора сочларим гўзаллигимдир – ошқора ҳукм, бошқа гўзаллигим йўқ – яширин ҳукм.

-чи юкламаси нутқий вазиятдан келиб чиқиб, истак ва иккиланиш маъносини ифодалайди: *Қани кўрайлик-чи. – Харидор ҳар тўрт чимматни бирин-бирин кўриб чиқди* (“Фазанди солиҳ”).

Қизиқиш, ишончсизлик маъноларини ҳам англатиши мумкин:

– *Не миқдор арзон, бир қўлга туширибсиз-да, маҳзум, қани бир кўрайлик-чи* (“Фарзанди солиҳ”). Таъкидлаш мақсадида ҳам бу юклама қўлланади: *Одилхўжабойнинг гуломгардишии (йўлак)да-чи милтиқ ушлаган городской туради* (“Менинг ўғригина болам”).

Дискурсив маркерларнинг прагматик хусусиятлари. Прагмалингвистикага оид тадқиқотларда дискурсив маркер, прагматик маркер тушунчалари кузатилади. Бундай бирликлар нутқий ҳаракатга

дискурсив хусусиятларни бериш учун хизмат қилади. Ўзбек тилшунослигида А.Пардаев мазкур бирликларнинг дискурс жараёнидаги фаоллигини ва нутқни жонлантиришини ҳисобга олиб *дискурсив юкламалар* дейишни маъқул кўради. Бундай бирликлар нутқ жараёнидаги сўзловчининг ҳам, тингловчининг ҳам нутқида тез-тез қўлланилиб, мулоқотни жонли ва табиий бўлишини таъминлайди. Шу сабабли кўплаб мустақил сўзлар ҳам бу жараёнга “тортилади” ва семантикасига қўшимча маъно юклаш орқали унда ёрдамчилик хусусияти шакллантирилади, деб ҳисоблайди. Дискурсив юкламанинг танланишида нутқ вазияти ҳам алоҳида ўрин тутишини, сўзловчи ёки тингловчи ички руҳиятини, кечинмаларини, борлиққа ёки ифодаланаётган воқеликка муносабатини ифодалашда алоҳида субъектив модаллик мазмуни бағишлашини ва кишилар ўртасидаги муносабатларнинг жозибадорлигини таъминлашини, матнга қўшимча эмоционаллик оттенкаларини киритишини таъкидлайди⁹⁹. Биз дискурсив маркер терминини қўллашни ўринли деб топдик. Чунки бундай сўз ва бирикмалар юкламалардан фарқ қилади. Дискурсив маркерларнинг аксарияти турли сўз туркумларига мансуб бўлиб, нутқ жараёнида ўзининг асл семантик моҳиятига кўра қўлланмайди, ўзи бириккан сўз ёки бирикмага субъектив муносабат ёки жонли сўзлашув руҳини беради.

Дискурсив маркерлар прагматик жиҳатдан ўта фаол бўлиб, сўзловчининг ёки матн муаллифининг нутқ вазиятига ўзига хос муносабатини билдиради. Шу билан бирга, бу воситалар матнга кўпроқ эмоционал-экспрессив маъно бўёқдорлигини бағишлайди. Ғафур Ғулом насрий асарларида ҳам дискурсив маркерлар фаол қўлланади. Жумладан, *ўлгур, тушмагур, тушгур, қургур, ўлсин, кимсан, ишқилиб, келинлар, келиб-келиб, дейман, хўш, айтмоқчи, айланай, ўргилай, ўргилиб кетай, қанийди, қани, қўй, йўғ-е, у ёқда турсин, қип-қизил, қулинг ўргилсин, бўлди, борингчи, қўйингчи, ўлиб кетай агар, ҳаром ўлгур, барака топгур* кабилар. *Тушкур,*

⁹⁹ Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматик таҳлили. –Тошкент: Фан, 2013. – Б. 43.

тушмагур, қургур, қурмагур, қулинг ўргилсин, айланай, ўргилай, келинлар дискурсив маркерлари ижобий муносабатни ифодалаб, матнга жонли сўзлашувга яқинлик, соддалик руҳини беради. Масалан: – Ахир боида бай қилишган эдик-ку, айланай хўжайин, ҳар замонда бир ёлгон гапираман деб (“Шум бола”). Янгаларим тушмагур, жуда ҳам пазанда экан... (“Шум бола”). Субъект баъзан ўз ғазабини, норозилигини юмшоқроқ, маданийроқ шаклда ифодалаш учун *қургур, тушмагур* дискурсив маркерларидан ҳам фойдаланади. Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” асаридаги қуйидаги сўз бирикмалари шу мақсадда қўлланган: *сабзиси қургур, йигит қургур, мош қургур, тўти курмагур, чойинг қургур* каби. Масалан: *Бундан ташқари, мош қургур, билмадим, қайси тошлоқда битган эканки, ҳадеганда очила бермади (“Шум бола”). Йигит қургур сезиб қолди, пойлаб туриб шартта билагимдан ушлади-да, маъшуқасига қаради (“Шум бола”). “Ёдгор” қиссасида тушмагур сўзи шу мақсадда қўлланади: Нега эмадиган болани онасидан ажратиб олиб келасан, мен энди бунга нима бераман, эгачинг тушмагур ҳам ўлгунча бепарво (“Ёдгор”).*

Дискурсив маркерлар нутқий акт мазмунини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Масалан:

– *Вой ўлсин, ойи, бир қатим ҳам зангори ип қолмабди, баргларига нима тикаман?*

– *Гўлос тика қол.*

– *Ўлар, баргга гўлос келишмайди-ку.*

– *Мунча ликанглаб ўлиб бўлмасанг, бозорга тушгинг келаётганга ўхшайди-я, қиз ўлгур.* (“Қизалоқ”). Мазкур дискурседа ўлмоқ феъли 4 марта иштирок этган бўлиб, лексик маънога эга эмас, дискурсив маркер вазифасини бажармоқда. Дастлабки нутқий актда ажабланиш ва афсусланиш, иккинчи нутқий актда эътироз, учинчи нутқий актда тергаш, норозилик мазмунининг реаллашишида муҳим таркибий қисм вазифасини ўтамоқда. Чунки нутқий актлар таркибидан мазкур дискурсив маркерларни чиқариб ташласак, сўроқ, хабар мазмуни ифодаланиб, қўшимча маъно қирралари йўқолади.

Кўмакчиларнинг прагматик хусусиятлари. Ёрдамчи сўз туркумларининг функционал хусусияти уларнинг гап структурасидаги ўрни ва роли билан боғлиқ бўлиб, бундай воситалар оддий ёки мураккаблигидан қатъий назар фикрни ифодалашда иштирок этадиган гап бўлакларининг модал ва прагматик компонентларида қатнашиб, нафақат мураккаб синтактик мазмун турларини, балки В.Г.Гак айтганидек, “инсон фаолияти доирасида мулоҳаза, сўзловчи ва контекст орасидаги муносабатларни билдиради”¹⁰⁰. Кўмакчилар ҳам грамматик жиҳатдан тобелантириш вазифасини бажарса, сўзловчи интенциясидан келиб чиқиб, бир қатор семантик хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Кўмакчилардан энг сермахсулларида бири билан кўмакчиси бўлиб, семантик жиҳатдан қуйидаги маъноларни ифодалаш мақсадида қўлланади:

1. Сабаб маъносини билдириш учун: *Унинг синглиси билан менинг инимнинг бизга юборган телеграммалари почтадагиларнинг сал хатоси билан айирбош бўлиб кетган эди* (“Шошилинич телеграмма”). *Шу қора сочларим меники бўлиш билан қора кунга қолган* (“Чўтир хотиннинг толеи”).

2. Якун маъносида: *Шу билан, йигитлар, Сайидазимбой мени отбоқар қилиб қўйди* (“Сабаб”).

3. Жўналиш келишиги ўрнида: *Бўлмаса чачвон билан айирбош қиламиз* (“Фарзанди солиҳ”).

4. Пайт маъносида: *Эрта билан ўзга йўловчилар техниканинг бу шохобчасини тушунтирдилар* (“Ким айбдор”).

5. Ҳолат маъносида: *Катта шаршаранинг шоввасидан бир текисда оқиб турган сувларнинг майин тўлқинларига ҳасрат билан телмирар эдим*. (“Чўтир хотиннинг толеи”).

6. Муносабат маъносида: *Ҳар куни ўтган-кетгандан ўз тангасини сўроқлаб, баъзилар билан яхшиликча, баъзилар билан муштлашиб уч миридан*

¹⁰⁰ Гак В. Высказывание и ситуация // Проблемы структурной лингвистики. – М.: Наука, 1973. – С. 349-372. Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматик таҳлили. –Тошкент: Фан, 2013. – Б. 50.

олиб қоладиган бўлиб қолди (“Афанди ўлмайдиган бўлди”). Лекин менинг катта даргоҳлар билан ишим йўқ (“Ҳасан Кайфий”).

Ундов сўзлар прагматикаси. Эмоционал-экспрессивлик прагматика муаммолари сифатида эътироф этилар экан, ундов сўзлар бевосита прагматикага дахлдор морфопрагматик воситадир. Маълумки, ундов сўзлар луғавий маънога эга бўлмайди. Балки сўзловчининг объектив воқеалардан таъсирланиши, руҳиятидаги турлича ҳис-туйғуларни ифодалашга хизмат қилади. Улар англатган ҳис-туйғу, буйруқ-хитоб кабиларнинг нутқ эгаларининг руҳияти, воқеликка эмоционал муносабати ҳамда коммуникатив нияти билан боғланишининг ўзиёқ бу туркумга мансуб сўзларни прагматик аспектда ўрганиш заруриятини юзага келтиради.¹⁰¹ Кишиларнинг ҳис-туйғусини, руҳий ҳолатини, борлиқдан таъсирланишини ифодаловчи ундовлар ҳис-ҳаяжон ундовларини ташкил этиб, *завқланиш, қувонч, хурсандчилик, ачиниш, шафқат, хайрихоҳлик, мамнуният, ҳузур, ажабланиш, ҳайратланиш, таажжуб, койиш, қойил қолиш, шодланиш, миннатдорлик, ташаккур, қўрқиш, чўчиш, афсусланиш, норозилик, эътироз, жирканиш, нафратланиш, газаб, ўкинч, алам, пушаймон, гам, қайғу, мусибат, кулфат, дард, зарда, ҳазар, нолиш, зорланиш, шикоят, ҳасрат, даҳшат, ваҳима, танбеҳ* каби хилма-хил маъноларни ифодалайди¹⁰². Мазкур маъноларнинг юзага келиши нутқий вазият, адресат ва адресантнинг ўзаро муносабати, уларнинг нутқ объектига муносабати, коммуникатив стратегия ва коммуникатив тактика каби прагматик омиллар билан бевосита алоқадор бўлиб, мулоқот интенцияси натижасида юзага чиқади.

Ғафур Ғулом насрий асарларида ҳис-ҳаяжон ифодаловчи ундовлардан *ҳай-ҳай, ия, ие, вой, ўй-бай, вой-бўй, вой-дод, ҳи, оббо, тавба, бай-бай-бай, уҳ, хайрият* кабилар фаол қўлланган. Мазкур ундов сўзлар сўзловчи интенцияси ва нутқий вазият омилларидан келиб чиқиб, тингловчи ёки тасвирланаётган воқеликка бўлган ижобий ёки салбий муносабатни ифодалашга хизмат

¹⁰¹ Лутфуллаева Д., Бобоханов Л. Ўзбек тилининг айрим морфопрагматик воситалари таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти, 2010. – №3. – Б. 63-66.

¹⁰² Ўзбек тили грамматикаси. –Тошкент, Фан, 1975. – Б. 593.

қилган. Жумладан, *хай-хай* ундови хайратланишни ифодалайди: *Хай-хай, бозор бўлганда ҳам қандай бозор денг? Бу томони Эрону Турон, Маккаю Мадина, Майманаю Майсара, Хитою Чин, Истанбулу Мозандарон – на қуйи на паст, на ўнгу на чап. Бундай катта бозорни одам боласи кўрмаган бўлса керак (“Шум бола”)*. Мазкур ундов сўз вазият талаби билан эътироз маъносини кучайтириши ҳам мумкин: *Жаноб эшон пулнинг қозғозини, сўлкавойларини малла тўннинг енгидан ичкари қилиб, қолган майда танга-чақаларни:*

– *Хай, хай, хай, мен пул ушламагайман, – деб қаландарнинг олдига итариб қўйдилар (“Шум бола”)*. Бу ўринда ундов сўз муаллифнинг салбий муносабатини бўрттиради.

Сўзловчининг ички мақсади айнан ундов сўзларнинг қўлланиши билан аниқ ифодаланади: – *Ия, ўзларингми? – деди... (“Шум бола”)* Мазкур нутқий актга таажжуб мазмуни ундов сўз орқали қўшилган.

Ундовларнинг ижобий ёки салбий муносабатни ифодалаши кўпинча контекстга боғлиқ бўлади. *Қойил қолиш, юқори баҳолаш* маъноларини ифодалашда ҳам ундовлар фаол воситадир:

– *Бай, бай, бай, бўтам, жуда худо назар қилган бачча экансан, осмонга қара, ўғлим! – дедилар (“Шум бола”)*.

Баҳо муносабатини ифодалашда ҳам ундовларнинг аҳамияти катта. Қуйидаги нутқий актда эътироз маъноси ундов сўз иштироки орқали таъминланган: – *Вой, аҳмоқ. Ҳозир саратон. Саратонда жийда мевалари данагига алиф ёздирши учун Маккага кетади (“Шум бола”)*.

Ундовлар орқали сўзловчининг руҳияти билан боғлиқ *малол олиш, норозилик, эътироз, танбеҳ* мазмунлари таъсирли ва аниқ ифодаланади: *“Оббо, ҳаром ўлгур, ҳўкиз ёмонлаб қолди-ёв”, – деб ўйладим-да, арқон билан пичоқ-болтани кўтариб, оғилхонага югурдим (“Шум бола”)*.

Айрим нутқий вазиятларда тингловчига таъсир ўтказишда ундов сўзлар муҳим восита саналади:

– *До..од!!!*

Хотин шаппа озимни ушлади:

– Ҳой, сен нима қилмоқчисан?

– Нима қилар эдим, додлайман (“Шум бола”).

Тилимизда шундай ундовлар борки, улар диалогларда тизимлиликни, мазмуний кетма-кетликни таъминлашга хизмат қилади ва турли маъно қирраларини шакллантиради, муайян прагматик контекстда ёки махсус оҳанг ёрдамида ўзи учун доимий бўлмаган маъноларни, масалан, сўроқ мазмунини ифодалаши ҳам мумкин. Шундай ундовлардан бири *хўш* сўзидир. Бу ундов сўз диалогик дискурсни шакллантиришда аҳамиятли бўлиб, нутқий вазиятга кўра воқеалар ривожига қизиқиш ёки энса қотиши, менсимаслик ҳолатларини акс эттиради, мулоқот иштирокчилари муносабатини ойдинлаштиради:

...Кошки эди, ер юзи подиолари ҳам шундай адолатли бўлсалар, бай-бай, – деди. – Қани, хўш, ўзларидан сўрайлик.

– Бе, тақсир, – деди Ҳасан Кайфий, кечаги нафасингизга фаришта омин деган экан...

– Хўш-хўш, – деди Хизр (“Ҳасан Кайфий”).

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, морфологик воситалар прагматик жиҳатдан эмоционалликни оширишда, ички матний алоқадорликни таъминлашда, нутқий вазият билан боғлиқ тарзда нутқий актлар мазмунини шакллантиришда, жумла мазмунига қўшимча ахборот юклашда аҳамиятли ҳисобланади.

2.4. Синтактик бирликларда прагматик маъно ифодаси

Инсон ижтимоий мавжудот сифатида мулоқот билан тирик. Маълумки, мулоқот бу фикр алмашув, ўзаро муносабатга киришувдир. Тилшуносликда мулоқот маданияти, нутқий мулоқот, нутқсиз мулоқот тушунчалари мавжуд. Нутқий мулоқот бирор фикрни лисоний бирликлар орқали ифодалаш, ўзаро тушуниш ва ахборот алмашинишдан иборат бўлган мураккаб жараёндир. Бу жараён онг ва тафаккур билан чамбарчас боғлиқ ҳолда физиологик,

мантикий, психологик амаллар уйғунлиги натижасида реаллашадиган ҳодиса саналади. Биз юқорида этник, ахлоқий, ижтимоий, маданий, интеллектуал, прагматик омилларнинг нутқий мулоқот бирликлари мазмунининг шаклланишида муҳим ўрин тутишини, нутқий мулоқот жараёнида сўзловчи ва тингловчи энг муҳим таркибий қисм эканлигини таъкидлаган эдик. Ҳақиқатан ҳам, инсон турли нутқий вазиятларда ўзининг ҳис-туйғулари, борлиққа, тингловчига муносабатини яхлит тарзда хилма-хил лисоний воситаларни уйғун қўллаган ҳолда ифодалайди.

Синтактик сатҳ тилнинг энг юқори ва энг мураккаб сатҳи сифатида прагматик имкониятларининг кенглиги билан аҳамиятлидир. Матн прагматикаси синтактик қуршовда ўзининг аниқ кўриниши ва мазмунига эга бўлади. Ҳар қандай гап ўзининг пропозитив, модал, коммуникатив ҳамда баъзан пресуппозитив аспектига эга бўлади. Семантикага қўшимча равишда ифодаланадиган модал, коммуникатив ҳамда пресуппозитив мазмун прагматика учун аҳамиятли бўлиб, уларнинг юзага чиқиши гап таркибидаги синтактик қурилмалар, бирликлар мазмуний тузилиши, позицияси билан узвий алоқадор бўлади. Айниқса, кириш ва киритма конструкциялар, гапнинг ифода мақсадига кўра турлари, гап бўлаклари тартиби, ундалмалар, гапнинг актуал бўлинишининг жумлага прагматик маъно юклашдаги ўрни катта.

Гап мазмуний мундарижасида муайян воқеа-ҳодиса ҳақидаги фикр ҳамда шу фикрга бўлган сўзловчи муносабати ётади. Билдирилган фикрга нисбатан сўзловчи муносабатининг у ёки бу тарзда ифодаланишини кўрсатувчи, эмоционал-экспрессивликни юзага чиқарувчи синтактик бирликлар ва ҳодисалар прагматик қийматга эга бўлади. Гап таркибидаги киришлар, ундалмалар, гапнинг коммуникатив турлари орқали субъектив муносабатнинг, эмоционалликнинг акс этиши Ғ.Абдурахмонов, А.Абдуллаев, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, М.Ҳақимов каби қатор олимлар томонидан қайд этилган. Аслида ҳар қандай гап муайян мақсад асосида юзага келган фикр ҳамда шу фикрга қўшимча равишда пайдо бўлган ҳис-туйғулар, ёки аксинча, муайян ҳис-туйғу натижасида пайдо бўлган фикр ифодаси

саналади. Гап нутқ ичида яшайди¹⁰³. Шунинг учун гап мазмуни нутқий вазият билан узвий боғлиқ. Бу ҳам гапнинг прагматик хусусиятларини тавсифлайди. Масалан: *Энди нима қиламан?...Ахир бу гўдакда нима айб?* (“Ёдгор”) Мазкур жумлалар контекстан ташқарида соф сўроқ мазмунини ифодалаши мумкин. Лекин прагматик контекста биринчи жумла субъектнинг ноилож вазиятда эканлигини, иккинчи жумла дарак мазмунини эмоционал-экспрессив тарзда акс эттиради: *Қорни очдимикан ё таги ҳўл бўлиб қолдимми – йиглай бошлади.*

Энди нима қиламан? Ахир, бола улғайиб, ота-онасини топиб олгунча, очдан-оч кўчада кўтариб юриш мумкин эмас-ку! Ахир бу гўдакда нима айб? Айб ота-онасида. (“Ёдгор”)

Гапнинг актуал бўлиниши гап бўлақларининг прагматик хусусият касб этишида аҳамиятли саналади. Чунки гапнинг актуал бўлиниши сўзловчи ички мақсади билан боғлиқ равишда шаклланади. Гапнинг актуал бўлиниши матндаги мазмуний яхлитлик, ички алоқадорликни акс эттиради.

Маълумки, гапда актуал бўлиниш назариясига кўра маълум қисм тема, янги қисм рема деб юритилади. Анъанавий ҳолатда кесим ва унинг гуруҳи ремани акс эттиради. Ўзида предикативликни акс эттирадиган, гапни уюштирувчи ва шакллантирувчи марказий бўлақ кесимдир¹⁰⁴. Гапдаги тасдиқ-инкор, замон, коммуникатив мақсад, модаллик, шахс каби категориялар кесим орқали ифодаланади. Шундай экан, кесим грамматик ва семантик хусусиятлардан ташқари, прагматик қийматга ҳам эга бўлади. Нутқий акт мазмунининг шаклланиши гапдаги кесимнинг шаклланиши билан бевосита алоқадор бўлади. Масалан: *Итдан бўлган қурбонликка ярамас!* – деди-да, болани менга тутқазиб, жаҳду жад билан кўчага чиқиб кетди (“Ёдгор”). Қаҳрамон нутқидаги ярамас феъл-кесими сифатдошнинг инкор шаклида ифодалангани учун ҳам инкор маъноси қатъий тус олмоқда. “*Ҳой, Қумри, ахир укангга қарасанг-чи, ичаги узилиб кетди-ку!*” (“Ёдгор”)

¹⁰³ Ғуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – Б. 31.

¹⁰⁴ Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 66.

Кесим таркибидаги шарт майли қўшимчаси ва юклама тергаш нутқий актини юзага келтирмоқда.

Барча бўлақлар бевосита ёки билвосита кесимга боғланади. Гапнинг актуал бўлинишига кўра ўзбек тилида энг муҳим саналувчи сўз ва бирикмалар предикат вазифасида келади ҳамда ремани ифодалайди. Масалан: *Бу чойхонада мени маҳлиё қилган нарсаларнинг бири кираверишининг шипига илиб қўйилган катта, симларига зарҳал берилган, ҳар хил туморлар, байроқчалар билан безатилган қафас ва бу қафасдаги жонли тўти эди, ўлиб кетай агар, тирик тўти эди* (“Шум бола”). Тема – *Бу чойхонада мени маҳлиё қилган нарсаларнинг бири*, рема – *кираверишининг шипига илиб қўйилган катта, симларига зарҳал берилган, ҳар хил туморлар, байроқчалар билан безатилган қафас; жонли тўти эди, тирик тўти эди*. Сўзловчи ички мақсадига кўра асосий фикр қаратилган объектни билдирувчи сўзлар жумла сўнгига жойлаштирилган ва тингловчининг асосий эътибори айнан шу бўлакка тортилади.

Туркий тилларда кесим фикрни уюштирувчи марказ сифатида гапдаги сўзлар тартибига ҳам таъсир кўрсатади. Асосий эътибор қаратилувчи ва мантикий урғу олувчи бўлақ кесимдан олдинга жойлаштирилади: *Ҳеч қутилмаганда эрта билан чойнинг устига кириб боришим кампир бечорани жуда довдиратиб қўйди*. (“Ёдгор”). *Кампир бечорани* бирикмали воситасиз тўлдирувчининг кесим олдидан қўлланиши бошқаларнинг эмас, айнан кампирнинг кучли таъсирланиш остида бўлганини таъкидлайди, пресуппозицияга йўл очади.

Фикрни тўлиқ баён қилиш, ҳаракат, ҳолат, шахс, нарса ва ҳодисалар ҳақидаги ахборотни мукаммаллаштириш, сўзловчининг тасвирланаётган воқеликка муносабатини аниқлаштиришда иккинчи даражали бўлақларнинг аҳамияти катта. Жумладан, тўлдирувчи кесимнинг объект валентлигини тўлдирувчи иккинчи даражали бўлақ сифатида от, олмош, сон, отлашган сўзларга келишик ёки кўмакчиларни қўшиш орқали ҳосил қилинади. Семантик жиҳатдан шахс, предмет, миқдор, ҳаракат, ҳолат, кўрсатиш каби

маъноларни ифодаловчи тўлдирувчи ҳам гапда эгаллаган позицияси ва ифодаловчи сўзга кўра прагматик хусусиятларга ҳам эга бўлиши мумкин. Хусусан, чиқиш келишиги шаклидаги тўлдирувчи қиёслаш мазмунини ифодалаш мақсадида қўлланганда баҳо муносабати ҳам акс этади. Масалан: *Акам Ёдгорни эркалаб туриб:*

– *Ўғлинг ўзингдан ҳам ўтқир чиқади-да!...– деса, камтир:*

– *Хап кўзингга, қўй, болам, унақа дема, бола деган гулдан ҳам нозик бўлади, – деб қўяди (“Ёдгор”).* Хам юкламаси қиёслаш маъносини таъкидлашга хизмат қилади.

Аниқловчи бадиий матнда тасвирни кенгайтириш, қаҳрамонлар ташқи кўриниши ва руҳий ҳолатини образли акс эттириш, замон ва макондаги ўзига хос хусусиятларни аниқ ва ишонарли баён қилиш ҳамда баҳолаш муносабатини ифодалаш вазифасини бажаришга хизмат қилиши билан прагматик қийматга эга. Масалан: *Самоварчи Асра кал деган хипчадан келган, қотма, эпчил йигит эди. Устида олди очиқ яхтак, оёғида қала кавуш, зангори шоҳи қийиқ боглаган, елкасига холпаранг рўмол ташилаган хушфеъл йигит эди (“Шум бола”).*

Аниқловчиларнинг кетма-кет, лекин уюшмаган ҳолда қўлланиши ҳам тасвирга бадиийлик бўёғини беради. Ижобий ёки салбий баҳодаги таъкидни кучайтиради: *Ана – унинг қип-қизил ва кичик лабларида мени ҳалигача мафтун қилган биринчи ярим табассумнинг ёввойи излари*. (“Ёдгор”)

Кириш сўз ва бирикмалар сўзловчининг ифода этилаётган фикрга муносабатини билдириши билан прагматика учун аҳамиятли саналади. Бундай бўлаклар қаҳрамонлар нутқида сўзлашув бўёғини бериш мақсадида қўлланиши мумкин. Масалан: *“...Хўш десангиз, Бағдод деган шаҳарда Абу танбал деган бир ялқов йигит ўз онаси қошида яшар экан...”* (“Тирилган мурда”)

Бирор шахс, белги-хусусият ёки ҳолатни ажратиб, таъкидлаб кўрсатиш мақсадида қўлланади: *Айниқса, битта чол жуда эзма эди* (“Тирилган мурда”). *Хат, айниқса, расм юрагимга ўт ёқди* (“Ёдгор”).

Ноиложлик мазмунини юклаш учун қўлланади: *Ҳа, қандай қилай, дунёнинг иши шундай экан* (“Тирилган мурда”).

Тасдиқ нутқий актини юзага келтиришда кириш сўз аҳамиятли: *Ҳақиқатан ҳам, ўртоқ командир менга берган сўзида турди* (“Ёдгор”).

Таажжуб мазмунини ифодалайди: *Ажабо, Саодат мени чиндан ҳам севадими?* (“Ёдгор”) *Қуйидаги жумлада бу мазмун яна ҳам кучаяди: Бун қаранг-а, бизнинг уйимизга ўғри кепти* (“Менинг ўғригина болам”).

Бир қарорга келиш мазмунини ифодалайди: *Яхшиси, ҳеч нарса юбормайман* (“Ёдгор”). *Яхшиси, бундай хаёлларни унутиш керак* (“Ёдгор”).

Такрор синтактик фигуралардан бири сифатида бадиий матндаги ҳис-ҳаяжон ифодасини кучайтиришга, қаҳрамонлар руҳиятидаги эмоционал ҳолатларни таъсирчан акс эттиришда аҳамиятли саналади. Масалан:

...Ана Ёдгор, ҳалигина эмган она сунининг лаззатини тамшаниб, менинг қўлимда ухламоқда...

...Ана Ёдгор, менинг юлдузли шапкамни кийиб ўйнамоқда.

...Ана Ёдгор, “менга оппоқ ойи олиб беринг”, деб қистамоқда.

...Ана Ёдгор... (“Ёдгор”)

Хулласи, қариндош-уруғ, маҳалла, таниш-билишлардан туртки еявериб, хит бўлиб кетдим, номим ёмонликка ёйилди, ким кўрган таъна қилиб, таъсир беради (“Ёдгор”).

Сўзлашдан мақсад нафақат ахборот бериш ва фикр алмашиш, балки тингловчида ўз фикрини уйғотишга уриниш, муайян мақсадга йўналтириш ва бошқаришга уринишдан ҳам иборатдир. Ана шу вазифаларнинг юзага чиқишида синтактик воситалардан бири ундалмалар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Ундалма тилшуносликда мурожаат шакллари, мурожаат бирликлари сифатида ҳам қайд этилади.

Мурожаат шакллари гапни ҳам шаклан, ҳам мазмунан мураккаблаштирувчи воситалар бўлиб, апеллятив вазифадан ташқари поэтик, эстетик ва турли нутқий вазиятлардан сўзловчининг коммуникатив мақсадидан келиб чиқиб, прагматик вазифа бажариши мумкин. Чунки

аксарият мурожаат бирликларида объектга нисбатан ижобий ёки салбий баҳо ифодаланади. Мурожаат шакли сифатида қўлланган лисоний бирлик субъект ва объект муносабатининг симметрик ёки асимметрик эканлигини кўрсатиб туради. Лисоний фаолият жараёнида мулоқот шакли ва тил бирликларининг танловида суҳбатдошнинг ижтимоий мавқеи инобатга олинади. Мурожаат бирликлари симметрик ёки носимметрик вазиятни аниқлаштирувчи сигналлардан ҳисобланади. Масалан:

– *Хўш, йигитлар, энди нима қилмоқчи бўласизлар? ...Агар қоламан десаларинг, олди қиш, овқат-оziқларинг бемалол.*

– *Хўп, хўжайин, ўйлашиб кўрамиз, – деди Омон (“Шум бола”).*

Тингловчининг таниш ёки нотанишлигига кўра мурожаат бирликларида таниш адресат ёки нотаниш адресат пресуппозицияси ифодаланади.¹⁰⁵ Таниш адресатга нисбатан қариндошлик терминлари, атоқли отлар, ўзаро яқинликни ифодаловчи турдош отлар, амал-мансабни ифодаловчи лексемалар, ҳурмат ифодаловчи лексемалар қўлланиши, нотаниш адресатга нисбатан эса ўзбек халқида қариндошлик билдирувчи сўзлар қўлланиши мумкин. Қариндошликни билдирувчи сўзлар сўзловчидан кичик ёшдаги тингловчига нисбатан ўзаро яқин олиш, ғамхўрлик прагматик семаларини ифодалаш учун қўлланади. – *Омон ука, ўртоғинг билан икковинг кечи билан қўйларни ҳайдашиб, эрталаб Кўктераkning бозорига етказиб бора қолларинг (“Шум бола”). – Воқеа бундай бўлган эди, ука, – деб Султон кисавур гапириб кетди (“Шум бола”).*

Қариндош бўлмаган кишиларга нисбатан ишлатилаётган қариндошликнинг иккиламчи номинациялари қўшимча маъно олади, бунда ҳар бир нутқ ҳаракатидагина эмас, балки тил бирлиги сифатида ишлатилаётган мос белгилар қўшимча маъно олиши табиий. Бундай мурожаатлар баҳолаш ва коннотатив характерга ҳам эга бўлиб, улар мулоқотчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар характерининг нозик

¹⁰⁵ Аҳмедова Н. Ўзбек тили мурожаат бирликлари. – Тошкент, 2009. – Б. 39.

томонларини белгилайди.¹⁰⁶ Масалан, *бола* лексемаси қариндошлик термини сифатида фарзанд маъносини ифодалайди. Шунингдек, “*ҳали вояга етмаган*”, “*ёш*”, “*янги тугилган*”, “*болаларча иш тутадиган*” каби семаларга ҳам эга бўлиб, катталарнинг ёшларга мурожаатида эгалик қўшимчаси билан қўлланганда ҳам юқоридаги ижобий муносабатни акс эттиради: *Баракалла, одам бўласан, болам* (“Шум бола”). Эгалик қўшимчасисиз қўлланганда огоҳлантириш, норозилик ёки менсимаслик маънолари ифодаланиши мумкин: – *Ҳай-ҳай, бола, оғзингга қараб гапир, тўриқ қашқа ўлди, дедингми?* (“Шум бола”)

Сўзловчи ҳар қандай фикр билдириш, хабар-маълумот узатиш олдидан ўзига ўзи мурожаат қилади, буйруқ беради, маълум хабтарни узатиш ёки узатмаслик, сўраш ёки сўрамаслик ҳақида муайян тўхтамга келиб ҳукм чиқаради. Бу ўзига – биринчи шахсга йўналтирилган жараёндир, лекин унинг натижаси ва одатда, нутқдаги ифодаланувчи қисми иккинчи шахсга бўлган мурожаат сифатида шаклланади¹⁰⁷.

Прагматиканинг асосий тушунчаларидан бири бўлган нутқий акт мазмунининг таркиб топиши ва унинг воқеланиши бевосита сўзловчининг мулоқот мақсади, истаги билан боғлиқдир. Айнан шу мақсадни амалга ошириш учун сўзловчи нутқ жараёни учун тегишли лисоний бирликларни танлайди. Мурожаат бирликлари турли нутқий вазиятларда сўзловчи ва тингловчи муносабатларини ойдинлаштириб, турли прагматик функцияларни бажаради. Жумладан, илтимос нутқий актида мурожаат объектини ифодаловчи лексик бирлик олдидан *жон* сўзи қўлланиб, коммуникатив мақсадни эксплицит ҳолда равшанлаштиради: – *Жон ўртоқ, хўжайинингга айтиб, мени бир амаллаб қўйчивонликка олсанг-чи...* (“Шум бола”).

Ундалмалар ҳам нафақат номинатив маъно, балки субъектив модаллик ва баҳо ифодалаши, нутқий вазиятга асосланиб қўлланиши билан прагматик аҳамиятга эга. Ундов сўзлар ҳам сўзловчининг коммуникатив мақсадидан

¹⁰⁶ Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: филол.фан. номз.... диссертацияси. – Самарқанд, 1993. – Б. 69.

¹⁰⁷ Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари. – Тошкент: Академнашр, 2015. – Б. 12.

келиб чиқиб унинг ҳис-туйғуларини, кечинмаларини, муносабатини ифодалашини аввалги бобда кўрсатиб ўтган эдик. Бу функция ундов сўзлар мурожаат бирликлари таркибида қўлланганида кўпроқ амалга ошади. Миннатдорлик, эркалаш нутқий актида *балли, баракалла, яша, қойил* ундов сўзлари мурожаат бирлиги билан бирга қўлланади:

– *Ишқилиб, ҳеч ким кўрмадим, балли ўғлим, балли бўтам* (“Шум бола”).

– *Ҳа, балли азамат, неча кундан буён кўзим учиб, йўлпаиша айланиб юрган эди* (“Шум бола”).

Буйруқ нутқий актида лақаб билан мурожаат қилиш кузатилади:

– *Кал!–дейиши билан:*

– *Лаббай, муллака, чойми, чилимми?–деярди...* (“Шум бола”).

Ғазаб, нафрат, аччиқланиш, норозилик муносабатларини ифодалаш учун салбий прагматик семага эга лексемалар қўлланади:

– *Вой аблаҳ-ей, поччангнинг қумрисини нима қилдинг?* (“Шум бола”)

Тингловчида ўз фикрини уйғотиш, унда ижобий муносабатни юзага келтириш учун мурожаатда олқишни ифодаловчи, инсонни шарафловчи, хушомад ифодаловчи бирликлардан фойдаланилади: *Айланай, ўргилай, барака топгур, онанг ўргилсин* каби. – *Ҳой, айланай ука,- деди, – менга қарагин, кимсан ахир ўзинг...* (“Шум бола”) Муайян фикрни юмшатиш мақсадида ҳам мазкур бирликлар қўлланса, мурожаат бирлигининг такрор ишлатилиши фикрни уқтириш, таъкидлаш, асосий урғуни мурожаатдан олдинги бўлакка бериш, мулоқот вазиятида фаол позицияда туриш вазифасини бажаради: *Кампир буни менга оғзининг таноби қочиб, илжайиб гапирганда, мен:*

– *Қизи ҳали ёш, шошмаса ҳам бўлади. Менга қараса мен ҳали уч-тўрт йилсиз уйлана олмайман...*

Кампир ҳам:

– *Ҳа, айланай болам, ҳали ҳам, эртага тўй бўлсин, деяётгани йўқ, айтганингдек. Қизи ҳам ёш, шунчаки даромад қилиб қўйяпти-да, болам! –*

деди (“Ёдгор”).

Салбий баҳони ифодалаш учун камситиш, ҳақорат маъноларини билдирувчи луғавий бирликлардан ҳам фойдаланилади. Мурожаатда ҳақорат сўзларни қўллаш орқали қаҳрамоннинг савияси очиб берилади. – Хой, сен, ҳаромилар, бу ерда нима қилиб юрибсанлар? (“Шум бола”).

Ундалмалар мулоқот жараёнида, бадиий матнда куйидаги прагматик вазифаларни бажаради:

1. Сўзловчининг тингловчига, яъни мурожаат объектига нисбатан баҳоловчи, ҳиссий муносабатини ифодалайди.

2. Нутқ объектини бирор ҳаракатни бажаришга ундаш, даъват, таклиф қилиш, буюриш мақсадини билдиради.

3. Мурожаат бирлиги воситасида тингловчининг диққати жалб қилиниб, ўзаро муносабат ўрнатилади.

4. Тингловчига эмоционал, руҳий таъсир кўрсатиб, жавоб реакциясини уйғотилади.

Мурожаат объекти жонсиз предмет ёки воқеа-ҳодиса, жониворлар бўлганда тасвирий ифодадан фойдаланилганда образлилик яна-да ошиши ёки нутқий вазият талаби билан юмористик кайфият ҳосил қилиши мумкин:

– Бунга сен нима дейсан, ҳанги ҳофизи майда қадам?

Эшак афандининг сўзига “маъқул” дегандай, бошини силкитиб, қулоқларини бир-бирига уриштириб бедана юриш қилиб кетиб борарди (“Афанди ўлмайдиган бўлди”).

Ундалмаларнинг прагматик қиймати уларнинг перлокутив эффекти, самарадорлиги билан боғлиқ. Шу масалага доир куйидаги ҳикматли ривоят бор: Ўтмишда “ови юрса ҳам дови юрмай” тобора камбағаллашиб бораётган бир деҳқон йўл четида ўйланиб турса, фақиргина йўловчи ўтиб қолибди. Шунда деҳқон:

– *Эй донишманд, нима эксам, мен бойиб кетаман, деб маслаҳат сўрабди.*

Йўловчи унга пиёз экишни тавсия этибди. Нотаниш йўловчининг гапига кирган деҳқон ўша йили чиндан ҳам бойиб кетибди. Шодлигидан босар-тусарини билмай қолган деҳқонга яна ўша одмигина йўловчи учраганида:

– *Эй гадо*, нима эксам, янада бойиб кетаман, –деб иккинчи маротаба мурожаат қилибди.

Шунда у яна бир экиннинг номини айтиб, йўлида давом этибди.

Фалакнинг гардишини қарангки, кейинги йили деҳқоннинг омади чопмай, илгаригидан ҳам камбағаллашиб кетибди.

Бундан ғоятда ғазабланган деҳқон ҳалиги йўловчини сабрсизлик билан кута бошлабди. Ниҳоят, у таниш йўловчи дуч келибди ва:

– Эй нотавон йўловчи, нега мени алдадинг. Гапингга кириб, янада бойиш ўрнига буткул камбағаллашиб кетдим-ку! – дея ғазаб қилибди.

– Ўзингни бос, – дебди йўловчи, – биринчи йили сен менга “донишманд” деб мурожаат қилдинг. Мен сенга донишманднинг жавобини бердим. Натижада сен бойиб кетдинг. Кейинги сафар эса сен менга “гадо” сўзини муносиб кўрдинг ва мен гадонинг жавобини бердим, – деган экан¹⁰⁸. Бундан хулоса шуки, мурожаат бирлигининг ўринли танланиши ва қўлланиши нутқнинг натижавийлигини таъминлайди.

2.5. Ўхшатиш прагматик восита сифатида

Бадий тафаккурнинг энг қадимий, сермахсул усулларида бири ўхшатиш ҳисобланади ва синтактик фигуралар қаторига киради. Чунки ўхшатиш ўзи бирикиб, изоҳлаб, тўлдириб келган бирлик билан биргаликда тўлиқ мазмун касб этади. Сўнгги йилларда бу типдаги воситаларнинг услубий, лингвопоэтик ва лингвокультурологик жиҳатлари тилшуносларимиз эътиборини тортди¹⁰⁹.

¹⁰⁸ Сиддиқ Мўмин. Мулоқот мезони. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. Б. 35-36.

¹⁰⁹ Ўйлошев М. Юқорида Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007. – Б 99.

Билиш жараёнида қиёслаш ва ўхшатиш муҳим мантиқий амал ҳисобланади. Икки ёки ундан ортиқ тушунчанинг, воқеа-ҳодисанинг, белгиларнинг, ҳаракат ва ҳолатнинг ўзаро ўхшаш ёки фарқли жиҳатларини аниқлаш, уларни қиёслаш, таққослаш инсоннинг билиш фаолиятида кенг кузатилади. Бу жараён инсон тафаккурининг реаллашуви бўлган нутқий фаолиятда юзага чиқади.

Воқеликни ўхшатиш асосида ифодалаш тил эгалари учун когнитив ва психологик томондан умумийликни ҳосил қилса, прагмастилистик жиҳатдан муайян шахс ифода усулининг ўзига хослигини намоён қилади¹¹⁰. Ўхшатишлар ўзига хос образли тафаккур тарзининг маҳсули сифатида юзага келар экан, ижодкорнинг бадиий тасвир мақсадига мувофиқ равишда яратилган ўхшатишлар ўзининг кутилмаганлиги, охорлилиги билан муайян ҳолат, хусусият ёки предметлар ҳақида ёрқин таассурот уйғотади. Шеърда асарларда яратилган ўхшатишлар бадиий бўёқдорлиги билан ажралиб, ижобий ёки салбий баҳони бўрттириб ифодаласа, насрий асарларда нутқнинг жонлилиги, тасвирнинг аниқлигини таъминлайди.

Ғафур Ғулом асарларида тилимизда одатий қўлланувчи ўхшатишларни ҳам учратамиз. Жумладан, *данак топган тентакдек қувониш, иштаҳанинг намозшомгулдай очилиши, ит қувлаган тулкидай ўхшатишлари* тилимизда бугунги кунда ҳам фаол қўлланади. Хусусий-муаллиф ўхшатишлари эса ёзувчининг ўз нигоҳи, кузатувчанлиги, бадиий таҳайюли, аналогия қуввати асосида халқ тилидан фойдаланган ҳолда яратган ўхшатишларидир. Бундай ўхшатишларда оригиналлик, образлилик ва экспрессивлик ҳамиша ёрқин ифодаланган бўлади. Хусусий-муаллиф ўхшатишларини бадиий матнни шунчаки безовчи, гўзаллаштирувчи восита сифатидагина қараш тўғри бўлмайди. Маҳоратли ёзувчи бундай ўхшатишларга бадиий-эстетик эҳтиёж зарурияти билан мурожаат қилади¹¹¹. Шундан келиб чиққан ҳолда ўхшатишлар ўзига хос семантик ва прагматик функцияни бажаради. Чунки

¹¹⁰ Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 56.

¹¹¹ Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати (“Кеча ва кундуз” романи мисолида): Фил.фан.номз.диссертацияси. – Тошкент, 2000. – Б. 103

ҳар қандай ўхшатиш муаллиф ички ниятига асосланган ҳолда мақсадли қўлланади. Қуйида ўхшатишларни муаллиф интенцияси билан боғлаган ҳолда таҳлил қилиб ўтамиз.

Маълумки, ўхшатишлар тасаввур қилиш қийин бўлган, мавҳум тушунчаларни аниқ ифодалаш, шахс, нарсаси, ҳодиса, ҳолат, белги-хусусият, ҳаракатнинг энг аҳамиятли жиҳатларини ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдалантиришда муҳим воситадир. Масалан: *Узоқдан қараган кишига қоронғидаги мушукнинг бир кўзига ўхшаб йилтираб кўринади* (“Шум бола”).

Ифоданинг субъектив модал аспектига алоқадор баҳо билдирувчи воситалар прагматингвистиканинг асосий ўрганиш объектларидан бири эканлигини юқорида ҳам айтиб ўтган эдик. Оламни билиш жараёнида баҳолаш категориясининг аҳамияти катта. Ўхшатиш ва қиёслаш жараёнида ҳам баҳо категорияси асосий шакллантирувчи воситалардан бўлиб, шахс субъектив муносабат ва баҳо асосида ўхшатиш эталонини танлайди. Ҳар бир халқнинг ўзига хос ўхшатишлари бор. Тилимизда рамзий образлар орқали яратилган ўхшатишлар талайгина. Жумладан, *тулкидай айёр, қўйдай (қўзичоқдай) ювош, мусичадай беозор* каби. Халқона ўхшатишларнинг аксарияти жонивор ва қушлар, ўсимликлар образлари билан боғлиқ. Бадиий матнларда ҳам шу турдаги ўхшатишлар кенг учрайди. Масалан: *Яна ўша мустаҳаб қилмаган, ёғ босган башаралар, узун-узун расталарнинг дўкончаларида газчўп ушлаб, харидор кутган ялқов бойваччалар, чарви еган мушукдек кўзи ялтироқ ханнотлар, оқсоқ лайлакнинг соясидай аранг-аранг судралувчи бир тўда тиланчилар* (“Шум бола”).

Ўхшатишлар ижобий баҳо муносабатини ифодалашда фаол воситалардандир. Масалан: *Ич-ичимдан Ҳиндистонга бора олиш ҳаваси булоқдай қайнаб тошар эди* (“Шум бола”). *Патларининг ранг-баранглиги Ойша чеварнинг иш қутисидagi ипаклардай товланар эди* (“Шум бола”). Булоқ ва *ипак* эталонлари, одатда, ижобий маъно қирраларига эга бўлади.

Салбий баҳо муносабатини ифодалашда шахсга оид белги, хусусият, ҳолат ва ҳаракатларни жонсиз предметларга ўхшатишдан ҳам тилда самарали

фойдаланилади: *Агар у бадбахт имилдоқ хотин ўт ёқишда давом этаверса, тандирда кабобдай жизгинак бўлар эдим. (“Шум бола”)* Нимаси етишмайди, фуқароси бўлса, *хом гўштдай итоатли, миришабу палискалар қиличдай (“Шум бола”)*. Кейин *силтаб-силтаб тортиб ногора бозорнинг оқовадан ботқоқланган кўчасига бир қоп дондек иргитиб юбордилар (“Шум бола”)*. Мазкур ўхшатишларнинг барчаси хусусий-муаллиф ўхшатишлари бўлиб, белги ва ҳолатни аниқ ва бадий ифодалашга хизмат қилмоқда. Бош қаҳрамон нутқида қўлланган бу ўхшатишлар замирида нафақат унинг, балки муаллифнинг яширин муносабати ҳам сезилади. *Хом гўштдай итоатли, бир қоп дондек ўхшатишларининг инсонларга нисбатан қўлланиши асар воқеалари тасвирланган даврда инсон кадр-қиммати шу даражада пасайганига ишора дейиш мумкин.*

Тилимизда салбий баҳо ҳосил қилиш учун парранда ва жониворлар эталонидан фойдаланиш кенг кузатилади: *Маст бўлган туядек оғизларидан кўпиклар сочиб, жаззаваи том билан талқин айтиб келар эдилар (“Шум бола”)*. Туя эталони бошқа ўринда ҳам ишлатилган: *Домла эса бир неча том нарида ҳарсиллаб-гурсиллаб, қутурган нор туядай кўпириб қувлаб келар эди. (“Шум бола”)*. Туя эталони тилимизда *баланд, катта* маъноларида ҳажм жиҳатдан бўрттириб тасвирлаш учун *туядай бўй, туядай айб* каби бирикмаларда, ҳаракат ўхшашлигини образли тасвирлаш учун *туядай лўкилламоқ, туядай ўқирмоқ* бирикмаларида қўлланади ¹¹². Гафур Ғулом юқоридаги ўхшатишда анъанавийликка ўзгариш киритиб, ғазабланиш даражасининг кучлилигини, домланинг ўта дарғазаб ҳолатини аниқ тасвирлайди, *қутурган, нор* сўзлари бу маънони янада кучайтиради, туя эталонидан фойдаланиш асар бош қаҳрамонининг домлага нисбатан вазиятдан келиб чиққан салбий муносабатини таъсирли ифодалайди. Домладан қочиб бораётган шум боланинг ҳолати *тулки қувлаган товўқдай* ўхшатиши билан тасвирланади. Аслида тилимизда қочиш ҳаракатига

¹¹² Қаранг: Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – Б. 228

нисбатан *ит қувлаган соқовдай* ўхшатиши қўлланади. Лекин муаллиф қаҳрамоннинг томма-том сакраб югуришини аниқ ва кулгили тасвирлаш мақсадида *тулки қувлаган товўқдай* ўхшатишидан фойдаланади. Мана шу эпизод давомида яна бир нечта ўхшатишларни кузатамиз: *Ҳайтовур, домла иштонбогини маҳкам боғламагани учун чопиш вақтида оёғига тушиб кишан бўлиб, пайпоқдор товўқдай* каловлаб қолди-да, мен қочиб қутулдим (“Шум бола”). Ёзувчи шум бола тилидан бошқа қаҳрамон ҳолатига нисбатан юқоридаги ўхшатишни қўллаш орқали юмористик кайфият ҳосил қилади. Ўқувчи учун кутилмаган, индивидуал ўхшатиш таъсир самарадорлигини оширади.

Шахсга ва унинг ҳаракатларига нисбатан жониворлар билан боғлиқ ўхшатишларни қўллаш кулги ҳосил қилишда етакчи воситалардандир. “Шум бола” қиссида ўндан ортиқ ана шундай ўхшатишларни кузатдик. Масалан: *...Мош еган хўроздай қизил юзларидан “нур ёғилиб” турган ҳаст эшон таманнолик билан ерни “Миннатдор бўлсанг, босаман”, деб чиқиб келдилар* (“Шум бола”). Мазкур мисолларда *товўқ, хўроз* образлари кишида юмористик кайфият уйғотади ва салбий баҳони бўрттириб кўрсатади. Бундай ўхшатиш ташқи ўхшашлик, ҳаракат ўхшашлиги асосида юзага келади. Аслида эса сўзлашув нутқида хўроз сўзи *мард, танти* маъноларини ифодалайди.

Ўзбек тилида кўзни ижобий ёки салбий маънони бўрттириш, бадийликни таъминлаш мақсадида турли предмет ва жониворларга қиёслаш кўп кузатилади. Жумладан, ижобий баҳо ифодалаш учун *оҳу, жайрон, юлдуз, мунчоқ* ташбеҳлари қўлланса, салбий муносабатни кўрсатиш учун *пиёла, коса, ўра, бит* (сўзлашувда) ўхшатишлари қўлланади. Ғафур Ғулом насрий асарларида ҳам кўз билан боғлиқ бир нечта ўхшатишлар мавжуд. Масалан: *Унинг кўзлари чангдан пахса деворга мунчоқ қадагандай йилтирар эди* (“Шум бола”). *Мадмисанинг ҳангу манглиги яна ошиб, ...кўзлари бир жуфт ғайин олхўридай қинларидан чиқиб кетаёзди* (“Ким айбдор”). Кўзни ғайин олхўрига ўхшатиш “Шум бола” қиссида ҳам кузатилади: *Тепамда халта*

қўйлакли, бир қўли билан истибро кесагини ушлаган, ҳар кўзи ғайни олхўридек қинидан чиқиб кетган домла поччам турар эди (“Шум бола”).

Чумчуқ сўзи шахсларга, жониворларга нисбатан ижобий ёки салбий муносабатни ифодалаш учун қўлланади. Баъзан салбий муносабат ва баҳо ифодалаш учун кичкина маъносида ишлатилади: “Чумчуқдай жони билан буларга сипоҳигарчиликни ким қўйган экан, иззат-обрў бўлса қилдим, биров овқат еяётганда қараб туриш яхши эмас”, деб чиқиб ҳам кетдим (“Шум бола”). Илтижо қилиш, зорланиш, куюниб гапириш маъносида чумчуқдай чирқилламоқ бирикмаси таркибида келади. Ғафур Ғулом одатдаги қўлланишдан фарқли тарзда *она чумчуқдай* бирикмасини қўллаб, чумчуқ сўзига *меҳрибонлик, ғамхўрлик* коннотатив маъноларини юклайди: *Қаторда энг сўнгги бўлиб она чумчуқдай қора бувим ётадилар* (“Менинг ўғригина болам”).

Ўхшатишларнинг муайян қисми бадиийликни ошириш мақсадида қўлланади. Матн субъектини ўхшатиш асосида ифодалаш натижасида ўқувчи онгида янги ва нореал объект ҳақидаги тасаввур пайдо бўлади. Бундай матнларда янги ифодалар юзага келиб, лингвокреативлик ҳодисаси намоён бўлади¹¹³. Масалан: *Унинг умрлари алақайси менга қоронги ўтмиш иилларнинг шох-бутоқларида олма терган қизларнинг этакларидай* илиниб қолган (“Ёдгор”).

Қаҳрамонлар ташқи кўринишини тасвирлашда ўхшатиш фаол қўлланади. Бунда ўхшатиш кўпинча юз қисмидаги аъзоларга нисбатан ишлатилади: *Қаландарлардан олдинда отлиқ мўйловлари арқон тишлаган итдай, катта қиличи отнинг белидан настга тушиб турган бир городской қамчи ўйнатиб, қаландарларга йўл бўшаттириб келар эди* (“Шум бола”). *Тепамизда саман отга минган, мошкичири соқолли, бурни худди пахталик тўнга қадалган тугмадай ичга ботиб кетган пучуқ бир киши қамчи ўйнатиб, сиёсат қилар эди* (“Шум бола”).

¹¹³ Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 62.

Ғафур Ғулом насрий асарларида муайян ҳаракат ёки ҳолатдаги предметларга нисбатан ўхшатишларни қўллаш кўп кузатилади. Бунда ҳаракат ёки ҳолат сифатдош ёки сифатдош обороти, ҳаракат номи орқали ифодаланиши мумкин. Масалан: *Зирапчани нина билан олгандай, жиннининг гапи жиннига маъқул тушиб, одамларни юришдан тўхтатди* (“Шум бола”) Ҳолатни ўхшатиш: *Бу ишимиз худди қоронғи кечада қора палос устидан чумолининг қора кўзини қидиришдай қийин кўчган эди* («Шум бола») *Қолган беш қўйни қидириш қудуққа тушган нозик мунчоқни қидириш билан баравар эди* (“Шум бола”).

Жонли нарсани жонсиз нарсага ўхшатиш натижасида тасвирланаётган нутқ объекти ва унга хос бўлган бирор ҳаракат ёки ҳолат бўрттирилади: *Жон бермоқчи бўлган ҳайвон энг сўнгги нафасда маъраб қолмоқчи бўлдим, ичидан бутун ўпканинг сиқилиб ёйилишидан пайдо бўлган ҳансираш билан катта ҳаммомнинг дудбўронидай пишқириб юборди* (“Шум бола”). *Қулогимга хумга тушган арининг овозидай гўнғир-гўнғир гапиришлари эшитилар эди* (“Шум бола”).

Тилда ўз-ўзини баҳолаш муносабати нутқ эгасининг ўзига объектив ёки субъектив ёндашуви асосида ҳосил бўлади. Бундай муносабатнинг ҳосил бўлишида нутқ вазияти, контекст, шахс ва унинг хусусиятлари каби прагматик омиллар муҳим ўрин тутди. Инсон ўзининг имкониятлари, муваффақиятлари ёки руҳий кечинмалари кабиларни тасаввурида тиклаганда ўзига объектив баҳо беради. Аммо баъзан инсон манфаатлари устунлик қилган ҳолатларда баҳо субъектив тус олиши ҳам мумкин. Бундай вақтларда инсон ўзига ортиқча баҳо бериб юборади. Объектив баҳонинг субъективлашувига баъзан нутқий вазият, шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам таъсир кўрсатади. Ифодаланаётган баҳода эмоционал, модал ва иллокутив белгилар кузатилса, баҳонинг субъективлиги кучаяди. “Шум бола” қиссида қўлланган ўхшатишларнинг бир қисми асосий қаҳрамоннинг руҳий ҳолати ва ўз-ўзига танқидий муносабатини яққолроқ, лекин асардаги юмористик кайфиятни пасайтирмасдан ифодалашга хизмат

қилади. Жумладан, бош қаҳрамон ўз оғзини, тиши ва жағини жодига, қўлини тама капгирига, беқарор саёқлигини симобга, иложсиз ҳолатда қолган ўзи ва Омоннинг ҳолатини дард теккан япроққа ўхшатади: *Дарбадарликдан, ўзимнинг симобдай беқарор саёқлигимдан жуда ўкинар эдим* (“Шум бола”). *Онам шўрликнинг бева-камбағал рўзгорига жодидай жағ билан боришим ўзимга ҳам ўнғайсиз...* (“Шум бола”). *Оғзим, жағим, тишим жодидек, истаган хашакни қирқиб чиқаришига ярайди* (“Шум бола”). *Ер совуқ, оёғимни обжувознинг пойкўпидай бирисини олиб, бирисини қўймоқдаман* (“Шум бола”). *Қўл қорин ҳукми билан баъзида энг наст кишиларга тама капгиридай чўзилади* (“Шум бола”)

Ғафур Ғулом насрий асарларида ўхшатишларнинг ўзига хос ўрни мавжуд. Ўхшатиш бадий тафаккур маҳсули сифатида муаллифнинг ички мақсадини образли ва таъсирчан ифодалаш курали саналади. Бу синтактик фигура баҳо муносабатини акс эттириш, белги-хусусиятларни кучайтириб кўрсатиши билан прагматика учун аҳамиятли.

Боб бўйича хулоса

1. Фонетик бирликлар шакллантирувчи вазифа бажарса-да, мулоқотда нутқий актлар мазмунини ойдинлаштириш, жумлага ижтимоий-прагматик мазмун юклаш хусусиятларига эга.

2. Прагматик маъно лексик бирликлар таркибида аслан имконият тарзида мавжуд бўлиши ёки нутқий мулоқот жараёнида юзага келиши мумкин.

3. Морфологик воситалардан юкламалар, кўмакчилар, ундовлар, дискурсив юкламалар прагматик қийматга эга бўлади ва мулоқот жараёнида миллий, ижтимоий-маданий, руҳий, ўзаро муносабат, ёш, жинс омиллари билан боғлиқ қўшимча маъно қирраларини акс эттиришда аҳамиятлидир.

4. Ундалмаларнинг прагматик қиймати баҳо, муносабат, таъсир кўрсатиш, муайян ҳаракатга ундаш маъноларининг акс этишида реаллашади.

5. Ғафур Ғулом насрий асарларида оригинал индивидуал ўхшатишлар намунасини яратган. Уларнинг айримларида юмористик кайфиятни кучайтириш вазифаси етакчилик қилса, айримларида муаллифнинг қахрамон тилидан тасвирланаётган воқеликка шахсий муносабати акс эттирилади. Ўхшатишларнинг муайян қисми эса тасвир аниқлигини ошириш мақсадида қўлланади.

III БОБ. ҒАФУР ҒУЛОМ НАСРИЙ АСАРЛАРИНИНГ КОММУНИКАТИВ-ПРАГМАТИК ТАҲЛИЛИ

3.1. Матн коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар

Табиат ва жамиятда ҳар бир ходиса, воқелик муайян сабаб асосида юзага келади. Бу сабабий боғланиш фалсафий жиҳатдан сабаб ва оқибат категорияларини ташкил этади. Тил ва нутқий фаолиятда ҳам ҳар бир лисоний далил муайян сабаб натижасидир. Бу сабаб зарурат, мақсад, ўзаро муносабат, зидланиш, миқдор ва сифат ўзгаришлари характерида бўлиши мумкин. Ҳар қандай мулоқот марказида, албатта, шахс туриши юқорида ҳам айтилди. Нутқий фаолиятда гапириш ва тушуниш, нутқ ҳосил қилиш ва уни идрок қилиш жараёнлари алмашилиб туради¹¹⁴. Мазкур жараёнлар давомида матн мазмуни шаклланади, ахборот етказиш ва англаш босқичларида матн мазмунининг яширин ҳамда ошқора жиҳатлари узатилади, идрок этилади.

Юқорида ҳам таъкидлаганимиздек, матн тилнинг барча имкониятлари: лексик-семантик, услубий, грамматик, коммуникатив-прагматик, дискурсив, антропоцентрик хусусиятлари реаллашадиган, ахборот узатиш ва таъсир этиш вазифалари уйғун тарзда амалга ошадиган тизим ҳисобланади. Э.Азнаурова ҳам ифоданинг семантик-услубий ва прагматик мазмуни – комплекс тушунча эканлиги, уни аниқлаш жараёни кўп босқичлилигини қайд этиб, бу жараён ўз ичига қуйидагиларни олишини кўрсатиб ўтади: вербал контекстда акс этган бирликларнинг мазмуни ва комбинаторикаси билан белгиланадиган контекстуал маънони очиб бериш; бу босқичда ифода “ёпиқ” тизим сифатида кўрилади. Ифода яхлит матннинг бир қисми сифатида кўриладиган матнли импликациялар мазмунини англаш. Бунда реципиентнинг лингвистик малакаси фаол ишга тушади. Прагматик ахборотнинг ўзини аниқлаш, яъни аниқ бир КПВ (коммуникатив-прагматик вазият) ва унинг параметрлари этник социум аъзоларининг қабул қилинган

¹¹⁴ Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 3.

меъёрий позициялари нуктаи назаридан жамиятнинг институционал ва ролли структураси ва уларнинг структуравий таркиби ҳақидаги тасаввурларнинг аниқланиши. Ва ниҳоят, нутқий мулоқотнинг аниқ бир иштирокчисига коммуникатив актнинг аниқ амалга оширилиш жойи, вақтида “кўринадиган” прагматик маъноларни ажратиб олиш, бошқача айтганда коммуникация иштирокчилари томонидан дунё, жамият ва инсоннинг талқин этилишини прагматик мазмунини очиб бериш.¹¹⁵ Демак, матнда узатиладиган ахборотнинг мазмуний-прагматик тузилишини таҳлил этиш тадқиқотчидан семантик ва прагматик категорияларни чуқур билишни талаб этади.

Матн мазмунининг шаклланиши, структурасининг таркиб топишида уни ташкил этувчи ҳар бир лисоний бирликнинг семантикаси ва прагматикаси муҳим ўрин тутди. Матн мазмунини шакллантирувчи категориялар ҳақида фикр юритилганда *пропозиция*, *референция*, *пресуппозиция*, *импликатура*, *тагмаъно* каби терминлар кузатилади. Пропозиция ва референция нутқий бирликнинг борлиқ билан тўғридан-тўғри алоқадор, денотатив қисмини ташкил этса, пресуппозиция, импликатура, тагмаъно кабилар бевосита ифодаланмаган, аммо умумий билиш фондига асосланган ҳолда англаниши лозим бўлган ахборотни қамраб олади. Тилшуносликда бундай ифодаланиш умумий тарзда *импликация*, *импликатура*, *яширин маъно* терминлари билан юритилади.

Пропозиция тушунчаси ҳозирги тилшуносликда кенг қўлланиб, муайян синтактик қурилма воситасида ифодаланган объектив воқеликни ифодалайди.¹¹⁶ Ўзаро муносабатда бўлган предмет, ҳодиса, хусусият, ҳаракат ва ҳоказо бирлигидан ташкил топган объектив борлиқнинг алоҳида элементлари тилнинг асосий бирликлари – сўзнинг, алоҳида элементлар ансамбли эса гапнинг денотати ҳисобланади.¹¹⁷ Пропозиция термини ўз

¹¹⁵ Азнаурова Э. Прагматика художественного слова. – Ташкент: Фан, 1988. – Б. 80.

¹¹⁶ Усмонова Х. Ўзбек тилида гап бўлақларининг позицион структураси: филол. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 2010. – Б. 67.

¹¹⁷ Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 35.

моҳиятига кўра гап семантикасида ўз ифодасини топган объектив мазмунни билдиради. Профессор М.Ҳакимовнинг таъкидлашича, фикрлаш фаолияти натижасида номаълум воқеликнинг маълум воқеликка айланиши учун ифодада яширин семантик компонент иштирок этади. Ифода семантик тузилишидаги ҳамма учун маълум бўлган ахборот ошкора (эксплицит) мазмун деб қаралади. Буни мантикий атама билан пропозиция деб аталади.¹¹⁸ Маълумки, пропозиция нутқий актнинг денотатив томонини ташкил этади. Профессор Ш.Сафаровнинг фикрича, гап маъносининг асосини ташкил қилувчи пропозиция воқеликда ёки тасаввурда кечаётган ҳодиса-фактнинг семантик рамзидир. Матн мазмуний маркази ёки, бошқача айтганда, унинг семантик моҳияти – воқелик ва унинг нутқий-тафаккур идроки жараёнида туғиладиган тушунча ҳамда лисоний тузилма ўртасидаги сигнификатив рамзидир. Бундай лисоний ва рухий-мантикий боғлиқлик пропозиция кўринишини олади ҳамда ушбу турдаги пропозиция фақат кечаётган воқеа ҳақидаги хабаргина бўлиб қолмасдан, етказилаётган хабарнинг тасдиғи ҳамдир.¹¹⁹

Матн семантикаси ҳақида сўз борганда референция ҳодисаси ҳам қайд этилади. Референция ҳақида тилшуносликда турлича қарашлар мавжуд. Айрим тадқиқотчилар референция ва пропозиция терминларини маънодош тарзда қўллайдилар. Жумладан, Г.Фреге ҳар қандай гапда фикр (мазмун) сатҳидан референция сатҳига (маънога) қадам қўйилади, шу билан бирга, айрим маъноларнинг тасдиқ ёки инкор қилиш акти содир бўлади, дейди. Референт сатҳ учун пропозиция терминини ишлатади.¹²⁰ Референция замонавий тилшуносликда тил белгисининг тилдан ташқаридаги реал борлиқдаги объектлар ва вазиятлар билан муносабати жараёни сифатида аниқланади. Референция ҳодисаси ҳам денотатив семантика доирасида талқин қилинади ва анъанага биноан номловчи лисоний бирликларнинг

¹¹⁸ Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 74.

¹¹⁹ Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – Б. 16.

¹²⁰ Общее языкознание. Внутренняя структура языка. – Москва, 1972. – С. 273.

борлиқдаги объектга муносабати ва у билан боғлиқ тушунчалар сифатида тавсифланиб келинмоқда. Аслида, лисоний номни воқелик билан боғлашда сўзловчининг (ёки лисондан фойдаланувчи шахсининг) мақсади, лисоний фаолият нияти муҳим ўрин эгаллайди.¹²¹ Референт эса референция жараёнида тил белгиси йўналтирилган объект, воқеликдаги ҳодисани ифодалайди. Референт термини тилшуносликда денотат тушунчасига маънодош сифатида ҳам қўлланади. Баъзи тилшунослар бу икки тушунчанинг фарқли жиҳатлари борлигини қайд этадилар. Референт, яна бир таърифга кўра, инсон онгида атрофдаги воқелик объектлари ва ҳодисаларини акс эттирувчи нутқни йўналтирувчи ментал курилмадир.¹²²

Референция ҳодисаси матн мазмуни учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, воқелик баёнининг узлуксизлигини ва давомийлигини таъминлаб, унинг қисмлари ўртасидаги анафорик ва катафорик муносабатларни ҳамда ретроспектив ва проспектив боғлиқликларни намоён қилади. Матн мавзусига оид ахборот баёни жараёнида олдинроқ маълум қилинган ёки хабар қилиниши кутилаётган ахборот, маълумотларга мурожаат қилишга мажбур бўлинади. Бундай турдаги ахборотлар воситасида предмет ва ҳодисаларни ўхшатиш, маълумотларни аниқлаштириш, одинги ёки кутилаётган маълумотларга мурожаат, айтилган фикрни ривожлантириш, асослаш каби мақсадлар амалга оширилади. Матн референцияси ахборотни умумлаштириш ва қайта тўплаш, ретроспектив таҳлил этиш имконини яратиб, янги маълумотларни олдиндан таҳлил қилиш, англаш шароитини ҳосил қилади.¹²³ Масалан: *Ҳикоя чуқурлашган сари бир қоронғиликдан нурга, шубҳадан яқинга бораётган кишилардай кўзимнинг қорачиқлари кенгаймоқда, баданим аллақандай қўрқинчли учрашувдан дарак бергандай жимирлашмоқда эди...*

¹²¹ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б. 118.

¹²² Коровина Н. В. Соотношение понятий «знак», «референт», «денотат» и «концепт» как основных элементов референции // Вестник Нижегородского университета. 2010. №4. – С. 332-336.

¹²³ Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол. фанлари д-ри... дисс. автореферати. – Тошкент, 2010. – Б.18.

Меҳрихонга қарадим. Бу ўша алдамчи, бевафо кўзлар, бу ўша бир кулгуси билан мачит тарновидан мусичаларни чўчитиб учирган ёқут лаблар...

Меҳрихон йиғидан бўртиниб кетган кўзини ипак дастрўмолчаси билан артиб олди. Уйнинг ичига сувга ивитилган қалампирмунчоқ ҳиди кетди. Мен ўзимни бундан етти йил илгари боғ мачитида, деб ҳис қилар эдим (“Ёдгор”).

Референция тушунчаси айрим тадқиқотларда пропозитив мазмун асосида аниқланадиган қўшимча ахборотлар сифатида талкин қилинади.

Профессор С. Боймирзаева матн референциясининг икки кўринишини қайд этади:

1) матн элементлари тизимли муносабатга киришиб, тизимли структурани ташкил қилади ва бу тизим асосида матннинг ички референцияси ҳосил бўлади; 2) матнда тасвирланаётган воқелик объектив борлиқдаги предмет-ҳодисалар билан таққосланади ва шу йўсинда тасаввурдаги “матн дунёси”га баҳо бериш йўли билан ташқи референция ҳосил бўлади.¹²⁴ Ички референция информатив мазмун етакчилик қиладиган матнларда кузатилса, ташқи референция бадийий ва публицистик матнларда етакчилик қилади. Ташқи референция интертекстуаллик, аллюзия каби ҳодисалар орқали реаллашади.

Ҳар қандай гап, шунингдек, йирик синтактик бирликлар семантикаси ҳақида сўз борганда, унинг мазмунида пропозитив, модал ва коммуникатив аспектлар иштирок этиши маълум. Модал ва коммуникатив жиҳатлар синтактик бирлиكنинг прагматик томонини ташкил этади. Тилшунослар томонидан эътироф этилишича, айрим гаплар, нутқий тузилмаларда пропозиция, яъни денотатив қисм аниқ мавжуд бўлмаса, гап семантикаси объектив борлиқдаги муайян предмет билан боғланмаса-да, унда модал ва коммуникатив жиҳатлар шаклланган бўлиши мумкин. Чунки ҳар қандай

¹²⁴ Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол. фанлари д-ри... дисс. автореферати. – Тошкент, 2010. – Б 19.

нуткий тузилма сўзловчининг ички ниятини реаллаштириш учун юзага келади. Масалан:

Мен ҳам худди шу гапни такрор қилдим:

– *Сен ўзинг кимсан?*

– *Тавба!*

– *Астағфирулло! (“Шум бола”)*

Матннинг коммуникатив-прагматик таҳлили ҳақида сўз борганда матн имплицатураси масаласи тилшунослар диққатини тортади. Бу тушунча дастлаб П. Грайс томонидан тилшуносликка олиб кирилган. Файласуф П. Грайснинг прагматика назариясига кўра, нуткий акт орқали узатилган ахборот икки қисмга ажралади: нима дейилди? (“what is said”), нимани назарда тутилди? (“what is meant”), айнан бу оппозицияда имплицатура жойлашади.¹²⁵ Маълумки, мулоқот жараёни мураккаб бўлиб, ҳар қандай нуткий тузилманинг моҳияти айнан уни ифодаलाётган грамматик асосларга, семантикага, пропозицияга мувофиқ келмаслиги, бу эса сўзловчи ёки муаллифнинг мўлжали ва коммуникатив стратегияси асосида шаклланиши мумкин. Айнан шу ҳолатда матн имплицатураси юзага келади. Имплицатуранинг икки тури кузатилади: грамматик имплицатура (импликация), семантик имплицатура (импликация). Грамматик импликация нуткий жараёнда кенг кузатиладиган ҳодиса бўлиб, тилнинг тежамкорлик тамойили натижасидир.

Прагмалингвистика учун семантик импликациялашув аҳамиятли бўлиб, референциал тағмаёно, пресуппозиция, аллюзия кабилар импликациялашув кўринишлари сифатида кўрсатилади.

Аллюзия (лат.allusio ҳазил) услубий фигура сифатида тарихий шахслар, воқеа-ҳодисаларга ишора қилиш, машҳур шахсларнинг нутқларидан парча келтириш санъати бўлиб, тилшунослик нуқтаи назаридан интертекстуалликнинг бир кўринишини ифодалайди. Тарихий шахслар,

¹²⁵ Грайс П. Логика и речевое общение / Новое в зарубежной лингвистике. Москва: Прогресс, 1985. – Вып.16. Лингвистическая прагматика. – С. 217-237.

диний-мифологик қарашлар билан боғлиқ қаҳрамонлар, асар персонажларига ишора қилиш, уларнинг нутқидан вазиятга мос парча келтириш, шу орқали яширин маъно ифодалаш аллюзиянинг моҳиятини ташкил қилади. Масалан: *Мулла Мамажон ўз даврида ялқовлик билан “Алиф лайла ва лайлата” даги Абу Танбални бир чўқишда қочирадиган киши бўлган экан* (“Тирилган мурда”). Муаллиф мақсади, албатта, асар қаҳрамонининг нақадар ялқовлигини бўрттириб, таъсирли ифодалаш. Ўқувчидан бу жараёнда эсга олинган асар қаҳрамони ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлиш талаб қилинади. Ғафур Ғулом асар бошида мурожаат қилинган асардан парча келтириб, қиёслашнинг моҳиятини ўқувчига яна ҳам аниқроқ етказишга ҳаракат қилади: *“Хўш десангиз, Богдод деган шаҳарда Абу Танбал деган бир ялқов йигит ўз онаси қошида яшар экан. Онаси топиб келган овқатни ҳам чайнаб овзига солса, ютгани эринар экан. Доимо ёнбошлаб ётар экану ўрнидан туришга ҳафсаласи келмас экан...”* (“Тирилган мурда”) Аслида “Минг бир кеча” асари қаҳрамонлари бутун дунёга машҳур бўлиб, Европа адабиётида ҳам бир қатор асарларда аллюзияни юзага келтиришда асос вазифасини бажарган. Ч.Диккенс, Э.Гаскелл, Ш.Бронте, У.Теккерей каби адиблар асарларида шу асар қаҳрамонларига ишора қилиш орқали жорий асар қаҳрамонларига хос хусусиятларни бўрттириш, ўқувчи билиш фонди ва ассоциатив тафаккурига таянган ҳолда импликация ифодалаш кузатилади. Шунинг учун ҳам аллюзия нафақат услубий фигура, балки матн прагматик мазмунини, имплицит маънони шакллантирувчи ҳодиса ҳам ҳисобланади. Ўқувчи ёки тингловчи матндаги ассоциатив боғланишдан хабардор бўлмаса, унинг мазмун-моҳиятини етарлича англай олмайди. Масалан: *Бирданига мен билан Омонга кўзи тушиб қолди. Худди имом Ҳасан билан имом Ҳусанни тирик кўргандек қувониб кетди* (“Шум бола”). Ислом динида машҳур имом Ҳасан, имом Ҳусан ва улар билан боғлиқ воқеалардан беҳабар китобхон бу аллюзив номларнинг қўлланишини тўлиқ тушуна олмайди.

Ғафур Ғулом аллюзияни қўллашда ҳам ўзининг индивидуал услубидан келиб чиққан ҳолда юмористик руҳни ифодаловчи контекстдан фойдаланади. Масалан: *Қиз хахолаб кулиб юборди:*

– *Вой кўнглимнинг кўчаси қурсин. Жуда ярашибди. Ҳазрати Юсуфдан ҳам чиройли бўлиб кетдинг... Шу тасқара башарангни Ҳаста Уккошанинг булогига бориб томоша қиларсан* (“Шум бола”дан саҳифалар”).

Тилнинг прагматик вазифасини кўрсатувчи ҳодисалардан яна бири пресуппозициядир. Бу ҳодиса гапнинг тўғри англаниши учун энг зарур компонентдир. Чунки пресуппозиция гапнинг вазият, контекст ҳамда сўзловчи ва тингловчиларнинг олдиндан маълум бўлган умумий билимлари каби элементларни ўз ичига олувчи ҳодисадир. Шунинг учун ҳар қандай гап пресуппозиция ҳодисаси асосида таҳлил этилмаса, тўғри баҳоланмайди.¹²⁶

Пресуппозиция ҳодисасига нисбатан тағбилим термини ҳам қўлланади. Чунки пресуппозиция фон билимга таянади. Пресуппозиция кўпинча лисоний шакл билан боғлиқ бўлиб, муайян шакл пресуппозиция сигнали вазифасини бажаради. Ўзбек тилшунослигида А. Нурмонов, Н. Маҳмудов, У.Раҳимовларнинг илмий тадқиқотларида мазкур ҳодисанинг моҳияти ва турлари таҳлил қилинган. Маълумки, пресуппозиция ҳодисаси нутқий тежамлилиқни таъминловчи ҳодисалардандир. Профессор Н.Маҳмудовнинг таъкидлашича, ҳар қандай текст пресуппозицияга кўра формал жиҳатдан ихчамлашиб, қисқариб боради. Тил тараққиётининг етакчи тенденцияси бўлган тил воситаларининг экономияси тенденцияси пресуппозицияларини формал тасвирланиши лозим бўлса, унда текст ҳажман катталашади. Нутқ темаси билан тингловчи (ўқувчи) таниш бўлмаган ҳолатларда зарурий равишда шундай қилинади ҳам, яъни айни нутқ билан боғлиқ пресуппозициялар бирин-кетин эксплицит тасвирланади.¹²⁷

Профессор А. Нурмоновнинг фикрича, фақат маълум ташқи сигналлар (грамматик кўрсаткичлар) орқали англашилган пресуппозиция лингвистик

¹²⁶ Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: филол. фанлари номзоди ... дисс. Самарқанд, 1994. – Б. 3.

¹²⁷ Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1986. – №6. – Б. 31.

пресуппозиция ҳисобланиши керак. Масалан, *Аҳмад ҳам келди* гапида икки пропозиция: биринчиси Аҳмаднинг келганлиги, иккинчиси яна бошқасининг (Карим, Ҳалим, Салим ва бошқалар) келганлиги мавжуд бўлиб, иккинчиси лингвистик пресуппозициядир. Чунки бу пропозицияга ишора қилувчи махсус сигнал – ҳам юкламаси иштирок этапти.¹²⁸

Тадқиқотчи У.Раҳимов пресуппозицияга ишора қилувчи воситаларни морфологик, синтактик, просодик ва экстралингвистик воситаларга ажратади. Морфологик воситалар қаторига мустақил ва ёрдамчи сўз туркумлари, мустақил сўз туркумларидаги категориялар, синтактик воситалар сирасига сўроқ гаплар, ўхшатишли қурилмалар иштирок этган гаплар, сўз тартиби кабиларни, экстралингвистик воситаларга ҳаётда мавжуд бўлган турли вазиятлар, паралингвистик воситалар, социал воситаларни киритади.¹²⁹

Пресуппозиция таҳлилига оид тадқиқотлардан маълумки, ёрдамчи сўзлар пресуппозиция ифодалашда энг сермахсул воситалардан ҳисобланади. Чунки ёрдамчи сўзлар нутқнинг мазмун ва формал жиҳатдан шаклланишида жуда муҳим вазифалар бажаради. А.Пардаев юклама қатнашган жумланинг семантик структураси юклама қатнашмаган жумлага нисбатан мураккаблиги билан ажралиб туришини, юкламаларнинг жумла мазмуний тузилишини мураккаблаштиришдаги таъсири пресуппозиция орқали намоён бўлишини таъкидлайди.¹³⁰

Кўмакчилар ҳам пресуппозиция ифодалашда етакчи воситалардан бўлиб, ўзбек тилида *бошқа, бўлак, ўзга, ташқари, кўра, қараганда, кейин, сўнг, бурун, олдин, илгари, билан, биноан, асосан, каби, сингари, янглиг, буён, бери, нари, қарамай, қарамасдан, сайин, сари, сабабли, туфайли, орқали, чоғли, оша, бўйича, бўйи, чамаси, ҳақида, тўғрисида, ҳолда, йўсинда, томон, қадар, қариши, қараб, яраша, лойиқ, мувофиқ, қарата, бошлаб, тартиб каби*

¹²⁸ Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Танланган асарлар. 3-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 239.

¹²⁹ Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: филол. фанлари номзоди ... дисс. – Самарқанд, 1994. – Б. 21.

¹³⁰ Пардаев А. Юкорида кўрсатилган асар. – Б. 145.

кўмакчи ва кўмакчи вазифасидаги сўзлар пресуппозиция англатиш учун восита бўла олади.¹³¹

Сўз туркумлари орасида энг мураккаб категория саналувчи феълларнинг пресуппозиция ифодалаши масаласи ҳам тилшунослар эътиборини жалб этган. Жумладан, *ювмоқ, топмоқ, қидирмоқ, қутулмоқ, озод бўлмоқ, сақлаб қолмоқ, омон қолмоқ, қайтармоқ, шошмоқ, эшитмоқ, қуримоқ* каби феълларнинг факультатив маъно компонентлари асосида пресуппозицияга йўл очилади. Чунки феълларнинг нутқий вазият талаби билан пресуппозицияни ифодалаши уларнинг семантик имконияти билан боғлиқ тарзда юзага келади. Масалан: *Бу гапдан уч кун ўтгандан кейин кеч пайти бир ердан қайтиб келар эдим* (“Шум бола”). Мазкур гапда қайтиб келар эдим феъли бориш ҳаракати бажарилгани ҳақида информация беради. *Кеч билан ўзим бош бўлиб таначани сўйиб, ёғ-гўштини хумга урдик* (“Шум бола”). Бу гапда эса урмоқ феълнинг коннотатив маъноси ифодаланган бўлиб, *ҳеч кимга билдирмай, яширинча* мазмунидаги пресуппозицияга йўл очади.

Кўп ҳолларда сўзловчи ўзи учун муҳим бўлган ахборот кўринишларидан бирини ошкора баён қилишни истамаганлиги учун ёки нутқнинг таъсир кучини янада ошириш учун уни матн ичига тагмаъно сифатида жойлаштиради. О.С.Ахманова тагмаънога “ички, кўзда тутилган, сўз билан ифодаланмаган фикр, матн” деб таъриф беради.¹³² Ўзбек тилшунослигида тагмаънонинг юзага келиши, нутқдаги аҳамияти ва турлари ҳақида турлича қарашлар, хусусан, тагмаъно ва пресуппозиция терминларини аралаш ҳолда қўллаш мавжуд. Прагматик лингвистика бўйича қатор илмий изланишлар муаллифи М.Ҳакимов ҳар икки ҳодиса ўзаро умумий жиҳатларга эга, лекин фарқли тушунчалар эканлигини таъкидлайди: “Жумладан, тагмаънонинг муҳим хусусиятлари шундаки, баён қилинган жами пропозицион ахборотнинг умумий якуни сўзловчи назарда тутган

¹³¹ Раҳимов У. Юқоридаги диссертация. – Б. 26.

¹³² Ахманова О. Словарь лингвистических терминов. – Москва, 1966. – С. 320.

тағмаёно ҳисобланади. Сўзловчи назарда тутган тағмаёно кўриниши ўзида баҳо мазмунини ифодалайди. Сўзловчи бу билан тингловчининг хатти-ҳаракатларига ва сўзларига ўз муносабатини ифодалайди”¹³³. Пресуппозиция тағмаёно билан бир неча умумий жиҳатларига қарамай, “исталган матн семантик тузилишининг мантикий таҳлили ёрдамида аниқланиши мумкин”¹³⁴.

Профессор Ш.Сафаров имплицатурани умуман яширин маъно эмас, мақсадли, нуткий яширин маъно сифатида тушуниб, бу ҳодиса пресуппозицияга яқин турса-да, ўзаро фарқ қилишини айтиб ўтади. Имплицатура доимий бўлмаган, матнда тез ўзгариб турадиган, ҳатто йўқолиши мумкин бўлган маъно, мазмун элементидир. Пресуппозиция эса, аксинча, матнда йўқолмайдиган, доимийлик хусусиятига эга бўлган мазмуний ҳодисадир. Бу икки ҳодисанинг яна бир фарқи шундаки, пресуппозиция кўпинча лисоний шакл билан боғлиқдир, имплицатура бутунлай маъно доирасига киради ва лисоний шаклнинг ўзгариши унга қарийб таъсир ўтказмайди, деб икки ҳодисанинг фарқли томонларига изоҳ беради¹³⁵.

Бадий матн мазмунини шакллантирадиган имплицит ифоданинг юзага келишида камида учта ахборот мазмуни иштирок этади: бу биринчидан, матндаги лисоний воситалар орқали ифодаланган ахборот – пропозиция, иккинчидан, китобхонга аввалдан маълум бўлган, матнни тушунишда ёрдам берадиган фон билимлар, учинчидан, ифода мазмунидан ва лисоний усуллардан келиб чиқадиган ва идрок этилиши зарур бўлган янги ахборот. Шундан келиб чиққан ҳолда матн тилшунослиги бўйича йирик мутахассис И.Р.Гальперин матндаги параллел, лекин икки сатҳда ифодаланган ахборотнинг эксплицит шаклини тема, яширин шаклини рема деб юритади¹³⁶.

¹³³ Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 112.

¹³⁴ Ҳакимов М. Юкоридаги асар. – Б. 116.

¹³⁵ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б. 132.

¹³⁶ Гальперин И. Р. Текст как объект лингвистического исследования. – Москва, КомКнига, 2006. – С. 44.

Матн прагматик мазмунини шакллантиришда модаллик категорияси муҳим ўринга эга. Чунки "...модаллик ҳаракатдаги тилга, яъни нутққа хос категория ва шу сабабли у коммуникатив жараёнинг асосидир"¹³⁷. Модаллик матннинг ўзига хос мазмуний хусусиятларидан бири бўлиб, унинг воқеланиши мулоқот жараёнининг муҳим талаби. Матн модаллиги айтилган матннинг ўзида мавжуд бўладиган ҳам онтологик, ҳам гносеологик характерли мазмуний ҳодиса ва унинг шаклланиши билиш фаолияти жараёнида предмет-ҳодисаларнинг онтологик хусусиятларининг эътиборга олинишини тақозо этади. Тилнинг коммуникатив ва гносеологик вазифаларининг ўзаро муносабати асосида матнда модаллик категорияси шаклланади...Субъектив модаллик мазмунининг асосида муаллиф интенцияси туради, зеро, матн яратаётган шахс ўзгалар тафаккурига, уларнинг ҳис-туйғуларига таъсир ўтказиш мақсадини кўзлайди¹³⁸.

Модаллик умумлисоний категория саналади ва турли воситалар: грамматик шакллар, лексик, фразеологик, синтактик, интонацион, услубий воситалар орқали ифодаланади.

Демак, матн мазмуний тузилишида пропозиция, референция ҳодисалари информатив қисмни, пресуппозиция, тағмаъно, аллюзия, модаллик кабилар прагматик қисмни ташкил этади.

3.2. Тағмаънонинг семантик ва прагматик хусусиятлари

Мулоқот кундалик ҳаётда шахслараро ўзаро нутқий таъсир этиш жараёни сифатида намоён бўлади. Нутқий таъсир этувчи лисоний ҳодисалардан бири эса тағмаънодир. Фикрни яширин ҳолда, коса тагида нимкоса шаклида етказиш ошкора ифодадан кўра "мўлжал"га аниқ етиб боради ва шунинг учун ҳам бу прагматикадаги асосий масалалардан бири саналади, турли кўринишларда намоён бўлади ҳамда тилшунослик, адабиётшунослик учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки тағмаъно — тағматн

¹³⁷ Гальперин И. Р. Юқоридаги асар. — Б. 113.

¹³⁸ Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол. фанлари д-ри... дисс. автореферати. —Тошкент, 2010. — Б. 17.

бадий асар интерпретацияси – тушуниш, идрок қилиш жараёни билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, ўзида семантик, когнитив, психологик, маданий, прагмалингвистик белгиларни намоён қилиши мумкин.

Тағмаъно масаласи лингвистик нуқтаи назардан И.В.Арнольд, И.Р.Гальперин, Г.В.Колшанский, К.А.Долинин каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Аслида Шарқда, хусусан, ўзбек халқида муайян фикрни нутқий вазиятдан, шахслааро муносабатдан келиб чиқиб қўллаш ёки нутқий жараёнда турли ишоравий тағмаънолар ва ҳазиллардан фойдаланиш кенг кузатиладиган ҳолатдир. Салбий муносабат ёки салбий фикрни, танқидни силлиқлаштириш, ижобий фикрни, муносабатни ҳам сийқалаштирмай охорли ҳолатда билдириш халқимизнинг миллий менталитетига хос хусусият саналади. Бадий асарларда матн имплицатураси, яъни яширин маъно, яна ҳам аниқроғи, тағмаъно турли қирраларини намоён қилади.

Тағмаъно соф лингвистик ҳодиса бўлиб, тағматн термини билан ҳам юритилади. Чунки эксплицит ифодаланган мазмундан ташқари иккинчи яширин фикр матн орқали тингловчига етказилади.


Тағмаъно ўзининг турлича кўринишлари билан характерланади. Ғафур Ғулом насрий асарларида қўлланган тағмаънога эга ифодаларни қуйидаги турларга ажратдик:

1. Киноявий тағмаъно.
2. Ишоравий тағмаъно.

Нутқ объектига хос гина, киноя, пичинг, кесатиқ мазмуни бошланишининг ўзи матнда тағмаъно мавжудлигига ишора деб қаралишидан дарак беради.¹³⁹ Демак, тағмаънонинг асосий қисми киноя (ирония) орқали ифодаланади. Тағмаънодан кўзланган асосий мақсад фикрни мўлжалга етказиш, тингловчининг руҳиятига таъсир кўрсатиш, фикрнинг ўткирлигини оширишдан иборат бўлади. Тадқиқотчи Э. Ибрагимова ўз номзодлик диссертациясида кинояни ирония термини остида услубий аспектда таҳлил

¹³⁹ Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 104.

қилади. Диссертацияда таъкидланишича, ирония орқали бадий асарда захархандалик ва ҳатто аламли ҳис-туйғулар маълум қобикқа ўралган ҳолда ифода этилади. У сўзловчи ва тингловчининг умумий билимлари асосида белгиланади.¹⁴⁰ Киноявий тағмаёнода муносабат ва баҳолаш масаласи биринчи ўринга чиқади. Киноявий тағмаёнонинг юзага келиш жараёнини қуйидаги чизмада акс эттириш мумкин:



Тағмаёно нутқий вазият, сўзловчи ва тингловчи мавқеи, муносабатларига боғлиқ тарзда юзага келади ва тағмаёнонинг юзага келишида ҳам умумий билиш фондининг аҳамияти бор. Чунки яширин ифодаланган фикрни эшитган ҳар қандай инсон уни тушунишда ўзининг фон билимларига асосланади. Масалан: *Бир нафас терсайишиб ўтирдик:*

–... Мен ҳам бугун “зиёфат” еявериб жуда ҳам сассиқ кекирдак бўлиб кетдим. Ростини айтсам, хўжайинга “мирзалик” қилишдан ҳам бўларим бўлди (“Шум бола”). Келтирилган мисолда “зиёфат ейиш” ва “мирзалик қилиш” Омон ва Шум боланинг ўзаро бир-бирини чув туширганларига

¹⁴⁰ Ибрагимова Э. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодаланишининг усул ҳамда воситалари: филол. фанлари номз. ... дисс.– Фарғона, 2001. – Б. 26.

ишора қилган ҳолда “сенинг менга қилган “ҳазил” инг ҳам меникидан кам бўлмади, хўжайиннинг зиқналиги ва тинимсиз тўнка ковлашдан таъзимимни едим” мазмунидаги киноявий тағмаъно ҳам ифодаланмоқда. Ифодаланган тағмаъно, албатта, матндаги лисоний воситалар орқали билдирилган пропозиция, китобхонга аввалдан маълум бўлган матнни тушунишга ёрдам берадиган фон (умумий, аввалдан мавжуд бўлган) билим, китобхонга берилган янги ахборотдан ташкил топади. Тағмаънонинг юзага келиши нутқий вазият, нутқ иштирокчилари муносабати, сўзловчининг фикрлаш даражаси ва сўзлаш услуби, психологияси каби омилларга ҳам боғлиқ.

Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссаси прагматик тили таъсир кучини оширишда, юмористик кайфиятни таъминлаш ва шу юмор замирида адибнинг тасвирланаётган замонага истехзоли киноя билан зимдан баҳо беришида тағмаънонинг аҳамияти жуда катта. Ирония фақат истехзоли кулги юзага келтирувчи восита бўлиб қолмасдан, катта ижтимоий мазмун касб этиши мумкин. Унинг бадиий услубдаги хизмати шундан иборатки, фикр вульгар, қўпол ҳолда эмас, балки бирмунча силлиқ, пардали, маданий либос кийдирилган ҳолда баён қилинади.¹⁴¹ Қиссада бозор, ундаги савдо-сотик тасвирига қайта-қайта дуч келамиз (...айни шу нуқталар тасвирида кўпроқ адибнинг таҳлилий нигоҳи сезилади).¹⁴² Айниқса, Шум бола томонидан астойдил таърифланган “Бит бозор” таърифида киноявий тағмаъно кузатилади: *Бу ерда жонингизга ором берадиган ҳамма нарса топилади: саллоти шим дейсизми, пойма-пой сағри ковуш дейсизми, бирор етти йилгина кийилган, асли матойи нима эканлиги маълум бўлмаган гуппи дейсизми, Маллахон замонидан қолган мурсак дейсизми,...гулчин билан тагчарм қўйилса, ҳали кийса бўладиган нимдошгина сахтиён маҳси дейсизми, пайтавабон молларнинг ва лунгибон матоларнинг сон-саногии йўқ.* Бу ўринда тасвирнинг киноявийлигини таъминлашда *пойма-пой, бирор етти йилгина кийилган, асли матойи нималиги маълум бўлмаган, ҳали кийса бўладиган,*

¹⁴¹ Ибрагимова Э. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодаланишининг усул ҳамда воситалари: филол. фанлари номз. ... дисс. – Фарғона, 2001. – Б. 26

¹⁴² Қуროнов Д. Мутолаа ва идрок машқлари. –Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 44.

пайтавабон, лунгибон каби сифатловчи вазифасида келган сўз ва бирикмалардаги истехзоли прагматик мазмуннинг мавжудлиги асосий аҳамиятга эга.

Киноя (ирония) комикликнинг алоҳида бир тури бўлиб, унда сиртдан ижобий муносабат, моҳиятан эса салбий муносабат ифодаланади ёки аксинча. Чунки нутқ орқали ифодаланган пропозиция ҳар доим ҳам сўзловчи мақсади билан пропорционал бўлмайди. Бадиий асарда ижодкор сўз ва ибораларни семантик моҳиятига қарама-қарши маънода қўллайди ва тағмаънони ифодалайди. Масалан: *Бу молларни ёйиб ўтирган чайқовчиларнинг афт-башарасини айтмайсизми! Бетларига бу ҳафта ичи сув тегмаган, соқоллари устарадан озод, башараларидан “нур” ёғилиб туради* (“Шум бола”).

Киноявий тағмаънонинг юзага келишида дискурс ва нутқий вазиятнинг аҳамияти катта. Қуйидаги дискурсда ҳам тағмаъно кескин нутқий вазиятда реаллашади:

Энг охирида зардаси қайнаб кетди:

– Сендай оғайнидан менга ҳаром ўлган сигирнинг елини яхши эди, нима қилса ҳам совунгар пул тўлаб олар эди-ку. Хайр, совуқ дийдорингни қиёматда ҳам кўрмай...

Орқасидан қичқирдим;

– Мулла Омонбой, шаҳардаги қўшчи-қўлончи, сайис, мирохўр, бой-у боёнлар, ошина-оғайниларингизга хат-патингиз йўқми. Орифхўжа эшон, Мақсудхон дума, Ғуломжон қозиларга номингиздан салом айтиб қўяйми (“Шум бола”).

Келтирилган дискурсда пропозиция ва пресуппозицияга сўзловчи мақсади тескари пропорционал. Пропозиция ва пресуппозиция тасвирланаётган даврда обрўли ҳисобланган бою боёнлар ҳақида ахборот берса, тағмаъно сўзловчининг асосий мақсади – пичинг, киноя, ачитиш, тингловчининг ўринсиз калондимоғлиги устидан кулиш кабиларни биринчи планга чиқаради. *Мулла* сўзи эса семантик жиҳатдан ўқимишли, мадраса

таълимини кўрган, дин арбоби каби компонентларни бирлаштира, киноявий таъмаъноси – саводсиз. Омоннинг очик дарғазаблик билан айтилган сўзларидан кўра Шум боланинг юморга асосланган киноясида таъсирчанлик кучли ифодаланган.

Киноявий таъмаънонинг юзага келишида сўзловчининг сўзамоллиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга. “Шум бола” қиссасида Омон нутқида таъмаъно деярли кузатилмайди. Унинг нутқида ошкора ифода етакчилик қилади. Шум бола нутқида эса киноявий таъмаъно кўп кузатилади. Омоннинг феъли торлиги, кўлига озгина пул тушса, ўзгариб қолиши Шумболанинг ғашига тегади. *Сен йўлиқмаганингда ҳов анов пулга тўқли олган бўлардим ҳалигача тўқли қой, қойим бия, биям туя бўларди, деб нолишларига киноя билан жавоб беради ва бу билан унинг “асосий нуқталари”ни мўлжалга олади:*

– Бунинг маслаҳати ҳали ҳам осон, - дедим. – Дорбозга шогирд тушсанг, духобадан шим қилиб беради. Ҳаммомга ўт қаловчи – гўлаҳликни ўргансанг, эртаю кеч ўт олдидан жилмайсан. Гуппи билан чақмоқи телпакнинг ҳам кераги бўлмасди. Қўй, бия, туя, бу гаплар энди ортиқча зийнат, бекорчи таишиш. Ем-хашакни қаердан топасан. Унинг устига ҳовлинг кичик. Бу ҳайвонлар учун катта сарой қуришинг керак. Ҳали ҳам бу машинишларни хаёлингдан чиқарда, ҳар шанба билан чоршанба молбозорга бор. Химматингни баланд тут. Бозорни ўз оғилхонанг деб ўйла. Бутун шу ҳайвонлар ўзимники деб дилингдан ўтказ. Буларга ҳам қаноат қилмай, кўнглинг истаб қолгудай бўлса, Юпатовнинг от ўйинхонаси қочиб кетгани йўқ. Билет олиб кўришига албатта сенда нақд ақча бўлмайди. Ўзингни эҳтиёт қилиб таиқаридан тахта тирқишидан ўша атрофдаги бирор бир дарахтга чиқиб кўришинг мумкин. Аммо ҳали айтгандай қоровулнинг илонқамчисидан эҳтиёт бўл. Қани юр, узун гапга фурсат йўқ. шаҳарга тушиб сени кутиб ётган бунча дов-дастгоҳ, иззат давлатларни томоша қил, дедим (“Шум бола”).

Шаклан маслаҳат мазмунига эга бўлган контекст қатида аччиқ истехзо мавжуд. Бунинг тағмаъноси битта: “кўп ҳам нолийверма, кўрпангга қараб оёқ узат” мазмуни билан намоён бўлади.

Э.Ибрагимова ўзбек тилида ироник мазмун ифодалаш усуллари салбий муносабатнинг қай даражада юзага чиқишига қараб кесатик, пичинг, қочирим, захархандалик, киноя, кулиш, масхаралаш, учуруқ, истехзо, эрмак, калака, шама, лукма, майна, таъриз, тажохули орифона, илмоқ турларини қайд этади.¹⁴³ Гафур Ғулом насрий асарларида қахрамонлар нутқида кесатик, пичинг, шама қилиш орқали тағмаъно ифодалаш турлари кузатилади. Масалан:

Шама. Бирор нарсага ишора қилиш мазмунидаги сўз, жумла. Сўз *навбати менга келиб қолди:*

– *Ошни ўзим қойил қиламан-да, лекин шунда ҳам биров ўт ёқиб бериб турса.*

– *Оҳ, болам, – деди кампир, – тўрт йилдан бери масаллуқли тайёр ошни пишира олмайсан-ку?..*

Бу гандан Саодат уялиб ерга қаради. Мен ичимда: “Оббо, кампир тушкур, эски зукколикдан биттасини ишлатдинг-а”, деб қўйдим. (“Ёдгор”).

Кесатик. Бадиий матнда прагматик мазмуннинг шаклланишида метафора орқали шаклланган тағмаънонинг ўз ўрни бор. Контекстда муайян сўз ўрнига вазият билан боғлиқ тарзда пичинг, кесатикқа ўралган салбий муносабат ва баҳони бўрттириб ифодаловчи метафорик бирликни қўллаш кенг кузатилади. Масалан:

Қараса йўлакда, бўйнида бўйинча, ўгилча йиғлаб ўтиради.

–Баҳай, ўгил?

Остонақул бутун бўлган воқеани сўзлади. Шошқол домланинг кўзи қинидан чиқиб кета ёзди. Тутди – сўкди, тутди – сўкди. Бўйинчани қўлига олиб:

¹⁴³ Ибрагимова Э. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодаланишининг усул ҳамда воситалари: филол. фанлари номз. ... дисс.– Фарғона, 2001. – Б. 47.

– *Келтирган бўйинчанг ҳеч бўлмаса отники ҳам эмас, эшак бўйинча, кичиклигини қара, хўтик, – деб газаб қилди* (“Фарзанди солих”). Хўтик метафораси кесатик мазмунини англатиб, кескин норозиликни ифодаламакда. Аслида ҳайвон номларини метафорик қўллаб, салбий муносабат ва киноя ифодалаш нутқда кенг кузатилади. Юқоридаги прагматик контекстда ўғилчанинг бўйинчани бўйнига солиб ўтириши тасвири, Шашқол домланинг “бўйинчанг ҳеч бўлмаса отники ҳам эмас, эшак бўйинча” жумласини қўллаши хўтик сўзига қўшимча таъсир юклайди.

Пичинг. Бировнинг ғашини келтириш мақсадида айтиладиган илмоқли гап: *Бу суратни олган киши бир нусха олган экан-да, бизга ҳам юборсангиз, ўзингиздан ҳам яхшироқ қилиб сақлар эдик. Арзимабмиз-да.* (“Ёдгор”).

Истеҳзо. Бадиий асарда қаҳрамонлар нутқида уларнинг сажияси ва савиясидан келиб чиқиб, муаллиф турли воситаларни қўллайди. Қаҳрамонлар ўртасидаги муносабатлар, зиддиятлар, уларнинг дунёқараши, мақсадини очиб бериш учун диалогларда прагматик омилларни эътиборга олган ҳолда ўткир таъсирга эга тил бирликларидан, ифоданинг ошкора ва яширин шаклларида, шу жумладан, киноя ва тағмаънодан фойдаланилади. Профессор М. Ҳакимовнинг таъкидлашича, ифода семантик тузилиши мураккаб бўлиб, у ўзининг таркибига сўзловчи шахси ва нутқий вазият билан алоқадор бир неча мазмун кўринишларини қамраб олади. Коммуникация жараёнида сўзловчи ва тингловчи хусусий муносабатларининг ошкора ва яширин мазмундан иборат шакллари мавжуд бўлиб, улар ифодаланиш даражаларига кўра бири иккинчисидан кескин фарқланади. Ахборотнинг ошкора баёни ифоданинг ҳар қандай кўринишида мавжуддир, у кўпинча нутқ предмети хусусидаги оддий пропозицияни ташкил қилади ва бу ошкора мазмун деб юритилади. Ахборотнинг яширин баёни эса ана шу ошкора баён таркибига жойлаштирилади. Бу яширин мазмун деб қаралади.¹⁴⁴ Жумладаги ҳар қандай тағмаъно ва киноя унинг прагматик хусусиятига асосланади. Киноянинг қандай мазмун ва мақсадда ифодаланиши нутқ субъектининг

¹⁴⁴ Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талкини. ДД. – Тошкент, 2001. – Б.188

қайси ижтимоий гуруҳга ва қандай маданият соҳиби бўлишига ҳам боғлиқ. Киноя субъекти нутқий мулоқот вазиятида асосан юқорироқ мавқеда туради, нутқий фаолият давомида унинг интеллектуал ва эмоционал устунлиги намоён бўлади. Бу эса, ўз навбатида киноя субъектининг мулоқот ва этик қоидаларга риоя қилаётган ҳолда тил тизимининг ифода воситаларидан фойдалана олиш қобилиятида ўз ифодасини топади. Бу омиллар, сўзсиз, киноянинг “сифат”ига таъсир ўтказади. Субъект – киноя объектига нисбатан муносабатини оддийгина изҳор қилиб қолмасдан, балки ушбу муносабатни тингловчига ёки матн билан танишаётган ўқувчиларга ҳам сингдиришга интилади. Кўзланган мақсадга нисбатан лисоний воситалар танланади.¹⁴⁵

Масалан: *Пушаймон оҳанги билан:*

– Эсиз, эсиз йигитлик. Зап одамидан холис хизмат сўраган эканман-ку; бўлди-ей, эсизгина сирларим. Келинг, ҳали ҳам бўлса паранжсини тўнга айирбош қиламиз, – деди.

Бу гандан кейин мен анча нўк бўлиб қолдим. Олдин берган ваъдамдан айнишни йигитлик номига ор деб билдим. Мени у ҳақиқатан енгган эди (“Ёдгор”). Мазкур контекст қисса бош қаҳрамони Жўра ва Меҳрихоннинг асар воқеалари ривожига муҳим ўрин тутувчи диалогидан олинган бўлиб, *“Паранжсини тўнга айирбош қиламиз”* кинояси бу ўринда асосий таъсир қилувчи жумла ҳисобланади ҳамда Меҳрихон нутқи натижавийлигини таъминлайди. Аслида, юзаки олиб қараганда, семантик жиҳатдан бу жумлада ҳеч қандай мураккаблик йўқ. Лекин чуқурроқ ёндашсак, ифоданинг таъсирлилиги прагматик омиллар билан боғлиқлиги, жумланинг мазмуни прагматик қийматга эга эканлигини кўрамиз. Чунки паранжи аёлларга хос бош кийим, тўн эркаклар уст кийими. Маълумки, Шарқда йигитларнинг мартабаси, эркакларнинг мардлиги, тантилиги, бир сўзлилиги улуғланади. Йигит киши учун ҳамиятга қаттиқ тегадиган нарса бу уларга аёлларга хос хусусиятларни, нарса-предметларни “ёпиштириш” саналади. Бу прагматик

¹⁴⁵ Боймирзаева С. Матнда киноя мазмунининг ифодаланиши //Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. № 4. – Б. 111.

омилдан сўзловчи (қаҳрамон нутқида ёзувчи) мўлжалга аниқ тегадиган тарзда фойдаланади. Ёки:

Яна бир шоир мушоира мажлисида узун бир шеърни ўқигандан сўнг, Навоий олдида мақтана бошлабди:

– Бир пуллик (бир тийинлик) шам ёниб бўлгунча, юз байт шеър ёза оламан. Бугун ўқиган шу икки юз байтлик қасидамни икки пуллик шам ёниб ўчгунча ёзганман.

–Кўриниб турибди, – дебди Навоий, кўриниб турибди. Шўнинг учун ҳам ҳар юз байтингизнинг қиммати бир пул экан... (“Юз байти бир пуллик шеър”)

Тағмаъно фақат салбий маънони эмас, ижобий маънони яширин ифодалаш, муайян воқеликка ишора қилиш мақсадида ҳам қўлланади. Жумладан, ишоравий тағмаъно орқали ўтган ёки бўлиши кутилаётган воқеликни яширин тарзда эслатиш кузатилади. Бу ҳодиса тилшуносликда ретроспекция ва проспекция терминлари билан юритилади. Дейктик бирликлар, мақол ва маталлар, фраземалар, такрор бу турдаги тағмаънода лингвистик сигнал вазифасини бажаради. Масалан: *Саодат ўрнидан ярим қўзғалиб:*

– Овора бўлманг, хола, чойни мен қуя қолай, – деди.

Кампир меҳрибонлик билан:

– Кўявер, холанг айлансин, ўзим қуйиб бераман. Сен ҳозир меҳмонсан, болам! Омон бўлсанг, ҳали қуярсан, – деди (“Ёдгор”).

Кампирнинг бу соддагина гапидан ора-сира ивир-шивир бир сир ўтгандай бўлди. Саодат ер остидан қия қилиб менга қараб қўйди. Мен ҳам худди шундай қилиб қарадим. Ҳар икковимизнинг кўз қарашимиз ярим секунд ичи дастурхондаги новвот устида тўқнашиб олди. Билинар-билинемас илжайишиб қўйдик. Саодат ерга қаради (“Ёдгор”).

Такрор орқали ҳам ишоравий тағмаъно ифодаланиши мумкин. Бунда биринчи бирикма тағмаъносиз, иккинчи бирикма тағмаъно билан қўлланади:

Узилиб қолган гапни қайтадан бошлаш учун сўз қидирар эдим:

– Таътил вақтида нима қилиб портфель кўтариб юрибсан. Абдуганини юборсам, “мактабда” дейишибди. Сизларда ўқиш тамом бўлгани йўқми ҳали?

– Ўқиш-ку тамом бўлган. Мени қўярда-қўймай хотин-қизлар клубига ташилотчи қилиб қўйишди. Умримда шунақа ишларни қилганим йўқ эди. Бу, хотин-қизларнинг бошини бир ерга қовуштириш ҳам жуда қийин иш экан. Эртадан кечгача шулар билан куйманаман.

– Ўҳ-ҳў, жуда активистка бўлиб кетибсан-ку! Мен бўлсам, икки бошни бир ерга қовуштиролмай ҳайронман (“Ёдгор”).

Тагмаъно ҳам вербал ёки новербал воситалар орқали ифодаланиши мумкин: Саодат яна киноя билан менга қараб қўйди.

– Ҳар бир гапни бошқа ёққа бураверар экансиз-да. Ленинградликлар муомалага уста бўлади, деб эшитар эдик. Сизни ҳам анча ўргатиб қўйишибди.

Жавоб ўрнига мен чўнтагимдан Саодатнинг ўзи тикиб юборган шоҳи рўмолчани олиб, кўзимни артмоқчи бўлдим, бу билан гўё. “Ҳали ҳам ёнимда сақлаб юрибман”, деган ишоратни билдирмоқчи эдим. Саодат рўмолчани таниса ҳам, ўзини билмасликка солди (“Ёдгор”).

3.3. Нутқий акт ва унинг коммуникатив-прагматик хусусиятлари

Сўзлашувчилар ўзаро мулоқот чоғида бир-бирларини лисоний воситалар ёрдамида англайдилар, нутқий актлар мулоқотнинг асосини ташкил этади. Инсоний муносабатлар доираси ниҳоятда кенг. Ижтимоий-сиёсий, дипломатик, иқтисодий, маънавий-маърифий, педагогик-психологик, маиший муносабатларнинг барчасида мулоқот асосий ўрин эгаллайди. Мулоқот мураккаб жараён сифатида одамларнинг ўзаро алоқадорликдаги ҳаракатини талаб қилади; кишиларнинг бир-бирига эмоционал таъсир кўрсатишини ўз ичига олади; маълумотлар алмашинувини таъминлайди; шахсий муносабатлар шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлади; бу жараёнда инсоннинг ички “мен”и шаклланади ва намоён бўлади. Мазкур

хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда мулоқотнинг перцептив (ўзаро идрок этиш ва тушуниш), коммуникатив (ахборот алмашинув), интерфаол (ўзаро таъсир) вазифалари эътироф этилади.

Нуткий мулоқот – коммуникантларнинг бир-бирига таъсири ва унинг самараси – прагмалингвистиканинг тадқиқ манбаи, бу жараёнга тизим сифатида ёндашиш эса бу йўналишнинг асосий тадқиқ усулидир.¹⁴⁶ Ижтимоий муносабатлар жараёнида нуткий мулоқот самаралилиги учун шакл ва мазмун уйғунлигининг ўзи етарли эмас. Нуткий мулоқот бирликларини нуткий вазиятга мос тарзда шакллантириш нутқ иштирокчиларидан прагматик компетенцияни талаб қилади. Прагматик компетенция ҳар бир инсон учун зарурий компетенция бўлиб, ҳар қандай фаолиятнинг самарадорлигида муҳим аҳамиятга эга. Чунки сўзловчи прагматик компетенцияга етарли даражада эга бўлса, билимларини зарурий ва энг тўғри шаклда тингловчига етказа олади. Сўзловчида прагматик компетенция етарли даражада тарбияланган бўлса, ҳар қандай нуткий вазиятда фикрини тингловчига, у ким бўлишидан қатъий назар, мақсадга мувофиқ тарзда узата олади. Демак, прагматик компетенция нуткий жараёнда вазиятга мос стратегияни қўллаш, мақсадни аниқ бера олиш, ўзаро тушунишга ҳаракат қилиш, вазиятни назорат қила олиш, мулоқот иштирокчисига таъсир кўрсатишдан иборат. Зеро, профессор Ш. Сафаров таъкидлаганидек, сўзлаш фикрини бошқаларга етказиш эмас, уларда ўз фикрини уйғотишдир.¹⁴⁷

Ҳар бир тилда муайян фикрни турли кўринишларда ифодалаш имконияти мавжуд. Бу имконият тилнинг барча сатҳ бирликларида кузатилади. Синонимия, тағмаёно, интонациянинг турли бўёқлари, лексик бирликларнинг нейтрал ва бўёқдор қатламлари, морфологик бирликларнинг маъно нозикликларини ифодалашдаги ўриндошлиги ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу усул ва воситалардан энг ўринли ва муносибини танлай

¹⁴⁶ Тоирова Г. Ўзбек нуткий мулоқотида системавийлик ва информативлик. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2017. – Б. 12.

¹⁴⁷ Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – Москва: Высшая школа, 1990. – С. 15.

олиш натижасидагина самарали мулоқотга эришилади. Чунки прагматиканинг моҳиятида нимани қандай айтиш муҳим ҳисобланади.

Мулоқот жараёнида нутқий ҳаракатлар комплекс тарзда ижро этилади. Ҳар бир нутқий ҳаракат бир неча босқичлар орқали тайёр маҳсулотга айланади, яъни нутқий ҳаракат нафақат акустик ёки график жиҳатдан ифодаланиш жараёни, балки когнитив-ментал, референциал, синтагматик, артикуляцион ёки график-пунктуацион жараёнлар кетма-кетлиги ва уларнинг уйғунлиги натижаси ўлароқ юзага келиши илмий адабиётларда кўрсатиб ўтилади. Жумладан, прагмалингвист А.Маслова нутқ ҳаракатини амалга оширишда гапни тайёрлаш – вазиятни ҳисобга олиш ва ўтган тажриба асосида айтиладиган гапнинг мотивлари, эҳтиёжи, мақсадлари, эҳтимолий оқибатларини ҳисобга олиш асосида умумийлик ёки аниқлик даражаси турлича бўлиши мумкин бўлган гапнинг ички режасини тузиш; гапни қуриш – сўзларни танлаш, уларнинг “баҳоланиш” механизмини ишга тушириш, керакли кетма-кетликда қўйиб чиқиш, грамматик ишлов бериш; ташқи нутққа ўтиш – гапнинг товушли ёки ёзма ишловини амалга ошириш босқичларини қайд этади. Агар гапни қуриш ва ташқи нутққа ўтиш жараёнини қандайдир сабабларга кўра бузилган бўлса, атрофдагиларга бундай нутқ тўлиқ бўлмаган, алоқасиз, тушунишга қийин туюлади. Нутқ ҳаракатининг натижаси ҳақида унинг қабул қилиниши ва унга бўлган реакциясига қараб фикр юритилади, деб қайд этади¹⁴⁸.

Маълумки, ёзувчи бадий асар орқали китобхон билан мулоқотга киришади. Китобхон битлан мулоқот муайян ғоя, муайян мақсад асосида амалга оширилади. Аслида ҳар қандай мулоқот маълум мақсадга кўра юзага келади.

Нутқий мулоқотнинг энг кичик бирлиги нутқий акт ҳисобланади ва прагмалингвистиканинг марказий тушунчаларидан бири сифатида эътироф этилади. *Акт* терминининг луғавий маъноси *жараён, ҳаракат*. Нутқий мулоқот иштирокчиларининг ўзаро муносабати, ижтимоий мақоми, нутқий

¹⁴⁸ Маслова А. Введение в прагмалингвистику. – Москва: Флинта. – С. 77.

мулоқот вазияти, ўзаро тушуниш жараёни, иштирокчиларнинг мулоқот стратегияси ва тактикаси, характер хусусиятлари, гендер ўзига хослиги, ички интенцияси нутқий акт мазмунини шакллантиришда аҳамиятли саналади.

Нутқий акт тушунчасини М.Ҳакимов “Нутқий актлар матн ёки нутқ мазмунидан ҳосил бўлувчи умуммаънолардир”¹⁴⁹, деб таърифласа, Ш.Сафаров “нутқий акт сўзловчининг маълум муҳитда, аниқ мақсадда тингловчига лисоний мурожаати” эканлигини таъкидлайди¹⁵⁰. А.Маслова фикрича, нутқий акт бу муайян мақсад билан юзага келган, фаол таъсир вазифасига эга ифодадир. Нутқий акт бу бир вақтда юз берувчи уч босқичдан: локутив, иллокутив ва перлокутив даражадан, актдан таркиб топувчи мураккаб тузилма¹⁵¹ саналади. Умумлаштириб айтганда, нутқий акт термини жумла, матн орқали ифода этиладиган, тингловчига етказилмоқчи бўлган умумий мақсад, умумий мазмунни англатади.

Тилшуносликда иллокутив акт масаласи муҳим аҳамиятга эга. Чунки иллокутив акт сўзловчининг ифода мақсади, мулоқот ниятини ифодалайди. Нутқий акт термини тор маънода иллокуция термини билан маънодош тарзда қўлланади. Тилшуносликда нутқий актлар таснифи иллокутив мазмунга кўра амалга оширилади. Бу борада Ж.Остин, Ж.Серль ва З.Вендлерларнинг таснифлари қатор адабиётларда таҳлил қилинган. Нутқий акт тузилишида пропозиция билан мўлжалланган ва ифодаланган мазмун, яъни иллокуция ўзаро мутаносиб ёки номутаносиб келиши, бу жараёнда муаллиф ёки сўзловчи ифоданинг ошкора ва яширин шаклларида, турли лисоний ва нутқий усул ва воситалардан, коммуникатив стратегия ва тактикадан фойланиши мумкин. Шунинг учун нутқий акт семантик ва прагматик тузилиши таҳлилида пропозиция, тагмаъно, шаклий ва мазмуний асимметрия кабиларга аҳамият қаратиш лозим бўлади.

Ҳар қандай гап семантикасида пропозитив мазмундан ташқари, сўзлашувчининг коммуникатив нияти ва мумкин бўлган модалликдан бири

¹⁴⁹ Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини. ДД. – Тошкент, 2001. – Б.107.

¹⁵⁰ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б. 77

¹⁵¹ Маслова А. Введение в прагмалингвистику. – Москва: Флинта. – С. 51.

иштирок этиши керак. Бошқача айтганда, пропозициядан реал гап мазмунига ўтиш учун пропозитив рамкадан ташқари, яна икки рамкани – модаллик ва коммуникатив рамкани қўшиш зарур бўлади. Кейинги ҳар икки рамка ҳар қандай гап мазмуний тузилишининг зарурий узви ҳисобланади.¹⁵² Гапдаги кейинги икки узв прагматингвистикага оид. Коммуникатив ва модал узвлар асосида иллокуция шаклланади. Анъанавий гапнинг ифода мақсадига кўра турларини иллокутив акт учун пойдевор сифатида қарашимиз мумкин. Фақат анъанавий таснифда грамматик белгилар асос қилиб олинса, прагматингвистикада семантик ва прагматик омиллар нутқий акт таснифига асос ҳисобланади. Даставвал нутқий актларни бевосита ва билвосита нутқий актларга ажратилади. Бевосита нутқий актда семантика, грамматика ва прагматика ўзаро мутаносиб келади. Билвосита нутқий актда эса бу мутаносиблик йўқолади. Мулоқот мураккаб жараён бўлгани учун иллокутив мақсаднинг ўнлаб кўринишлари кузатилиши мумкин. Оғзаки ва ёзма нутқда воқеланадиган ўзаро фикр алмашув ҳар доим муайян мақсад асосида уюштирилади. Мазкур жараёнда ахборот узатиб, бирор объект ҳақидаги хабар, сўроқ ифодаланади, бирор нарса таклиф қилинади, Ҳакимов бу нутқий акни коммуникатив ният атамаси билан номлаш мумкин, деб ҳисоблайди.¹⁵³

Инсоний муносабатлар, мулоқот жараёнида сўзловчининг коммуникатив нияти ниҳоятда хилма-хил бўлиб, хабар бериш, эълон қилиш, огоҳлантириш, илтимос қилиш, танбех бериш, маслаҳат бериш каби қатор нутқий маънолардан бирига эга бўлиши мумкин. Нутқий актлар таснифидан келиб чиққан ҳолда Ғафур Ғулом насрий асарларидаги дискурсларда қўлланган нутқий актларнинг қуйидаги мазмуний гуруҳларини кузатдик:

Хабар нутқий акти. Бу нутқий акт бевосита пропозиция билан алоқадор бўлиб, бадиий матннинг экспозиция, портрет каби қисмларида асосан шу нутқий актдан фойдаланилади. Мазкур нутқий акт М. Ҳакимов томонидан репрезентатив акт термини билан ҳам юритилади ва

¹⁵² Нурмонов А. в.б. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. –Тошкент, 1990. – Б. 31.

¹⁵³ Ҳакимов. Ўзбек прагматингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б.126.

репрезентатив актлар ўз ички хусусиятларига, шунингдек, пропозициянинг сўзловчи томонидан ифодаланиш даражасига кўра қуйидаги тартибда ички тасниф қилинади:

1. Репрезентатив актнинг нейтрал ва қатъий талаффуз кўриниши.
2. Репрезентатив актнинг рост ва ёлғон кўриниши.
3. Репрезентатив актнинг баҳо кўриниши.¹⁵⁴

Хабар нутқий актида бирламчи иллокутив ният муайян воқеа-ходиса хусусида ахборот бериш, лекин нутқий вазият талаби ва коммуникантлар муносабатига асосан сўзловчининг турлича нияти биринчи даражага кўтарилиши мумкин. Масалан, қуйидаги нутқий актларда ҳам иллокуция ахборот етказиш бўлса ҳам, шу асосда сўзловчининг бошқа мазмундаги ички ниятлари реаллашади ва турли мазмундаги нутқий актлар шаклланади:

1. Ахборот бериш нутқий акти: *“Қушим боши” шунақа ўйин: болалар икки тўдага ажралиб, улар ичидан иккитаси онабоши бўлади. Улар битта латтани қушга ўхшатиб тугади. Ҳар икки бола бир-бирига шивирлашиб, бир қушнинг отини яширишади (“Шум бола”).*

2. Қарор қилиш н.а.: *–Хўш, қаёққа қочамиз, тақсир? –Худойи таолонинг даргоҳи кенг, тўрт томонимиз қибла. Юқорига, Қингироқ тепага қочамиз (“Шум бола”).*

3. Таскин бериш н.а.: *–Энди қаёққа борамиз? –деди Омон. – Қўрқма, бултур тоғам билан шу яқин орада бир бўзагар кампирнинг уйида ётиб қолганмиз. Яхшиқиз деган кампир. Ўшанинг ўтовиди тунаб қоламиз (“Шум бола”).*

4. Розилик билдириш н.а.: *– Йўқ, айбим бу эмас, айбим шуки, ёшлигимдан одат бўлиб қолган, ҳар замон ҳар замонда беихтиёр ёлгон гапириб қўяман, шунда койимасангиз бас. Хизмат ҳақи, майли, сиз айтганча бўлсин.*

– Оббо баччагар-эй, қув кўринасан-а, ҳа, майли-майли... (“Шум бола”)

¹⁵⁴ Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини. ДД. – Б.136.

– Агар буюрсангиз, қил билан фил боғлашга, тирноқ билан тоғ қўпоришга тайёрман (“Ёдгор”).

5. Истак н.а.: Мен ҳали ёшман. Ўз тенгқурларим сингари ўйнагим, кулгим келади (“Ёдгор”).

6. Ишончсизлик н.а.: – Шу лапашанглигингиз бўлса, ҳали ЗАГС да ҳам шармандамни чиқарадиган кўринасиз... (“Ёдгор”)

7. Тасвирлаш н.а.: Расталар обод. Қаймоқ бозорининг бурилишида, Маҳкаманинг бошида Илҳом самоварчининг каттакон чойхонаси бўлиб, унда граммафон чалинади... Чойхонада жой етишмайди. Узун раста, жуҳуд раста, атторлик ва бошқа расталарнинг бойваччалари савдодан бўш вақтларида бу чойхонага йигилиб, меҳмонхоналардек ўртада катта баркашлардан қанд-қурс, писта-бодом, мураббо, нишолда, оби нон, ширмой нонлар билан шамалоқ безатилган дастурхон атрофида чақчақлашиб ўтиришарди (“Шум бола”). Сояси ўзидан икки мартабалар узун бўлган баланд миноранинг тепасида юзи ўтмишининг аллақандай дostonлари билан буришган, бели яшашнинг малоли билан букилган, кўзи шам каби заволга юз тутган чол сўфи қуёш ботувини кутади ва азон айтишга оғиз ростлайди (“Нетай”).

8. Миннатдорлик н.а.: Бу муқаддима гаплардан у данак топган тентакдек жуда қувониб кетди:

– Вой-бўй, тақсирлар, вой-бўй тақсирлар! Сизларни Худойнинг ўзи жетказди... Қани, кетдик! (“Шум бола”). Кўчада у менга ёндашиб, бир ўймалаб қўйди:

– Раҳмат. Мен ўйлагандан ҳам кўра юқори қув бола экансиз... (“Ёдгор”)

9. Норозилик н.а.: – Ҳа хизматинг бошингни есин! – деди домла. – Эшакни сўйиб қўйибсан-ку, падар лаънат! Мен бу эшакни Бухорои шарифдан уч тиллога олган эдим. Ўзи ҳам қандай эшак эди-я, бай-бай эшагим... (“Шум бола”) – Ўзинг ҳам, болам. Худо урган қўли очиқ,

меҳмондўстсан-да, мунча ака-ука, эгачи-сингилларингга меҳрибон бўлмасанг, бу кун ҳам укаларингнинг кири чала қоладиган бўлди-да, – деди (“Ёдгор”).

10. Афсусланиш н.а.: *Оталаримизнинг ўзига иш топилмаганда бизга иш қаёқда дейсиз?* (“Шум бола”) *“Мен бор” дегандек, қизғини шуъла кўрсатса ҳам ёруғ бермайди. Бу чирозларнинг тагида ўйнаб бўлармиди?* (“Шум бола”).

Ундаш нутқий актлари. Ундаш нутқий актларида бирор ҳаракатни бажаришга даъват қилиш, ундаш асосий иллокуцияни ташкил қилади. Анъанавий грамматикадаги сўроқ гаплар ҳам бирор ахборотни айтишга ундаш мақсадида амалга оширилгани учун ҳам ундаш нутқий актлари сирасига киритилади. *Ундаш актлари* коммуникатив ният, мақсаднинг ифодаланиш даражасига кўра қуйидаги тартибда ички тасниф қилинади.

1. Қатъий ундаш актлари.
2. Нейтрал ундаш актлари.
3. Юмшоқ ундаш актлари.

Қатъий буйруқ, қатъий таклиф, қатъий илтимос, қатъий сўроқ, қатъий маслаҳат. Ундаш акти сўзловчининг пропозиционал мазмун таркибидаги ундаш муносабатини ифода этувчи ички маънолардир.¹⁵⁵

Қатъий ундаш актлари мазмунан қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Танбеҳ н.а.: *У чол ниҳоятда аччигланиб кетди:*

–Қаддингни кўтарсанг-чи, аблаҳ, дангаса, белинг синганми?... (“Тирилган мурда”)

2. Қатъий буйруқ н.а.: *Ҳайрон бўлиб кўзларига тикилдим. Эшон дарғазаб бўлиб:*

–Нимага бақраясан, эшак топиб келиб, қўрғончадаги тутга бойлаб қўй! – деди (“Шум бола”).

3. Огоҳлантириш н.а.: *Мабодо ҳўкиз ёмонлаб қолгудай бўлса, дарров бўғзига пичоқ тортиб юборасан-да, мени чақирасан. Эҳтиёт бўл, тагин ухлаб қолиб, ҳаром ўлдириб қўйма* (“Шум бола”).

4. Тергаш н.а.: *Оиҳонамиз йўл устида бўлганидан, онам кўриб қолди:*

¹⁵⁵ Ҳакимов М. Ўша диссертация. – Б. 141.

– *Ҳой, жувонмарг, зумраша, тагин кўчагами?* (“Шум бола”)

Кўпинча норозилик ва қатъий буйруқ актлари кетма-кет қўлланади:

– *Агар ҳаммаси бўлмаса, бутун ёлгон қилсанг, мен хонавайрон бўлар эканман-да, тур-э, падарингга лаънат сенинг, қорнинг ошга тўймасин, жувонмарг бўл! Ҳайданг бу каззобни!* (“Шум бола”)

– *Эй, Худо, қуруқ туҳматингдан асра, қандай балога йўлиқдим, ўзинг сақла!* (“Шум бола”)

Нейтрал ундаш актлари:

1. Таскин бериш н.а.: *Яна бириси юпатгандай бўлади:*

– *Хафа бўлманг, эмизикли болани қонун онасига буюради...* (“Ёдгор”)

2. Жавоб қайтаришга ундаш н.а.: – *Сенинг қанча пулинг бор эди? – деб сўради миршаб шўрлик косиб йигитдан («Шум бола»).*

Юмшоқ ундаш актлари:

1. Истак н.а.: *Омоннинг толеига кунлаша бошладим:*

– *Жон ўртоқ, хўжайинингга айтиб, мени бир амаллаб, қўйчивонликка олдирсанг-чи...* (“Шум бола”)

2. Орзу қилиш н.а.: – *Шуни айта, оғайни, – дейман. – Қани энди одоқ бўлмас пулинг бўлса-ю, юраверсанг. Қовунчига борсанг, Туркистонга борсанг, Чинозга борсанг, Маскопга борсанг, ҳеч ким чурқ этмаса, кетаверсанг, кетаверсанг, маза...* (“Шум бола”)

3. **Маслаҳат нутқий акти.** Т.Ҳадсоннинг таъкидича, маслаҳатга эҳтиёж суҳбатдошлардан бири қийин ҳолатга тушганда туғилади ва маслаҳат берувчи шахс уни қўллаб-қувватлашга уринади.¹⁵⁶ Масалан: *Бу ерда ҳам тинчлик йўқ. Сатторқул акам қўярда-қўймай шудгорга олиб чиқди:*

– *Бас, энди, ётаверма. Сал меҳнатга ҳам қайиш. Тўлишибсан. Юр мен билан, – деди (“Тирилган мурда”). Ораларидан биттаси: – Оғайни, болани онасига беринг, жиндек эмизиб берсин, – дейди (“Ёдгор”).*

Билвосита нутқий акт. Нутқий мулоқот жараёнида шакл ва мазмун, ифодаланаётган фикр ва айтилмоқчи бўлган фикр ўзаро симметрик бўла

¹⁵⁶ Сафаров Ш. Ўша асар. – Б. 161.

олмайди. Бир нутқий акт турли нутқий вазиятда турли ички мақсадга қаратилган бўлиши мумкин. Бу эса билвосита нутқий актни юзага келтиради. Масалан, куйидаги нутқий акт савол тариқасида мавжуд бўлсада, норозиликни билдириш мақсадида қўлланган: *–Нима-нима? – дедим мен. – Дарров пул қутуртирдими? Ўзинг сўққа жонингни боқолмайсану тўқлини қандай қлиб боқасан? Ёки даданг Турсунбой аканинг кўзи учиб турибдими? (“Шум бола”)* Фикрнинг савол тариқасида ифодаланиши сўзловчи ички ниятини таъсирли акс эттиришга хизмат қилмоқда.

Нутқий актларнинг мазмунан шаклланишида нутқий вазиятларнинг ҳам аҳамияти бор. Нутқий вазиятлар эса турлича бўлиши мумкин: *саломлашув, хайрлашув, танишув, узр сўраш, ташаккур билдириш, танқид қилиш, шикоят билдириш, табриклов, истак-хоҳиш билдириш, илтимос каби.* Мазкур нутқий вазиятларга мос ҳолда сўзловчи *хабар, норозилик, танбех, ҳақорат, қўрқитиш, илтимос, мақтов, рағбатлантириш, маслаҳат, насихат, ишонтириш* каби турли нутқий актлардан фойдаланади. Мазкур нутқий актларда тилнинг номинатив функциясига кўшимча равишда эмоционал-экспрессив функцияси фаоллашади. Бу вазифа ундов, тақлид ва модал сўзлар, мурожаат бирликлари, юклама ва кўмакчилар, олқиш ёки норозилик семали бирикмалар, фразеологизмлар, мақол ва маталлар, турли фонопрагматик (урғу, интонация), морфопрагматик ва прагмасинтактик таъсир бирликларидан уйғун ва нутқий вазиятга мос тарзда фойдаланиш орқали амалга ошади. Куйидаги дискурсда ҳам шуни кузатамиз:

Ҳожибобо:

–Ҳа, етим тайлогим, қайси гўрларда бесару сомон йўқолиб кетдинг? Етимнинг отаси кўп, деганлар. Ҳа, шунақа. Битта-яримта ота топилиб қолдими? Ҳу, мулойим супурги бўлмай, гермоннинг ўқиға учиб кет!

–Завол вақтида қаргаманг, –деди гиёҳвандлардан биттаси.

–Ўзбошимча, ўзбошимча! («Шум бола»)

Мулоқот мураккаб жараён бўлиб, унда вербал ва новербал воситалар уйғун тарзда нутқий вазият талабидан келиб чиқиб қўлланади.

Перлокутив акт (ҳаракат) мулоқот жараёнидаги тингловчининг жавоб реакцияси босқичи бўлиб, мулоқотнинг самарали давом этиши, ўзаро муносабатларнинг барқарорлашуви ёки, аксинча, беқарорлашувига сабаб бўлиши мумкин. Ҳар қандай мулоқотнинг аниқ бир ҳолатида коммуникантларнинг ҳар бири ўз мақсади ва нутқ алмашишдаги реакция тактикасига эга бўлади. Адресант ўз нутқини фақатгина қандайдир сабаб билан эмас, балки муайян ички мақсад билан амалга оширади. Гапираётган шахснинг мақсади (интенция) билан бир қаторда адресантнинг ҳолати ҳам катта аҳамиятга эга – унинг мулоқот предмети ва умуман, вазият ҳақида нима деб ўйлаётгани, шунингдек, гапираётган шахс мақсади (интенция) хусусида қандай реакция қилишга тайёргарлик кўраётгани шулар жумласидандир. Бу жиҳатдан коммуникация акти икки ёки бир неча нутқ мулоқоти иштирокчилари мақсадлари (интенция) тўқнашуви ва ўзаро алоқага киришуви натижаси ҳисобланади.¹⁵⁷ Перлокутив акт бадиий матнда қаҳрамонларнинг ўзаро фикрий тўқнашуви, зиддиятли вазиятларда вербал ва новербал воситалар ифодасида акс этади.

Масалан:

Хабар н.а.: – *Ойи, – дедим, – ростини айтайми, бу боланинг онаси йўқ. Кутганингиз билан келмайди ҳам. Бу – менинг болам!*

Перлокутив акт: – *А?...– деди кампир. – Нима деяпсан, бемаъни? Қандай қилиб бу сенинг боланг бўлади?!*

– *Киши қаригандан кейин эзма бўлиб қолар экан-да. Менинг болам, дегандан кейин менинг болам. Суриштириб нима қиласиз, боқаверинг!*

Перлокутив акт: – *Ҳой, сен бола, нима деяпсан? Синни солим шу ерга келганда, кели-келиб сенга майна бўлиб қолдимми, болам? Ахир бу кимнинг боласи ўзи?*

Кампирга биров баланд келиш керак эди:

¹⁵⁷ Маслова А. Введение в прагмалингвистику. – Москва: Флинта, 2010.. – С. 57.

–Менинг болам, дедимми, тамом! Менинг болам, шуни боқасиз. Мени, ака-укаларимни қандай тарбия қилган бўлсангиз, буни ҳам шундай тарбия қилиб ўстирасиз, бошқа гап йўқ.

Перлокутив акт (новербал ифода): *Кампир аввал ишонмади. Кейин юзимдаги жиддийликни кўриб, гапларнинг мазмунига бир оз тушуниб олгандай бўлди. Ўзини тиёлмасдан ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлади.*

Перлокутив акт: –Ахир, –деди кампир, – мен энди қандай қиламан? *Етти номусимни ерга букдинг, жувормак! Мен сени ким кўрганга мақтаб, орқангдан кўрпача солдириб юрган бўлсам, аммангнинг қизига совчи юбориб, унаштириб қўйган бўлсам, сен жувормак ахир чоғ уйимга онасининг тайини йўқ болани кўтариб келсанг. Мен бу хўрликка қандай чидайман? Дўстим бор, душманим бор, маҳалла-кўй, гузарим бор, қариган чоғимда кенжагинамнинг хотини менга пушти-паноҳ, қўл-оёқ бўлармикан, деган эдим. Худоё сени отангни арвоҳига солдим (“Ёдгор”).* Прагматик контекстдаги биринчи сўзловчи – Жўра нутқида хабар нутқий актида кутилмаганлик мазмуни ва бу мазмуннинг тингловчи, шу ўринда иккинчи сўзловчи – кампир – она дунёқараш, миллий менталитетига тўғри келмагани ва руҳиятига кучли салбий таъсир кўрсатгани перлокутив актда дастлаб *танбеҳ, тергаиш, сўнгра норозилик* реакцияларининг вербал ва нонвербал воситалар орқали ифодаланишига сабаб бўлмоқда.

Коммуникатив муваффақиятсизлик. Ҳар бир сўзловчи мулоқот жараёнини муайян мақсад асосида амалга оширар экан, бу мақсад амалга ошмаслиги, зарурий таъсир кучига эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу прагматик контекстда *коммуникатив муваффақиятсизлик* термини билан юритилади. Коммуникатив муваффақиятсизлик бу айтилган фикрнинг коммуникация ҳамкори томонидан тўлиқ ёки қисман тушунилмаслиги, яъни гапираётган инсон коммуникатив мақсадига тўлиқ ёки қисман етиша олмаслиги, шунингдек, гапираётган инсон аввалдан кўра олмаган кераксиз ҳиссий эффект – хафагарчилик, жаҳл, ажабланишнинг пайдо бўлишини ифодалайди. Бу мулоқотдаги узилиш бўлиб, маълум бир нутқ қисми ўз

вазифасини бажара олмаслигида намоён бўлади. Коммуникатив муваффақиятсизлик – мулоқотнинг салбий якуни, бундай якун, одатда, мулоқот мақсади қўлга киритилмаганини англатади.¹⁵⁸ Коммуникатив муваффақиятсизлик нутқий жараёнда керакли стратегия ва тактикани қўллай олмаслик, асимметрик мулоқот натижасидир. Бунда коммуникантлардан бири мавқе жиҳатдан юқори бўлиши, мулоқотда фаол, ҳоким, иккинчиси тобе позицияда бўлиши кузатилади. Масалан:

– *Йўзе, йўзе, ўзларидан бўлаверсин. Биз ичмаймиз. Яъни Худо каломид айтганки...*

– *Калом-паломингни йиғиштирб қўй, қачондан буён ичмайдиган бўлиб қолдинг, – деб ўшқирди Султон...* (“Шум бола”). Бу ўринда пресуппозиция “аввал ҳам ичгансан”, тағмаъно “барибир ичасан”, “биздан ортиб қаёққа борардинг”, “ўзингни фаришта қилиб кўрсатма” ва ҳоказо бўлиши мумкин. Ҳоким позициядаги коммуникант нутқида пичинг, кесатиқ мазмуни кузатилади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, нутқий акт прагмалингвистиканинг марказий тушунчаларидан бири сифатида фикр ифодалаш, унинг идрок этилиши, натижавийлиги, жавоб реакцияси босқичларини қамраб олади. Мулоқот асосини ташкил этади.

Боб бўйича хулоса

1. Матн мазмунини шакллантиришда семантик ва прагматик категориялар уйғун тарзда иштирок этади. Матн мазмунига оид семантик категориялар қаторига пропозиция, референция кабилар киритилиб, денотатив қисмни ташкил этса, импликатура, аллюзия, пресуппозиция кабилар тағмаъно кабилар прагматик қисмни ифодалайди.

2. Импликатура грамматик ва семантик кўринишларга эга бўлиб, прагматика учун семантик импликациялашув аҳамиятлидир.

¹⁵⁸ Маслова А. Введение в прагмалингвистику. – Москва: Флинта, 2010. – С. 112.

3. Гафур Ғулом насрий асарларида тағмаънонинг турли киноявий ва ишоравий кўринишлари кенг қўлланади. истехзо, пичинг, кесатик каби мазмуний турлари ифоданинг таъсир кучини оширишга хизмат қилган.

4. Тағмаънонинг юзага келишида нутқий вазият, сўзловчи ва тингловчининг умумий билиш фонди, ўзаро муносабати кабилар муҳим омил саналади.

5. Нутқий акт прагматлингвистикадаги марказий тушунчалардан бўлиб, ифоданинг умумий мазмунини, контекстда акс этган сўзловчи ички мақсадини англатади.

6. Перлокутив акт мулоқот жараёнидаги тингловчининг жавоб реакцияси босқичи бўлиб, мулоқотнинг самарали давом этиши, ўзаро муносабатларнинг барқарорлашуви ёки аксинча беқарорлашувига сабаб бўлиши мумкин.

7. Коммуникатив муваффақиятсизлик нутқий жараёнда керакли стратегия ва тактикани қўллай олмаслик, асимметрик мулоқот натижасидир.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Прагмалингвистикада шахс категорияси марказий тушунча бўлиб, мулоқот хулки, мулоқот стратегияси ва тактикаси тушунчалари унинг атрофида бирлашади. Шахс билан алоқадор ёш, гендер, ижтимоий мақом, миллий ўзига хослик каби хусусиятлар мулоқотнинг симметрик ёки асимметриклиги, нутқий вазиятнинг таркиб топишида муҳим омиллардан саналади.

2. Бадиий матнда ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳорати ўз аксини топибгина қолмай, унинг имкониятлари ҳам аниқланади, лисоний яратувчанлиги намоён бўлади. Бадиий матнда муаллифнинг тасвирланаётган воқелик далиллари, ҳаётий ҳодисаларга муносабати, уларни маълум позицияда туриб баҳолаши прагматик таҳлилга йўл очади.

3. Бадиий матнда ахборотнинг узатилиши ва идрок этилиши, бу жараёндаги таъсир механизми прагмалингвистикада асосий эътибор марказида бўлади.

4. Ҳар бир тил сатҳи бирлиги воситасида сўзловчи мақсади ифодаланади. Ғафур Ғулом насрий асарларида фонетик, лексик, грамматик, умумматний воситалар уйғун тарзда яхлит мажмуани ташкил этади ва ўзаро мувофиқликда таъсир ҳамда самарадорликка хизмат қилади.

5. Фонетик бирликларнинг прагматик аҳамияти, жумладан, интонациянинг прагматик қиймати нутқий вазият билан мутаносиб равишда нутқий акт мазмунини шакллантиришда кўринади.

6. Ғафур Ғулом насрий асарларининг муваффақияти лексик бирликларнинг танланиши ва қўлланишининг муаллиф интенцияси билан узвий боғлиқ тарзда амалга оширилганида намоён бўлади. Бўёқдор лексемалар ифоданинг ёрқинлиги, ижобий ёки салбий муносабат ва баҳонинг аниқ, таъсирчан акс эттирганлиги билан ҳам характерланади.

7. Ғафур Ғулом насрий асарларида морфологик воситаларнинг прагматик қиймати уларнинг мулоқот матнида пресуппозиция сигнали

сифатида иштирок этишида кўринади. Шунингдек, жумлага қўшимча таъсир кучини беришида кузатилади. Юклама, кўмакчи, ундов сўзлар нутқий вазият ва сўзловчи ички мақсадига мувофиқ равишда турли семантик қирраларни ифодалашга хизмат қилади.

8. Синтактик сатҳ тилнинг энг юқори ва энг мураккаб сатҳи сифатида прагматик имкониятларининг кенглиги билан аҳамиятли саналади. Матн прагматикаси синтактик қуршовда ўзининг аниқ кўриниши ва мазмунига эга бўлади. Ҳар қандай гап ўзининг пропозитив, модал, коммуникатив ҳамда баъзан пресуппозитив аспектига эга бўлади. Семантикага қўшимча равишда ифодаланадиган модал, коммуникатив ҳамда пресуппозитив мазмун прагматика учун аҳамиятли бўлиб, уларнинг юзага чиқиши гап таркибидаги синтактик қурилмалар, бирликлар мазмуний тузилиши, позицияси билан узвий алоқадор бўлади.

9. Гафур Гулом насрий асарларида, айниқса, “Шум бола” қиссасида энг фаол қўлланган тасвирий воситалардан бири ўхшатиш бўлиб, тасвир аниқлиги, таъсирлилигини ошириш, муайян объектга нисбатан ижобий ёки салбий баҳони бўрттириб ифодалаш билан прагматик аҳамиятга эга бўлади.

10. Ундалмалар мурожаат шакли сифатида муҳим нутқий восита бўлиб, ўзида миллий, маданий, ижтимоий ахборотни жамлайди. Прагмалингвистик жиҳатдан эътиборни жалб этиш, бирор ҳаракатга ундаш, муносабат ва баҳони ифодалаш вазифаларини бажаради.

11. Бадиий матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантиришда импликациянинг ўрни муҳим. Тагмаъно импликациянинг бир кўриниши сифатида нутқий вазият, шахслараро муносабат, мулоқот иштирокчиларининг умумий билиш фонди асосида шаклланади.

12. Нутқий акт контекст, жумла орқали ифодаланадиган, сўзловчининг ички мақсадини ифода этадиган умумий мазмун саналади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017, 23 декабрь. №258.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-497-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сонли Фармони.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

5. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983. – 88 б.
6. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликни ифодалашнинг синтактик усули. – Тошкент: Фан, 1987. – 87 б.
7. Абдурахмонов Х., Махмудов Н. Сўз эстетикаси. – Тошкент: Фан, 1981. – 59 б.
8. Азнаурова Э. С. Прагматика художественного слова. – Ташкент: Фан, 1988. – 124 с.
9. Арутюнова Н. Предложение и его смысл. Логико-семантические проблемы. – Москва: Наука, 1976. – 382 с.
10. Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений. Оценка. Событие. Факт. – Москва: Наука, 1988. – 341 с.
11. Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари. – Тошкент: Академнашр, 2015. – 88 б.
12. Аҳмедова Н. Ўзбек тили мурожаат бирликлари. – Тошкент, 2009.

13. Богданов В. Речевое общение: прагматические и семантические аспекты. – Ленинград: Изд-во ЛГУ, 1990. – 89 с.
14. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002.
15. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Т.: Фан, 2007. – 273б.
16. Ван Дейк Т. Язык. Познание. Коммуникация. – БГК им. И.А. Бодуэн де Куртенэ, 2000. – 311 с.
17. Гальперин И. Текст как объект лингвистического исследования. – Москва: Наука, 1981. – 140 с.
18. Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию: Пер. с нем. / Под ред. Г.В. Рамишвили. Москва: Прогресс, 1984. – С. 66.
19. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль. – Тошкент: Фан, 1988. – 207 б.
20. Ёкубов И. Бадиий матн ва эстетик талқин. – Тошкент: Фан ва технология нашриёти, 2013.
21. Звегинцев В. История языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях. – Москва: Просвещение, 1960. Ч. I. – С. 193-194.
22. Ибрагимова Э. Ўзбек тили лексикасининг аксиологик тадқиқи. – Фарғона, 2018.
23. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент, Фан, 2007. – 123 б.
24. Йўлдошев М., Зокиров М., Ҳайдаров Ш. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. – Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, 2010. – 112 б.
25. Купина И.А. Лингвистический анализ художественного текста. – Москва, 1980. – 88 с.
26. Кўчибоев А. Матн прагматикаси. – Самарқанд, 2015. – 144 б.
27. Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 65 б.
28. Мамажонов А. Текст лингвистикаси. – Тошкент: 1989. – 66 б.

29. Мамажонов А., Абдупаттоев М. Матн назарияси. – Фарғона, 2016. – 112 б.
30. Маслова А. Введение в прагмалингвистику. – Москва: Флинта, 2010. – 152 с.
31. Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. – 176 б.
32. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 188 б.
33. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 232 б.
34. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 232 б.
35. Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 110 б.
36. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – 288 б.
37. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент: Фан, 1975. – 140 б.
38. Москальская О.И. Грамматика текста. – Москва, 1981. – 183 с.
39. Муҳиддинов М., Каримов С. Ғафур Ғуломнинг поэтик маҳорати. – Самарқанд, 2003. – 126 б.
40. Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976. – 88 б.
41. Мўминов С. Сўзлашув одоби. Фарғона: Фарғона, 1997. – 104 б.
42. Назаров Б. Ғафур Ғулом олами. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси нашриёти, 2004. – 178 б.
43. Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 32 б.
44. Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 30 б.
45. Нурмонов А. Лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари. – Тошкент: Академнашр, 2010. – 112 б.

46. Нурмонов А. Махмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – 234 б.
47. Нурмонов А. Танланган асарлар. – Тошкент: Академнашр, 2012. 3-жилд. – 369 б.
48. Общее языкознание. Внутренняя структура языка. – Москва, 1972. – С. 273.
49. Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматик таҳлили. – Тошкент: Фан, 2013. – 262 б.
50. Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – Москва: Высшая школа, 1990. – 344 с.
51. Почепцов Г. Прагматика текста. – Калинин, 1980. –
52. Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент, 1989.
53. Раҳимов У. Коса тагида нимкоса. – Андижон университети, 1995. – 48 б.
54. Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. – Тошкент: Университет, 2002. – 28 б.
55. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – 318 б.
56. Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2013. – 344 б.
57. Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2007. – 39 б.
58. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 91 б.
59. Сиддиқ Мўмин. Мулоқот мезони. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004.
60. Содикова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифат. – Тошкент: Фан, 1974. – 128 б.
61. Сусов И. Семантика и прагматика предложения. Калинин: КГУ, 1980. – 180 с.
62. Содикова М. Феъл стилистикаси. – Тошкент: Фан, 1975.
63. Тўрабекова С. Тил ва услуб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1963. – 23 б.

64. Фреге Г. Логика и логическая семантика. – Москва: Аспект Пресс, 2000. – 512 с.
65. Ҳайитметов К. Ўзбек тилида гапнинг актуал бўлиниши ва позиция масалалари. – Тошкент: Фан, 1984. – 115 б.
66. Худойберганова Д. Матнинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013. – 133 б.
67. Шанский Н.М. Лингвистический анализ художественного текста. – Ленинград, 1990. – 90 с.
68. Шермухаммедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент: Алоқачи, 2008. – 398 б.
69. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов. Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1983. – 248 б.
70. Эгамбердиева Ш. Ғафур Ғуломнинг шеърӣ асарлари тилини ўрганиш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 64 б.
71. Ўринбоев Б., Қўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
72. Ўзбек тили грамматикаси. 2 томлик. 2-том. – Тошкент: Фан, 1975. – 560 б.
73. Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – 304 б.
74. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалӣ стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.
75. Қиличев Э. Матнинг лингвистик таҳлили. – Бухоро: Бухоро университети, 2000. – 36 б.
76. Қодиров П. Тил ва эл.– Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт, 2005. – 248 б.
77. Қуронов Д. Мутолаа ва идрок машқлари. –Тошкент: Академнашр, 2013. – 170 б.
78. Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. –Тошкент: Фан, 1980. – 166 б.
79. Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан, 1977. –168 б.
80. Ғозиева М. Просодика. – Тошкент: Академнашр, 2018. – 176 б.

81. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – Б. 77.
82. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 176 б.
83. Ҳамидов З. Ғафур Ғулом прозаси лексикаси. – Тошкент, 2003. – 48 б.

Диссертация ва авторефератлар:

84. Абдурахмонов Ш. А. Ўзбек бадиий нутқида кулги қўзғатувчи лисоний воситалар. Филол. фанлари номзоди дисс. – Тошкент, 1997. – 147 б.
85. Бобожонов Ш. Семема, унинг нутқий воқеланиши ва изоҳли луғатдаги талқини: Филол. фанлари номзоди ... диссертация. – Қарши, 2003.
86. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш: филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 51 б.
87. Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол. фанлари д-ри... дисс. автореферати. – Тошкент, 2010. – 49 б.
88. Бурҳонов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 27 б.
89. Газиева М. Мулоқот жараёнида просодик воситаларнинг лингвопрагматик хусусиятлари: Филол. фанлари бўйича фалсафа д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 50 б.
90. Ибрагимова Э. И. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодаланишининг усул ҳамда воситалари. Филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 2001. – 120 б.
91. Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари. Филол. фанлари номзоди... дисс. – Самарқанд, 1993. – 140 б.
92. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фанлари док. ...дис.автореф. – Тошкент, 1993. – 48 б.

93. Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати (“Кеча ва кундуз” романи мисолида) : Фил.фанлари номзоди... диссертация. –Тошкент, 2000.
94. Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти: Филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 1998.
95. Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспект: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 29 б.
96. Мамаражабова З. Ўзбек тилида сифатларнинг коннотатив маънолари: Филол. фанлари номзоди ... диссертация. – Тошкент, 2004. – 140 б.
97. Мўминов С.Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий–лисоний хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 2000. – 235 б.
98. Набиева Д. Ўзбек тили сатҳларида диалектик категорияларнинг намоён бўлиши (умумийлик ва хусусийлик асосида): Филол. фанлари д-ри дисс. автореф. – Т.: 2007. – 46 б.
99. Раупова Л. Диалогик дискурсадаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. –Тошкент, 2012. – 48 б.
100. Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фанлари номзоди...дисс. – Андижон, 1994. – 120 б.
101. Тоирова Г. Ўзбек нутқий мулоқотида системавийлик ва информативлик. Филология фанлари бўйича фалсафа д-ри диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2017. – 167 б.
102. Тоҳиров З. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатнинг юзага чиқиши: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. –Тошкент, 1994. – 21 б.
103. Турдибоев Т. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар конверсияси: Филол. фан.номз.дис. – Тошкент, 1996. – 134 б.
104. Халмурзаева Н. Япон иш дискурсида ҳурмат коммуникатив категорияси (прагмалингвистик аспекти): филол. фанлари бўйича фалсафа д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 52 б.

105. Эрназарова М. Грамматик маъно лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – 70 б.

106. Қамбаров Ғ. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши (шахслараро муносабат асосида): Филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 2008. – 125 б.

107. Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 2018. – 238 б.

108. Қурбонова С. Бадиий матнда шахс хусусиятларини ифодалаш: филол. фанлари бўйича фалсафа доктори ... дисс. автореф. – Фарғона, 2018. – 48 б.

109. Ҳакимов М. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Фарғона, 1996. – 165 б.

110. Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2001. – 265 б.

111. Ҳайдаров А. Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф., Тошкент, 2009. – 29 б.

Илмий мақолалар:

112. Абдурахмонов Ғ. Теория текста. (Доклад на III Всесоюзной тюркологической конференции.) // Советская тюркология, 1981. – №1. – С. 93.

113. Боймирзаева С. Матнда киноя мазмунининг ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. – № 4. – Б. 110-113 б.

114. Ван Дейк Т. Вопросы прагматики текста // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск VIII. Лингвистика текста. – Москва: Прогресс, 1978. – С. 259-334.

115. Вежбицкая А. Речевые акты / Новое в зарубежной лингвистике. Лингвистическая прагматика. – Москва, 1985. Вып. XIV. – С. 251-275.

116. Гак В. Высказывание и ситуация / Проблемы структурной лингвистики. – Москва: Наука, 1973. – С. 349-372.

117. Грайс Г.П. Логика и речевое общение / Новое в зарубежной лингвистике. - Вып.16, Лингвистическая прагматика. – Москва: Прогресс, 1985.-С 217-237.

118. Лутфуллаева Д., Бобоханов Л. Ўзбек тилининг айрим морфопрагматик воситалари таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. 2010. – №3. – Б. 63-66.

119. Каримов Н. Ғафур Ғулом сабоқлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2013. – № 3. Б. 3-7.

120. Каримова Ю. Маънавий-ахлоқий мавзунинг юмористик талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. 2016.№ 5.– Б. 83-86.

121. Маҳмудов Н.Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. №6. – Б. 29-33.

122. Мели С. Комик катарсис // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. –№2. – Б. 19-26.

123. Нурмонов А. Ғафур Ғуломнинг ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланишидаги хизматлари (насрий асарлари асосида) // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. №5. – Б.32-35.

124. Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси / –дан ташқари конструкцияси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. №6. – Б.42-46.

125. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш. Грамматик категория муакммосига доир айрим мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1998. – №6. – Б. 21–26.

126. Серль Дж. Что такое речевой акт? / Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XVII. Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1986. – С. 151-170.

127. Серль Дж. Косвенные речевые акты / Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XVII. Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1986. – С. 195-222.

128. Серль Дж. Классификация иллокутивных актов / Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XVII. Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1986. – С. 170-195.

129. Остин Дж. Слово как действие / Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XVII. Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1986. – С. 131-150.

130. Солижонов Й. Бадий сўз устаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983. – №4. – Б. 11-15.

131. Солижонов Й. Диалог қурилиши ва унинг элементлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2010. №3. – Б. 3.

132. Саидхонов М. Паралингвизмларнинг бадий матндаги интерпретацияси / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Тошкент, б. 55-56.

133. Соболева Е. Проблемы прагматики англоязычного художественного текста // Известия ПГПУ. 2008. №6. – С. 55-56.

134. Тўрабекова С. Ғафур Ғулом поэзиясининг тасвирий воситалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1960.–№6. – Б. 32-38.

135. Тоҳиров З. Метафора лексема семемасининг прагматик семаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983. №4. – Б. 74-77.

136. Улуков Н. “Шум бола” қиссасидаги библионим ва антропонимлар хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2017.№ 3. – Б. 66-69.

137. Чориев Б. Ғафур Ғулом поэзиясининг лексик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1972. –№1. – Б.3-7.

138. Шукуров Н. Ғафур Ғуломнинг тилдан фойдаланиш маҳоратига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1959. 4. – Б.17-23.

139. Ғаниева Г. Ундов сўзлар орқали баҳо муносабатининг ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2016. –№ 2. – Б. 101-104.

140. Коровина Н. В. Соотношение понятий «знак», «референт», «денотат» и «концепт» как основных элементов референции // Вестник Нижегородского университета. 2010. – №4. С. 332-336.

141. Грайс П. Логика и речевое общение // Новое в зарубежной лингвистике. М. Прогресс, 1985. – Вып.16. Лингвистическая прагматика. – С. 217-237.

Луғатлар:

142. Ахманова О. Словарь лингвистических терминов. – Москва, 1966. – С. 320.
143. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – 320 б.
144. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 168 б.
145. Лингвистический энциклопедический словарь. – Москва: СЭ. 1990. – 709 с.
146. Фалсафа (қомусий луғат). – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари Миллий жамияти нашриёти, 2004. – Б. 193.
147. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ. 2005.

Бадий манбалар:

148. Gʻafur Gʻulom. Shum bola. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2015. – 155 b.
149. Ғафур Ғулом. Асарлар. Насрий асарлар. 5 томлик. 5-том. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1967. – 316 б.
150. Ғафур Ғулом. Асарлар. 10 томлик. 5-том. Повестлар, пьесалар. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – 432 б.
151. Gʻafur Gʻulom. Mening oʻgrigina bolam. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2019. – 128 b.

Интернет манбалари:

152. [www. cyberleninka. ru](http://www.cyberleninka.ru).
153. [www. dislib.ru](http://www.dislib.ru)
154. [www. natlib .uz](http://www.natlib.uz).
155. [www. ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).
156. www.ziyouz.com.

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	3
I БОБ. БАДИЙ МАТН ПРАГМАТИКАСИНИНГ НАЗАРИЙ	
МАСАЛАЛАРИ.....	6
1.1. Матн прагматик таҳлилининг назарий манбалари.....	6
1.2. Бадиий матнга прагматик ёндашув мезонлари.....	19
1.3. Бадиий матн ва прагматик категориялар.....	25
Боб бўйича хулоса.....	39
II БОБ. ПРАГМАТИК МАЪНО ИФОДАЛОВЧИ ЛИСОНИЙ	
ВОСИТАЛАР.....	41
2.1. Фонетик бирликларнинг прагматик хусусиятлари.....	42
2.2. Луғавий бирликларда прагматик маъно ифодаси.....	44
2.2.1. Лексик бирликлар мазмуний мундарижасида прагматик узв.....	44
2.2.2. Фразеологизмларнинг прагматик белгилари.....	52
2.3. Морфологик воситаларнинг прагматик хусусиятлари.....	57
2.4. Синтактик бирликларда прагматик маъно ифодаси.....	68
2.5. Ўхшатиш прагматик восита сифатида.....	78
Боб бўйича хулоса.....	85
III БОБ. ҒАФУР ҒУЛОМ НАСРИЙ АСАРЛАРИНИНГ	
КОММУНИКАТИВ-ПРАГМАТИК ТАҲЛИЛИ.....	87
3.1. Матн коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи	
категориялар.....	87
3.2. Тагмаънонинг семантик ва прагматик хусусиятлари.....	98
3.3. Нутқий акт ва унинг коммуникатив-прагматик хусусиятлари.....	108
Боб бўйича хулоса.....	120
Умумий хулосалар.....	122
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	124

Илмий нашр

НОЗИМА ҚОЗОҚОВА

**БАДИЙ МАТН ПРАГМАТИКАСИ
(ҒАФУР ҒУЛОМ НАСРИЙ АСАРЛАРИ
МИСОЛИДА)**

Монография

Муҳаррир: Гулчеҳра ЗОКИРОВА
Дизайнер: Абдулазиз ТОШПЎЛАТОВ
Мусахҳих: Мадина МАМАЖОНОВА

Теришга берилди 15.11.2022 йилда.
Босишга рухсат этилди 02.12.2022 йилда.
Бичими 64x42 1/16. Офсет қоғози
Times New Roman гарнитураси. Ҳажми 8,5 босма табоқ
Адади 100 нусха.

“ARJUMAND MEDIA” NASHRIYOTI
Namangan shahri, Navoiy ko‘chasi, 36.
Tasdiqnoma raqami 1743
2020-yil 30-sentabrda berilgan.

Murojaat uchun telefon: +99899 002-94-39

“Toshbuloq oqshomi” bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: Namangan shahri, I.Karimov ko‘chasi, 10-uy.